



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ  
АКАДЕМИЯСИ

# **КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ**

ўқув-услубий мажмуа


ЗЧс(с52)  
К 68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “УЛУҒБЕК” ЖАМҒАРМАСИ**

**КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ –  
ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА  
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИ**

ўқув-услубий мажмуа



Тошкент – 2020

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўқув-услубий кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилган (2019 йил 23 декабрдаги 3-сон мажлис баённомаси).

Конституция ва қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезони. Ўқув-услубий мажмуа / Муаллифлар жамоаси: Қ.Қ.Қуронбоев, Х.Т.Азизов, М.Б.Бекмуродов ва бошқ. — Тошкент, 2020 й. — 221 б.

**Масъул муҳаррирлар:** академик О. Салимов,  
профессор М.Б. Бекмуродов

Муаллифлар жамоаси: Қ.Қ.Қуронбоев, Х.Т.Азизов, М.Б.Бекмуродов, О.Т.Хусанов, Ш.А.Тошматов, Х.С.Хайитов, Қ.С.Раҳмонов, А.Т.Жалилов, Н.Т.Умарова, Н.Я.Хамрохўжаев, О.Т.Астанакулов, Ш.М.Содиқова, У.М.Мавланов, Э.Х.Ибрагимов, А.А.Дадашева, Д.С.Атажанова, А.Х.Холов

**Тақризчилар:** профессор Д.Н.Раҳимова,  
профессор А.О.Умаров

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси асосида тайёрланган бўлиб, маърузада кўтарилган долзарб мавзулар мазмун-моҳияти муаллифларнинг ёндашувлари асосида очиқ берилган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа давлат хизматчилари, тингловчилар, талабалар, тадқиқотчилар ҳамда мазкур соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2020 й.



*“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови” деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши лозим”.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ**

**Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!**

**Муҳтарам меҳмонлар!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Аввало, барчангизни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллик байрами билан самимий табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Хурматли дўстлар!**

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз.

Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Бош қомусимиз, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланишини эътироф этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий қонунимизда мужассам бўлган аجدодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур.

**Хурматли юртдошлар!**

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби

йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

**Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.**

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур.

**“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови”** деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш айниқса долзарбдир. Афсуски, ушбу талаблар бизда ҳали тўлиқ бажарилмоқда, деб айта олмаимиз.

Шу йилнинг ўзида 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Бу қонун ҳужжатлари ким учун ва нима мақсадда қабул қилинмоқда?

Албатта, халқимиз фаровонлиги учун.

Масалан, иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган **“Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”**ги қонунни қабул қилганимизга 7 ой бўлди. Кўпдан буён кутилган, ҳаётнинг ўзи талаб этаётган бу қонун лойиҳаси устида биз узоқ вақт ишладик. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан механизмидир.

Ҳозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус умуман сезилмаяпти.

Вазир ёки ҳоким қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмаса, англаб етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмаса,

ислохотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади.

Худудлардаги экин майдонларида рухсатномасиз, ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш, бино-иншоотларни бетартиб бузиш каби нохуш ҳолатлар қонунлар ижросини назорат қилиш ишлари оқсаётганидан далолат беради. Шу боис Парламент, Ҳукумат ва Олий суд қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини қўллаши зарур.

Бу борада кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражали эътибор қаратиш лозим.

**Иккинчидан**, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: **“Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”**.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда.

Яқунланаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиқлик ва ошкоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат бизнинг тажрибамизда биринчи марта юз бераётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ёки кўпчилигингиз хабардорсиз, кейинги пайтда жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетган эди. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун яқинда дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинди. Бу ҳам жамоатчилик фикри қандай кучли таъсирга эга эканига мисол бўла олади.

Буларнинг бари одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади.

Айни вақтда жамоатчилик назорати **“бир томонлама восита”**га айланиб қолмаслиги керак.

Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, ҳолис кўриб чиқишлари лозим. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Яна бир масалага диққатингизни жалб қилмоқчиман.

Конституцияга асосан судлар ўз фаолиятида мустақил, лекин уларнинг чинакам назоратчиси халқ бўлиши керак.

Судлар ва тергов идоралари бирон-бир иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича фуқароларнинг жамоавий мурожаатларига тушунтириш ва ҳуқуқий изоҳлар бериши зарур.

Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгуси”га айланиши керак.

Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва ҳолис оммавий ахборот воситалари вакиллариدير.

Демократик ислохотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда.

Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак.

Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз.

Шу муносабат билан жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим.

Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт.

Яна бир марта такрорлайман, **Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди.**

**Тўртинчидан,** қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислохотларимиз билан уйғун бўлган тақдирдагина ишлайди.

Бу – айни ҳақиқат, аксиомадир. Лекин айрим қонунларимиз замон талабларига мос эмас. Шу боис қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида яратиш – долзарб вазифамиздир.

Келгуси йилдан бошлаб Адлия вазирлиги қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича мутлақо янги иш услубига ўтиши зарур. Бунда Конституциямиз нормалари ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши лозим.

**Бешинчидан,** биз қанчалик мукаммал қонунлар яратмайлик, қандай ислохотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, қўтилган натижаларга эришиш мушкул бўлади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг бундан бир неча аср аввал **“Ҳуқуқни англаш масъулият ҳиссини ривожлантиради”**, деб айтган ҳикматли сўзлари ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак. Лекин ана шундай ҳуқуқий масъулиятни бугун ҳаммада ҳам шакллантира олаёلمизми?

Афсуски, бу саволга ҳозирча ижобий жавоб беролмаймиз. Мисол учун, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан яратилган нонни

ҳалқимиз улуғ ва азиз неъмат сифатида ғоятда қадрлайди. Ноннинг қадрини айниқса ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимиз жуда яхши биладилар.

Бугун ушбу муҳташам саройда уларнинг энг муносиб вакиллари кўриб турганимдан жуда хурсандман.

Бу йил Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни Конституция байрами билан бир кунда нишонланаётгани бу айёмга ўзгача файз бағишламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча деҳқон ва фермерларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, уларга юсак ҳурмат ва эҳтиром билдиришга рухсат этгайсиз. Биз учун нон қанчалик азиз ва қадрли бўлса, заҳматкаш деҳқонларимиз, уларнинг меҳнати ҳам шунчалик азиз ва қадрлидир.

Ҳақиқатан ҳам, уруш ва очарчиликни бошидан кечирган бобо ва момоларимиз бизга болаликдан бошлаб нонни кўзимизга суртиб эъозлашни ўргатганлар. Бу бизнинг буюк қадриятимизга айланган. Шу маънода, Яратганнинг бебаҳо неъматларини, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларни қадрлаш туйғусини фарзандларимиз қалбига ёшлигидан сингдириб боришимиз зарур.

Яширишнинг ҳожати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда “қонунни четлаб ўтиш” бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди.

Бундай иллатнинг илдизларини қирқишга қаратилган ишларни, қандай қийин бўлмасин, аста-секин амалга оширмоқдамиз. Жумладан, болаларни боғчага жойлаштиришга электрон навбат, мактаблар ва олий таълимга ўқишга қабул қилишда очиқ ва ошкора тартиблар яратилди. Шунингдек, “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Аммо бу ўзгаришлар туфайли жамиятимиз салбий иллатлардан, қонунга бепасандлик ҳолатларидан батамом қутулди, деб айтишга ҳали эрта.

Очиқ тан олиш керак, аксарият одамларимиз бу масалада лоқайд ва бепарво бўлиб қолмоқда. Бугун олиб бораётган ислохотларимиз йўлидаги энг катта тўсиқ ҳам аслида шу эмасми?

Айрим фуқароларимиз бошқарув идораларидан масъулият талаб қилишни яхши билади-ю, лекин ўзининг жамият олдидаги, қонун олдидаги масъулияти ва мажбуриятини унутиб қўяди. Ҳолбуки, Ўзбекистонни янгилаш, миллий юксалишни янги босқичга кўтариш бу – ўз-ўзидан, осонликча бўлаётгани йўқ.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бугунги кунда зарур куч ва имконият, маблағ топиб, қанча-қанча катта дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Янги-янги корхоналар, йўл

ва кўприklar, боғча, мактаб ва шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, кўплаб уй-жойлар қуряпмиз ва Худо хоҳласа, бундай ишларимизни янада кўпайтирамиз.

Халқимизда “Қарс икки қўлдан чиқади”, деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Кўпни кўрган муҳтарам кексаларимиз, фаол фуқароларимиз, азиз опа-сингилларимиз, зиёлилар, навқирон ёшларимиз бугунги ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларда фидойилик билан иштирок этаётгани шахсан менга катта куч-қувват бағишлайди. Имкониятдан фойдаланиб, барчангизга, бутун халқимизга бунинг учун чин юракдан алоҳида миннатдорлик билдираман.

**Ишончим комил, биз мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради.**

#### **Азиз дўстлар!**

Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор.

**Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.**

Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун “Конституция алифбоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Адлия, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу ишларга масъул бўлади.

Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадиий фильмлар, театр асарлари яратиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қахрамонлари бўлиши керак. Айнан шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади, деб ўйлайман.

### **Қадрли ватандошлар!**

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип Асосий қонунимизда қатъий белгиланган.

Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида муҳрлаб қўйилган ва бунда чуқур маъно бор. Бу қоидалар мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, давлат ўз фаолиятини фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишини аңглатади. Буни биргина шу йилнинг ўтган даврида Халқ қабулхоналарига келиб тушган 880 мингдан ортиқ мурожаатнинг 510 мингдан зиёди ижобий ҳал этилгани ҳам тасдиқлайди.

Шу муносабат билан ҳамма раҳбарларга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Бизга умид ва ишонч билдирган, бизни раҳбар этиб сайлаган, эл-юртимизни, ҳар бир фуқарони рози қилиш асосий бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Халқ биздан рози бўлса – Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Ана шу принципни амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун биз, аввало, қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишимиз зарур.

**Биринчидан**, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегиямиз бўлиши лозим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум.

Бу йилнинг ўзида **“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”**ги, **“Жабрланувчи, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг **“Мажбурий меҳнат тўғрисида”**ги, **“Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида”**ги конвенциялари ратификация қилинди. Бу бизнинг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги қатъий ва ўзгармас позициямизни ифода этади.

Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида куни кеча навбатдаги фармонга имзо чекдим. Унга биноан жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилиб, улар эркин ҳаётга қайтарилди.

Бу йил Жаслиқ кўрғонидаги жазони ижро этиш колониясини ёпганимиз ҳам ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси бўлди.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий сўғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Натижада манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда.

Биз аввал йўл қўйган хатомизни тузатиб, ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида дастлабки қадамни қўйдик.

Жорий йилда “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гапирганда, ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, ушбу йилда 5 минг 868 нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини таъкидлашни истар эдим. Лекин бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Аввало, юқорида зикр этилган Миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий тамойилларни рўёбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим.

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида **“Инсон ҳуқуқлари”**, **“Бола ҳуқуқлари”**, **“Аёллар ҳуқуқлари”** номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим.

Ўтган уч йилда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига рухсат берилди. Соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланган эди.

Бироқ аҳоли билан мулоқотлар ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган бошқа ҳолатлар бўйича ҳам шундай чораларни қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Бунди суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борица камайтириш лозим.

Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда.

Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпиқ, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охириги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик.

Ишонаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.

**Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир.** Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли этадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

Кейинги пайтда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликларга тааллуқли. Шунининг оқибатида олиб, ушбу идоралар халқимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини яратиши зарур. Ҳар бир ариза ва шикоятнинг қонуний ечими ана шу идоралар раҳбарлари фаолиятига берилган баҳо бўлади.

Бундай янги ўзгаришларни аввало, халқимиз, жумладан, юртимизда қонун устувор эканига ишониб сармоя киритаётган чет эллик ҳамкорларимиз ҳар томонлама ҳис қилишларини истардим.

Бу йил Жаслиқ кўрғонидаги жазони ижро этиш колониясини ёлғанимиз ҳам ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси бўлди.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Натижада манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда.

Биз аввал йўл қўйган хатомизни тузатиб, ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида дастлабки қадамни қўйдик.

Жорий йилда “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гапирганда, ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, ушбу йилда 5 минг 868 нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини таъкидлашни истар эдим. Лекин бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Аввало, юқорида зикр этилган Миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий тамойилларни рўйбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим.

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида **“Инсон ҳуқуқлари”**, **“Бола ҳуқуқлари”**, **“Аёллар ҳуқуқлари”** номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим.

Ўтган уч йилда жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига рухсат берилди. Соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланган эди.

Бироқ аҳоли билан мулоқотлар ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган бошқа ҳолатлар бўйича ҳам шундай чораларни қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борица камайтириш лозим.

Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда.

Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпик, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охириги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик.

Ишонаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.

**Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир.** Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли этадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабни суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

Кейинги пайтда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликларга тааллуқли. Шуни инобатга олиб, ушбу идоралар халқимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини яратиши зарур. Ҳар бир ариза ва шикоятнинг қонуний ечими ана шу идоралар раҳбарлари фаолиятига берилган баҳо бўлади.

Бундай янги ўзгаришларни аввало, халқимиз, жумладан, юртимизда қонун устувор эканига ишониб сармоя киритаётган чет эллик ҳамкорларимиз ҳар томонлама ҳис қилишларини истардим.

**Учинчидан,** адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур.

Бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт.

Яқин истиқболда Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Айни вақтда адвокатларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари ҳам ушбу концепцияда тўлиқ акс этиши зарур. Бу борада биз ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганишимиз керак.

**Тўртинчидан,** виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш бундан бўён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда фуқароларимизнинг муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, умра зиёратига боровчилар сони 10 мингдан 30 мингга, ҳаж зиёратига боровчилар эса 5 мингдан 7 минг 200 нафаргача оширилди, сафар билан боғлиқ харажатлар эса камайтирилди.

Умуман, сўнгги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий нуфузли экспертлар иштирокида биз **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги қонуннинг янги таҳрири устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу қонун фуқароларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

**Муҳтарам мажлис иштирокчилари!**

Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган фуқароларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси тузилди. Ҳукумат таркибида Хорижда вақтинчалик меҳнат

қилаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти ташкил этилди.

Бироқ чет элга ишлаш учун фуқароларни жўнатиш билан шуғулланаётган баъзи бир хусусий фирмалар одамларни алдаётгани ҳақидаги материаллар матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда. Департамент ушбу фирмалар фаолиятини қатъий назоратга олиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси, мамлакат ичкарасида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳомийлик кўрсатишни бундан буён ҳам кафолатлайди ва барча чораларни кўради.**

Бунинг учун, жумладан, хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз томонидан кўрсатилаётган консуллик хизматларини электрон шаклга ўтказиш лозим. Токи чет элдаги фуқароларимиз бошқа шаҳардан консуллик бўлимларига бевосита ўзи келиб, овора бўлиб юрмасин.

Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари келгуси йилда ушбу тизимни тўлиқ ишга туширишга масъул этиб белгиланади.

**Бешинчидан, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга мамлакатимизда жиддий эътибор берилмоқда.**

Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янгитдан ташкил этилгани, уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани бу йўлда янги қадам бўлди.

Жорий йилда Конституциямизнинг 46-моддасига асосан **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.** Мазкур қонунларни изчил амалга оширишда парламент ва жамоатчилик назорати ниҳоятда зарур, деб ўйлайман.

Келгусида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг диққат марказида бўлади.

Кейинги пайтда кўплаб аёлларимиз давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, молия-банк, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда масъул раҳбарлик лавозимларига кўтарилмоқда.

Ўзингиз айтинг, жойларда одамларнинг дарду ташвишларини, оила ва маҳалладаги аҳволни ким ҳаммадан кўра кўпроқ билади, ким ҳаммадан яхшироқ ҳис қилади? Албатта, ҳурматли ва меҳрибон аёлларимиз эмасми?

Ҳеч шубҳасиз, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда, бошқарув самарасини оширишда опасингилларимизнинг ўрни ва таъсири жуда катта. Шунинг учун биз хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларга турли масъул

вазифаларни ишониб топширишга қаратилган сиёсатни янада фаол давом эттирамиз.

**Олтинчидан,** фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясида бўлади.

Биз ўтган йиллар давомида тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишларни амалга оширдик. Жумладан, коррупцияга йўл очиб бераётган ер ажратиш амалиёти тубдан ислоҳ қилинди. Бу жараён эндиликда ер ажратиш электрон тизими орқали амалга оширилмоқда.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳокимларнинг кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилади. Бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан биридир.

Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик кучайтирилди.

Шунингдек, компенсация миқдори тўғрисида тарафларда келишмовчилик вужудга келса, энди бундай ҳолатлар фақат суд йўли билан ҳал этилади.

Маълумки, шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши турли адолатсизликларга сабаб бўлишини кўп мисоллар кўрсатмоқда. Бундай масалалар энди фақат суд тартибида ҳал қилинади.

Бизнес-омбудсман томонидан тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқларини ноқонуний чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, унга тадбиркор манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

Соҳада очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш керак.

Биз жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга жавоб берадиган ислохотларимизни бундан буён ҳам қатъий давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва

эркинликларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

### **Қадрли юртдошлар!**

Маълумки, шу йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

**“Янги Ўзбекистон — янги сайловлар”** шиори остида ўтаётган бу кампания мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ғоят муҳим воқеадир.

Конституциямизга мувофиқ, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сайловда ўзига маъқул бўлган номзод ёки бирон-бир партия илгари сураётган дастур учун овоз бериш, уларни қўллаб-қувватлаш вакиллик демократиясининг яққол кўринишидир.

Ўтган қисқа даврда сайловга оид 21 та қонун тизимлаштирилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор ягона **Сайлов кодекси** қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур кодексдаги энг катта янгилик сиёсий майдоннинг тўлиқ сиёсий партияларга берилиши билан боғлиқ, десак, адашмаган бўламиз. Унга мувофиқ, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда илгаридек 135 та эмас, балки тўлиқ — 150 та сайлов округидан ўз номзодларини кўрсатади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун белгиланган квотанинг бекор қилингани ҳам сиёсий майдонда соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилади.

Сайлов кодексига мувофиқ сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Энди вакил сайлов комиссияси мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари қандай тўлдирилганини текширишда қатнашади. Шунингдек, у сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга.

Буларнинг барчаси сайлов жараёнида очиқлик ва ошкораликни, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Бу йилги сайловларда фуқароларимиз эркин овоз беришлари учун жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 253 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид ҳуқуқлари янада кенгайтирилди ва амалда бўлган кўплаб чекловлар бекор қилинди.

Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бу йил янги бир қадам қўйдик. Энди оғир ва ўта оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу асосда бўлажак сайловларда

озодликдан маҳрум этилган 1 минг 905 нафар шахс ҳам иштирок этиши учун қонуний имконият яратилди.

Ҳеч шубҳасиз, янги Сайлов кодекси ва ундаги 30 дан ортиқ янги демократик қоидалар сайлов қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бу йил мамлакатимизда 5 та сиёсий партия сайловда иштирок этмоқда. Халқимиз ҳаётий муаммолар ва уларнинг ечимини яхши биладиган, ислохотлар самарасига хизмат қиладиган қонун ва қарорлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатадиган, катта билим ва малакага эга инсонлар депутат бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун кўппартиявийлик асосида сайланадиган янги парламентимиз, биринчи навбатда, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган депутатлардан иборат бўлиши лозим.

Сайлов жараёнида ўнлаб халқаро ташкилотлар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси кузатувчилари ҳамда 40 дан ортиқ хорижий давлатдан 600 дан зиёд кузатувчи қатнашиши кутилмоқда.

Ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги ислохотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгиланаётган Ўзбекистонга баҳо беради.

Ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз ўзининг конституциявий ва фуқаролик бурчини, Ватанимиз тақдири ва келажаги олдидаги масъулиятини англаб, юртимиз равнақи, халқимиз тинчлиги ва фаровон ҳаёти учун, фарзандларимизнинг бахти ва қамоли учун овоз беради.

### **Азиз ва муҳтарам ватандошларим!**

Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Инсониятнинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда.

Жаҳон миқёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршилиқлар, савдо урушлари ғоят кескин тус олмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айни вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт. Бу борада бизга Конституциямиз ҳамиша раҳнамо бўлиб, беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик.

Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.

Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.

Бу – кўп миллатли, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги.

**Ва биз халқимизнинг туб манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган ана шундай сиёсатни жадал давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки уни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.**

**Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамоқда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, кўзлаган улуг мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз.**

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, эзгу ташаббус ва ислохотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам элчиларга, халқаро ташкилотлар вакилларига ўз номимдан, халқимиз номидан чексиз миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Сизларни, бутун халқимизни қутлуғ айём – Конституция куни билан яна бир бор чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Матбуот хизмати**

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

*Ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу  
ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган  
мамлакат ўзи белгиллаган юксак марралардан  
ҳеч қачон оғишмасдан доимо олдинга қараб боради.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ўзбекистон ўзгармоқда, янгиланмоқда, ёшармоқда. Одамларнинг кўз ўнгида янги Ўзбекистон бўй кўрсатмоқда. Йиллар мобайнида атроф муҳитда юз бераётган ўзгаришларга пассив томошабин ёки истеъмолчи позициясида турганларнинг аксарияти эндиликда воқеаларнинг реал иштирокчиси бўлиб, ўзлари ҳам ўзгармоқда. Янги Ўзбекистонда фаоллик, яратувчанлик руҳида яшаш ҳар бир инсон учун ҳаёт тақозаси, ижтимоий заруратга айланди.

Янги Ўзбекистонимизнинг олий ижтимоий мўлжали – мамлакатимизнинг Бош қомуси бўлган Конституциямизда акс этган моҳиятан эзгу ва инсонпарвар мазмунни ҳаётга жорий этишда, айниқса, ёрқин, намоён бўлмоқда. Бу улуғ ҳаракат, энг аввало, одамларнинг яратувчанлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон капитали имкониятларидан самарали фойдаланишга ўтишдан иборат фаолиятда ёрқин ифодасини топмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг туб моҳияти турмуш тарзимизнинг барча жабҳаларини тубдан яхшилаш, инсонлар ҳаётининг бугуни ва эртасини обод этишдан иборат. Бу янги инсонпарвар сиёсат мамлакатимизнинг барча аҳолисини, хусусан, жамиятимизнинг энг эҳтиёжманд, кўмакка муҳтож қатламлари вакиллари ҳам муносиб турмуш шароитлари яратиб бериш, озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаб бериш тартибини амалиётга жорий этиш, 4 мингдан зиёд шахсни авф этиб, эркин ҳаётга қайтарилиши, 10 мингга яқин юртдошларимизга Ўзбекистон фуқароси мақоми берилиши, ўзга юртларда отасининг хатоси сабабли хор-зор бўлиб юрган, уруш олови ичидаги Яқин Шарқ ва Афғонистондан 261 нафар аёллар ва болаларнинг “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари орқали Ватанимизга қайтарилганлигида намоён бўлмоқда. Бу янги ижтимоий сиёсат жамиятимиздаги барча ижтимоий қатламларга мансуб фуқароларга мулкка эга бўлиш, муносиб иш, ўқиш, дам олиш ва даволаниш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини

рўёбга чиқарилишида намоён бўлмоқда. Хусусан, сўнгги икки-уч йил ичида ёшлар учун олий таълим олиш имкониятининг 8 фоиздан 30 фоизга кўтарилгани, ҳар бир вилоят марказларида замонавий кардиология ва ички касалликларни даволаш марказлари қурилиб, ишлай бошлаганлигида, маҳаллий бошқарув соҳаси ходимлари, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа касб соҳиблари ойлик маошлари узлуксиз ошириб борилаётганлигида яққол ифода бўлмоқда.

Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ана шу кенг кўламли ислохотлар самарадорлиги, энг аввало, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англашлари, ҳуқуқий маданият кўникмаларига эга бўлишлари билан боғлиқ. Бунинг учун мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий стратегияни яратишга киришилгани ва бу борада бой амалиёт қўлга киритилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ана шу йўлда “**инсон жамият давлат**” учлигида инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги, ҳуқуқий тарбиянинг мактабгача таълим муассасалари ва оиладан бошланиши, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида уни узлуксиз мустаҳкамлаб бориш чоратадбирлари белгиланганлиги, “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” номли махсус ўқув курслари жорий этиш режалаштирилаётганини қайд этиш жоиз. Бундай кенг кўламли янгиланиш жараёнлари учун мамлакатимизни жадал тараққий эттиришга қаратилган “**Ҳаракатлар стратегияси**” истиқболимизнинг ёруғ йўлларини аниқ кўрсатувчи маёқ вазифасини ўтамоқда.

### **Ҳаракатлар стратегияси – янги Ўзбекистоннинг ҳаракатлантирувчи кучи**

Ҳаракатлар стратегияси янги Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган замон руҳига монанд жадал ривожлантириш, янгиланиш модели сифатида мамлакатимизнинг барча жабҳаларини такомиллаштиришнинг ҳам илмий-назарий, ҳам амалий–конструктив пойдеворидир. Ҳаракат сўзининг ўзиёқ янгиланишга даъват, катта ижтимоий, иқтисодий ва интеллектуал ўзгаришлар, шиддат билан илгариланиш даъвати саналади. “Ҳаракат сўзининг ўзи араб тилидан “жойидан силжитмоқ”, “қўзғатиб юбормоқ”, “таъсир кўрсатмоқ”, “ўзгартирмоқ”, “яхшиламоқ” деган маъноларни ифодаласа, бу сўз бирор бир “хайрли ишни бошламоқ”, “шуғулланишга фаол киришмоқ”, “оғир, аммо муҳим вазифаларни бажаришга астойдил ёндашмоқ” деган маъноларга ҳам эга.

Ҳаракатлар стратегияси давлатимизнинг барча соҳаларида стандарт ёндашувни сингдириш асосида турли даражадаги иш йўналишларини эмас, балки бир хилдаги юқори сифат даражасини ифода этувчи самарали

фаолият тартибини жорий этишга асос бўлади. Бунинг самараси сифатида мамлакатдаги барча корхоналар, ташкилотлар, давлат ва нодавлат муассасаларининг иш тартиби ва фаолиятида тизимлилик натижадорлик ҳамда воқеликка онгли ёндашув муҳити таркиб топтиради. Ҳар бир соҳада давлат томонидан белгилаб берилган стандартлар асосида иш тутиш нафақат маҳсулотлар сифатини, балки шу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи одамларда касбий ривожланишнинг узлуксизлиги ва шахсий масъулиятни доимий ҳис этиб туришни ҳам таъминлайди, бу эса фаолиятда барқарорлик, тизимлилик, ва сифат омилларига риоя этишни заруратга айлантиради. Ҳаракатлар стратегияси одамларни очиқлик, ошкоралик, шаффофлик муҳитида яшаш ва ишлашга давъат этади. Ҳар бир соҳа фаолияти кучли таъсир кучига эга бўлган жамоатчилик назорати остида кучади. Бундай муҳитда инсоннинг давлат, жамият ва ўзи олдидаги тўғрилиги, ҳалоллиги, сўзи билан иш бирлигига риоя этиш фазилатлари асосий мезон сифатида намоён бўлади. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда халқ давлатини барпо этиш йўлини ёритиб турувчи маёқ ҳисобланади.

#### **Халқ давлати - уч минг йиллик орзу рўёби**

Мамлакатимизда халқ давлати барпо этилиши ўзбек халқининг уч минг йиллик орзуси бўлиб келган. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда мазмунан янги давлат, янги жамият таркиб топмоқда. Янги жамиятга мос янги тартиботлар, янги қадриятлар, муносабатларнинг янги тизими шаклланимоқда. Бинобарин, Конституциямизда қайд этилганидек, мамлакатимизда том маънодаги моҳиятан янги халқ давлатининг ҳуқуқий асослари шакллантирилмоқда. Сўнги уч йилда янги ҳаётнинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори бўлган – 70 та қонун ва 350 та Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди.

Турмушимизга янги иборалар, хусусан, “халқ билан мулоқот”, “халқ қабулхоналари”, “халқ манфаати”. “электрон ҳукумат”, “виртуал қабулхона”, “портал”, “механизм”, “ҳақиқий қадриятлар”, “шахсий масъулият”, “ташаббускорлик”, “арзон уйлар”, “халқ дарду ташвиши”, “тўғрилик”, “ҳалоллик”, “давлат-хусусий шерикчилиги”, “маърифат”, “йўл харитаси”, “ватанпарварлик”, “кафолатланган хавфсизлик”, “китобхонлик кўникмаси”, “профилактика” ва бошқа сўзлар кириб келди ва турмуш тарзимизнинг ажралмас бўғинига айланди.

Халқ давлатини қуриш нафақат ўзбек халқининг, балки бутун дунёнинг ҳам орзуси бўлиб келган. Ана шундай давлатни қуриш учун “демократия” атамаси ҳам кашф этилган эди. Узоқ антик даврларда пайдо бўлган бу атама ҳалигача ўзининг ҳақиқий қиёфаси ва ҳаётда тўла рўёбига эриша олгани йўқ. Мамлакатимизда уч минг йиллик орзудаги тузум, яъни халқ давлати тузишга киришилди. Бутун дунёда демократиянинг ҳаётда

амал қилишининг асосий мезони ҳозирги кунга қадар фақат сайловларни ҳолис ўтказиш жараёнида тенгликка эришиш бўлиб келди. Сайловлар ўтиб бўлгандан кейин навбатдаги сайловгача эса демократия эмас, автократия амал қилар, яъни сайловда ғолиб келган шахснинг фикри жамият ва давлат учун устувор бўлиб, ҳақиқий халқ давлати барпо этилмай қолар эди.

Ўзбекистонда эса президентлик сайлови ўтиб бўлганидан сўнг халқ давлатининг мустақкам пойдеворини қуриш, демократияни ўрнатиш, миллий ҳалоллик ва тўғрилиқни жорий этиш, жамиятимиздан коррупцияни илдизи билан қўпориб ташлаш, қонунчилик, давлат ва суд ҳокимиятини, халқ орзуларини амалга ошириш, муаммоларни ечишга сафарбар этишга жуда катта куч билан киришилди. Бугун Ватанимизда ўтаётган ҳар бир кун инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-хуқуқларини кафолатли ҳимоя этиш, одамларни рози қилиш, уларни бахтли-саодатли қилувчи янги мазмун билан тўла кечмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг пировард мақсади ҳар бир инсон эрки ва манфаатларини устувор билувчи халқ давлатини барпо этишдан иборат.

### **Ўзбекистон Конституцияси - фаровон ҳаёт гарови**

Фаровон ҳаёт гарови бўлган Ўзбекистон Конституциясининг илмий-назарий асослари қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқчиллик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва эзгулик ғояларига таяниб, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларни баҳолаш ҳамда ёндашишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги устуворлигига қатъий асосланмоқда;

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида давлатимиз дунёдаги икки омил курашида бошқаларнинг манфаатини поймол қилиши мумкин бўлган кучни ҳурмат қилишни эмас, балки, том маънодаги, бағрикенглик ва меҳрни, яхшиликни ҳурмат қилиш маданиятига барқарор амал қилишини дунё ҳамжамиятига намоён этмоқда;

кучни ҳурмат қилувчи маданият назариётчилари “мақсадга эришиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкин, чунки натижа воситани оқлайди”, деган тамойил асосида иш тутса, меҳрни ҳурмат қилиш маданияти тарафдорлари эса натижага фақат одамларга эзгулик етказишга интиладилар, ҳалол воситалар орқали эришишга ҳаракат қиладилар. Янги Ўзбекистон тазйиқ ўтказувчи кучни, қаҳрни эмас, меҳрни ҳурмат қилувчи мамлакат сифатида дунёга ўзини танитмоқда.

3. Тарихни яратувчи куч алоҳида аҳоли қатлами, муайян партия ёки атоқли арбоблар, алоҳида шахслар эмас, балки халқ эканлиги Ўзбекистон Конституцияси учун муҳим ҳукукий асос вазифасини ўтамоқда; тарих халқ ва унинг фаол, фидокор вакилларининг меҳнати, саъй-

ҳаракатлари, уларнинг шу йўлда бағишланган умри ҳисобига яратилади. Шу боисдан ҳам мустақилликни қўлга киритиш ва уни мустаҳкамлашда меҳнати сингган минглаб фидоий шахслар, ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари, олимлар, ёзувчилар, раҳбарларнинг меҳнатига муносиб ҳурмат ва эъзоз кўрсатилмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳаётга қатъий ишонч ва позитив қараш назариясига ҳам таянади. Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа улуг аждодларимиз асарларида келажакка яхшилик назари билан қараш, ҳаётга шукроналик билан ёндашув ижтимоий тараққиётни барқарор таъминлай олишини, одамларнинг бахтли ҳаётини юзага келтириши, таъминлаши ва кафолатлашини назарий асослаганлар, шундай дориламон замон келишини орзу қилганлар.

5. Маърифатнинг яратувчанлик кучини ҳар бир соҳа, касб ҳамда шахслар фаолиятида рўёбга чиқариш амалиёти ва назарияси мамлакатимиз Конституциясида асосланди ва ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига кенг жорий этилмоқда, бу назария ўзининг реал самарасини бермоқда.

6. Ўзбекистон Конституциясида ижтимоий, иқтисодий жараёнларга превентив ёндашув амалиёти мамлакатимизнинг бугунги бошқарув жараёнида реал амал қила бошлади. Превентив ёндашув юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарлар олдини олишнинг мақбул йўли сифатида тинчликни сақлаш, саломатликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ҳушёр бўлиш соҳаларида профилактик ёндашув сифатида намоён бўлмоқда.

7. Барча ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг адолат ва фақат тўғрилик тамойилларига таяниб, амалга ошириш Ўзбекистон Конституциясининг моҳиятини ифодаловчи давлатнинг устувор сиёсати сифатида амал қила бошлади. Тўғрилик тамойили давлат ва жамият барча соҳаларида устувор ижтимоий-маънавий асос ва ҳаракатлантирувчи куч сифатида ўрнатилмоқда.

8. Давлат ва жамият бошқарувида компромисс эмас, балки консенсус назариясига таянилмоқда. Ижтимоий муносабатларда консенсус, яъни ҳамжиҳатлик, яқдиллик назарияси одамларнинг кўтаринки руҳиятини таъминловчи ижтимоий-маънавий муҳитни барча оила, маҳалла, корхона ва ташкилотларда шакллантирилиш талаби сифатида намоён бўлмоқда, бу талаб кенг қўламли ижтимоий ҳаракатга айланмоқда.

9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барча масалаларини амалга ошириш бир тоифа аҳоли қатлами ёки ёш авлод кучига эмас, балки ўрта ҳамда катта авлод кучи ва салоҳиятига баравар таяниш, авлодлараро яқдилликни таъминлашни тақозо этади. Аҳоли турли

қатламлари, хусусан, катта авлод вакиллари ва ёшлар ўртасида маънавият, одоб-ахлоқ, ижтимоий идеаллар талқини, Ватан иқболи масалаларида ўзаро тушуниш, авлодлараро қўллов ва ворисийлик муносабатларининг амал қилиш заруратига алоҳида эътибор қаратилгани билан ҳам қимматлидир.

10. Ижтимоий жараёнларни ўзаро ҳамкорлик асосида мақсадли оптималлаштириш, яъни синергетик ёндашув мамлакатимиз Конституциясининг муҳим тамойили сифатида ҳаётга жорий этилмоқда. Синергетикани ҳамма соҳага нисбатан кенг қўллаш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Масалан, жамиятда синергетика ўзини ўзи энг мақбул ташкил этиш имконияти сифатида турли муассаса ва соҳалараро ҳамкорликнинг замонавий шакли – кластер тарзида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жадал амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти ва ижтимоий кўламини теран англаш учун яқин ўтмишимизда халқимиз бошидан ўтказган давр воқеаларини ҳам қиёслаб туришимиз зарур. 130 йиллик истибдод даврида халқимизнинг ғурури, шаъни, қадриятларига, тарихий хотирасига қаттиқ зиён келтирилди. Одамларнинг киндик қони тўкилган ўз Ватанига бўлган муҳаббати, садоқати ва эътиқоди таъқиб этилди. Боз устига, инсонлараро муносабатларда жипслилик, аҳиллик, айниқса, меҳр ришталарининг мустаҳкам бўлишига эътибор суст бўлди.

Одамларда, айниқса, раҳбар ва орбў-эътиборли шахсларда давлатдан ялпи қўрқув ҳисси кучайтирилди. Бу эса Ватанга бўлган меҳр ва эътиқодий боғланишни кучайтириш эмас, балки уларда ватанпарварлик туйғулари сусайишига, юз бераётган бунёдкорлик ишларига бефарқлик, лоқайдликнинг кучайишига олиб келди. Бефарқлик ва лоқайдлик одамларда янгиликларга интилиш, бошқалардан ўрганиш ва ўзи билганини бошқаларга ўргатиш ҳаракатини сусайтирди.

Бозор иқтисодиётининг рақобатталаб табиати ва одамларда ўзини-ўзи иқтисодий ҳимоялашни кучайтириб, муайян даражада улардаги индивидуализм, эгоизм хусусиятларининг илдиз отишига олиб келди.

Ўзбекистон Конституцияси нафақат иқтисодий маконни тизимли тартибга тушириш, янгилаш ва ривожлантириш, балки турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсирида жиддий зиён кўрган маънавий дунёимизни ҳам тубдан янгилаш ва юксалтиришни назарда тутди.

Ҳозирги даврдаги жадал тараққиёт тенденциялари мамлакатимизни индустриал ривожлантиришда шахс салоҳияти, маънавий–интеллектуал омил ривожига устувор аҳамият қаратишни долзарб масалага айлантирди. Ватанимизнинг барқарор тараққиёти учун мавжуд интеллектуал салоҳиятни самарали ишга солиш, мутахассисларнинг ўз фаолиятига онгли ёндашувини шакллантириш, уларнинг шахсий масъулият ва

ташаббускорлик фазилатларини кучайтириш катта аҳамиятга эга. Инсоннинг шахсий масъулият, ташаббускорлик ҳамда фидоийлик фазилатлари эса Ватанни чин дилдан севишдан, ватанпарварликдан куч олади, деб алоҳида қайд этадилар. Ватанпарварлик тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Президентимиз айтганидек, “Ҳар қандай давлат маънавий сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташкил этади”. Бу эса одамларни ўз маънавий бисотлари, интеллектуал мулкларини нечоғли ўзлаштиришлари, китоб мутолаасига нечоғлик киришишлари билан ўлчанади. Шу боисдан Президентимиз китоб мутолаасини ривожлантириш масаласини давлатимизнинг устувор сиёсати даражасига олиб чиқди.

Ўзбекистон Конституцияси давлат ва жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ватанпарварлик омилига мустаҳкам таяниб амал қилади. Ватанни севиш ўз оиласи, маҳалласи, касби, ҳудуди ва Ўзбекистонни қадрлашда намоён бўлади.

Ватан тараққиётини барқарор таъминловчи яна бир омил – одамларнинг ўзаро муносабатлари тизимини янада инсонийлаштириш. Инсонийлашган муносабатлар негизида барча жабҳаларда тўғрилиқни, ҳақгўйлик, сидқни мустаҳкам жорий этиш муаммоси ётади. Атоқли муҳаддис Ҳаким ат-Термизий сидқни ҳақиқат билан бир нарса деб қарайди: “Сидқнинг бошланиши тўғрилиқдир, тўғрилиқнинг асли эса Ҳақ таолодан сенга билдирилган ва берган нарсасида чиройли ихтиёр қилишингдир. Унинг иши ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйишдир”<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда аҳил жамият, дўстлик ва муҳаббат муҳитини барпо этади. Инсонлараро ички боғлиқлик, меҳр ришталари мустаҳкам боғланади. Ҳалоллик, айниқса, ҳар бир ишда тўғрилиқни бош қадрият деб билиш, уни иймон даражасида эъзозлаш ҳар бир инсоннинг эътиқодига, ҳаёт маслагига айланади.

### ТЕСТ САВОЛЛАРИ

#### 1. Конституция қай тарзда шаклланиш босқичларидан ўтган?

- А. Эволюция босқичларини ўтган.
- Б. Тарихий жараёнларда шаклланган.
- С. Инқилобий ўзгаришлар натижасида шаклланган.

Д. \*Асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келган.

#### 2. Конституцияни нималар олий қадрият даражасига кўтарди?

<sup>1</sup> Ҳаким ат-Термизий. Маърифат-ул асрор, Т.: Мовароуннаҳр, 2017, 55-бет.

- А. Миллий қадриятларни.
- Б. Сиёсий қадриятларни.
- С. Ахлоқий қадриятларни.

Д. \*Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

**3. Маърузада Амир Темурининг қайси фикри келтирилди?**

- А. Давлат бошқаруви хусусидаги фикри.
- Б. Жамият бошқаруви устуворлиги хусусидаги фикри.
- С. Лидер шахсларнинг ижтимоий ўрни хусусидаги фикри.

Д. \*"Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади", деган фикри.

**4. Қонун устуворлиги нимага риоя этишни шарт даражасига кўтарди?**

А. Ҳар бир шахснинг иқтисодий манфаатдорлигини ҳимоя қилиш заруратини.

Б. Жамият аъзолари ўртасида адолат тамойили мустаҳкам ўрнатилиши заруратини.

С. Жамият қоидалари асосида яшаш заруратини.

Д. \*Қонун устуворлиги – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт.

**5. Президентимиз маърузасида "Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови" деган тушунча фуқароларимиз онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун биринчи навбатда қайси долзарб масалага эътибор қаратди?**

А. Иқтисодий муаммолар ечими масаласига.

Б. Ижтимоий муаммолар ечимига устувор аҳамият қаратиш зарурлиги масаласига.

С. Шахсга доир долзарб масалалар ечимини тезлаштириш масаласига.

Д. \*Қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш, айниқса, долзарбдир.

**6. Президентимиз "Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови" деган тушунча фуқароларимиз онги ва қалбида чуқур**

**ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун иккинчи қайси долзарб масалага эътибор қаратди?**

- А. Давлат назоратини кучайтириш масаласига.
- Б. Мутахассислар томонидан амалга оширувчи назорат масаласига.
- С. Идоралараро назоратни йўлга қўйиш масаласига.
- Д. \*Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

**7. Президентимиз "Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови" деган тушунча фуқароларимиз онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун учинчи қайси долзарб масалага эътибор қаратди?**

- А. Коррупция хавфининг ҳуқуқий жиҳатларини англаш масаласига.
- Б. Инсонни интеллектуал ривожлантириш масалаларини биринчи ўринга қўтариш масаласига.

- С. Инсоннинг маънавий ва иқтисодий билимини ошириш масаласига.
- Д. \*Жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизга.

**8. Президентимиз "Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови" деган тушунча фуқароларимиз онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун тўртинчи қайси долзарб масалага эътибор қаратди?**

- А. Шахснинг маиший ҳаётини яхшилаш масаласига.
- Б. Қонунлар ижросини қаттиқ назоратга олиш масаласига.
- С. Жамият қоидалари самарадорлигини ошириш масаласига.
- Д. \*Қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислохотларимиз билан уйғун ишлаши зарурлигига.

**9. Президентимиз "Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови" деган тушунча фуқароларимиз онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун бешинчи қайси долзарб масалага эътибор қаратди?**

- А. Ижтимоий эҳтиёж юзага келишига мукаммал қонунлар имкон бериши масаласига.
- Б. Ижтимоий эҳтиёжга ижобий ислохотлар имкон бериши масаласига.
- С. Ижтимоий эҳтиёж юзага келишига шахс омили имкон яратиши масаласига.

- Д. \*Мукаммал қонунлар яратилсаю, ижобий ислохотлар ўтказилсаю, агар фуқароларнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, қутилган натижаларга эришиш мушкул эканлиги.

**10. Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш учун қандай ўқув дарсликлари яратиш зарур?**

- А. “Маънавият асослари”.
- Б. “Ўзбекистон тарихи”, “Мустақиллик асослари”.
- С. “Ватан туйғуси”, “Миллий ғоя”.
- Д. “Умумтаълим мактаблари учун “Конституция алифбоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш зарур.

## ГЛОССАРИЙ

**Жадал тараққиёт** – жадал тараққиёт ибораси тўрт омил уйғунлигидан таъминланади. Бу уйғунликка эришиш учун, энг аввало, тез ривожланиш суръатларига эришишни таъминловчи етарли даражада инвестицияларга эга бўлиш; иккинчидан, пухта режалаштирилган тараққиёт модели, бу моделни узлуксиз амалга оширишга қаратилган механизм ва “йўл хариталари” зарурлигини; учинчидан эса, ана шу юксак суръатларни таъминлашга қодир бўлган инсон капитали, салоҳиятли кадрлар, мутахассисларнинг бўлиши, тўртинчидан эса, тез ривожланиш моделини рўёбга чиқаришга қодир ирода, лидернинг жамиятни етакловчи кучи ва қатъий азму қарори тақозо этилади. Мамлакатимизда ана шу омилларнинг барчаси бор. Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизни фаровон ҳаёт, нурли истиқболга олиб келади.

**Эътиқодий боғланиш** – эътиқод арабча “боғланиш”, “уланиш”, деган маъноларни ифодалайди. Бирор одамга касб-машғулот ёки қизиқишлар яқинлиги орқали муносабатлар мустаҳкамлиги таъминланади. Худди шундай ҳолатда Ватанга муҳаббатиди ҳам кўриш мумкин. Ватанга бўлган эътиқодий боғланиш халқ она тили, маданияти, урф-одатларини пухта билиш, миллий меросимизни чуқур ўзлаштиришга эришилгандагина амалга ошади. Ватанга эътиқодий меҳр қўйилса, она юрт учун инсон жонини ҳам фидо эта олади.

**Халқ билан мулоқот** – давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Халқ билан мулоқот турли даврларда турлича кечган. Агар Соҳибқирон Амир Темур даврида арз қилиб келган одамлар орқали ҳолат ўрганиб борилган бўлса, айрим ҳукмдорлар одамлар турмуш шароити ва муаммоларини ўрганиш учун либос ва қиёфаларини ўзгартириб, тунда шаҳар ва қишлоқларни кезишган. Бир сўз билан айтганда, миллий тарихимида халқ билан мулоқот аниқ бир тартиб ёки қонун-қоидалар асосида эмас, балки ҳар бир ҳукмдорнинг шахсий рағбати, хоҳиши доирасида амалга оширилган. Халқ билан мулоқот Ватанимизда махсус ишлаб чиқилган тизимли фаолият сифатида йўлга қўйилди.

Халқ билан мулоқот нафақат одамларни тинглаш, балки уларнинг тақлиф ва тавсиялари асосида мамлакатимизни янада ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

**Шахсий масъулият** – давлат ва жамият талабларини бажаришда масъул шахснинг сиёсий, ахлоқий, касбий ва маънавий жиҳатлардан ўзини намоён этиш даражаси. Шахсий масъулият инсонга қўйилаётган талабларни бажаришга нечоғлик қодирлиги, уларни қай даражада англай олиши, талаб қилинаётган натижага эришиш ва ташқи омиллар таъсиридаги ҳаракатларнинг оқибати учун инсоннинг жавобгарлиги, бу оқибатларни олдиндан кўра билиш сингари масалаларни қамраб олади. Шахснинг ижтимоий ваколат ва имкониятлари қанчалик кенг бўлса, унинг шахсий масъулият даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Шахсий масъулиятга уч нарсаси доимий равишда куч бағишлаб туради: Ватанга бўлган чин муҳаббат, халқни севиш, ўз касбига меҳр, ишлаб завқлана олиш.

**Ҳаракатлар стратегияси** – ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг бош йўналиши, барча саъй-ҳаракатларнинг пойдевори, давлат ва жамият ҳаётидаги туб бурилиш даври учун хос бўлган миллий тараққиёт модели. Стратегиянинг бугунги кун учун хос бўлган маъноси ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистонни эркин ва фаровон давлат бўлишига эришиш, одамлар ҳаётини тубдан яхшилаш, бахтли турмуши, кафолатли тинчлигини таъминлаш, ҳар бир инсоннинг эртанги кунига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

**Янги инвестицион сиёсат** – тараққиётнинг юксак суръатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатни замонавий технологиялар асосида индустриллаштириш, юқори интеллектуал ресурслар талаб этувчи соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган жадал тараққиёт суръатларини таъминлаш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда Туркменистон, Қозоғистон, Россия ва Хитой мамлакатлари билан имзоланган инвестицион шартномалар 50 млрд. долларга яқин маблағни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки ҳамда Ислом тараққиёт банкидан жалб этилиши мўлжалланаётган маблағларнинг умумий ҳажми 10 млрд. доллардан зиёд. Агар ана шу рақамларни 2015 йилги натижалар билан таққосласак, фарқ бир неча баравардан ошади.

**Ростлик, тўғрилиқ** ҳар бир ишда мантиқли ёндаша олиш, ҳақиқатни фаолиятнинг асосий кўрсаткич ва мезони деб билиш, маънавий тарбиянинг ўқилдизи, ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўтиш (Ш. Мирзиёев) механизмини ифода этади. Тўғрилиқ ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз фазилатлари ҳақида шундай деганлар: “Мен

рост гапни яхши кўраман”<sup>2</sup>. (Расуллоҳ алайҳисалом сийратлари. Нурул яқин. –Т.: Ғ.Фулом номидаги матбаа нашриёт уйи, 2017. 261-бет).

Рост яшаш, рост гапиришга ўргатиш энг мушкул ва мураккаб ишлардан. Мусо алайҳиссалом яҳудийларни рост сўзлаш, тўғри яшаш ва қулликни ўргатишлари учун 40 йил мобайнида синай саҳроларида кўчманчи ҳолида олиб юрганлар<sup>3</sup>. (Муҳаммад Сиддиқ Руштий. “Авлиёлар султони туронлик валийлар.” –Т.: Камалак, 1995. 127-бет).

Амир Темур ҳазратлари ҳам ростликни ички ва ташқи сиёсат юргизишда, оила тарбиясида, дину диёнатга риоя этишда бош қадрият деб билганлар. У кишининг узукларида “Рости русти” деган ёзув ҳам “Куч адолатда” деган маънони ифода этган.

Ҳаким ат-Термизий “Маъруфат-ул асрор” номли китобларида “Сидқни ҳақиқат деб изоҳлайдилар ва сидқнинг бошланиши тўғрилиқдир, тўғрилиқнинг асли Ҳақ Таоло сенга буюрган, билдирган ва берган нарасада чиройли ихтиёр қилишдир. Унинг иши ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйишдир” деб таъкидлайдилар<sup>4</sup> (Ҳаким Термизий. “Маърифат-ул асрор”. -Т.: 2017. 55-бет).

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам ҳар бир ишда ростлик, тўғрилик билан ёндашишда намоён бўлмоқда.

<sup>2</sup> Расуллоҳ алайҳисалом сийратлари. Нурул яқин. – Тошкент: Ғ.Фулом номидаги матбаа нашриёт уйи, 2017. – Б. 261.

<sup>3</sup> Муҳаммад Сиддиқ Руштий. “Авлиёлар султони туронлик валийлар” – Т.: Камалак, 1995. – Б. 127.

<sup>4</sup> Ҳаким Термизий. “Маърифат-ул асрор”. – Т.: 2017 – Б. 55.

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.  
**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Конституция ва қонун устуворлиги давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар, барча нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият олиб боришини тақозо этади. Бу конституциявий принцип ҳисобланиб, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияда мустақкамланган қоидаларга тўлиқ мос келишини ҳам қатъий талаб этади. Мазкур конституциявий принципга тўлиқ риоя этиш, натижада мамлакатда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот, тараққиёт ва барқарорлик ҳукм суришига олиб келади.

Ҳозирги замон демократик давлатларида қонун устуворлиги жамият ва давлат ҳаётининг бош тамойилига айланган. Қонун устуворлиги тамойилининг бундай тантанаси - инсониятнинг кўп асрлик ривож, изланиши ҳамда тараққиёт тажрибалари, сиёсий ва ҳуқуқий фикр тақомилининг натижаси.

Ҳозирги замон давлатларининг деярли барчаси фуқаронинг қонун олдида тенглигини эътироф этади ва унинг кафолатларини қонунан мустаҳкамлайди. Қонун устуворлиги бугунги кунда демократик тараққиёт йўлидан кетаётган барча давлатлар томонидан қатъий ўрнатилган тамойил, қадрият ҳисобланади. У жамиятда адолат ва барқарорлик ўрнатиш, ижтимоий тотувликка эришишнинг ишончли воситаси сифатида майдонга чиқмоқда.

Шу сабабли, Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 7 декабрда Республика Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратди.

Қонун устуворлиги, оддий қилиб айтганда, қонунларга риоя этиш демак. Ушбу тамойил ҳар қандай ривожланган давлатнинг пойдеворини ташкил этади. Бобокалонимиз буюк Соҳибқирон Амир Темур "Салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладим-ки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди", деб ўз давлатини қатъий қоидалар, қонунлар орқали бошқарилганлигини кўрсатиб беради<sup>5</sup>.

<sup>5</sup> Темур тузуқлари. /Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., форсча матндан А.Сўғоний ва Ҳ.Қароматов тарж. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 88-бет.

Қадимий манбалардан бири “Авесто”нинг иккинчи китоби “Ясна”нинг 7-бобида ёзилишича, Ахурамазда юборган қонун-қоида, тартибот, ахлоқий ўғитларга амал қилсалар эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қилади<sup>6</sup>. Бунда аждодларимиз қадимдан турли нопок ишлардан, фирибгарлик, товламачилик, ўғирлик, порахўрлик каби жиноятлардан, бировнинг ҳақиға хиёнат қилишдан ўзларини тийишганлигини кўриш мумкин. Юнон мутафаккири Арасту жамиятда ҳуқуқнинг ўрнига алоҳида урғу бериб, қонунлар ҳуқуқлардан ташкил топиши зарурлигини билдиради. Мажбурий кучга эга қонунлар бўлмаса, жамиятда фуқароларнинг тенгсизлиги, адолатсизлик келиб чиқиши мумкин<sup>7</sup>.

Қонунийлик, қонун ва ҳуқуқ устуворлиги бир-бирига яқин тушунчалардир. Қонунийлик - қонунлар ва уларга асосланган қонуности ҳужжатларидаги ҳуқуқий қоидаларнинг барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қатъий ва тўлиқ амалга оширилиши, уларни ҳаётга тадбиқ этишга доир қатор талаблар йиғиндиси, яъни улар кимга йўналтирилган бўлса, ўшалар томонидан аниқ ва муқаррар бажарилиши, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучига қараб кетма-кет жойлашуви ва ижросини таъминлаш, қонунни уни қабул қилган органдан бошқа ҳеч бир орган томонидан бекор қилинмаслиги каби талабларни бажариш, бу талаблар қонунийликнинг мазмунини ташкил этади.

Қонунийлик – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқбузарлик ва зўравонликка қарши изчил курашиш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режим.

Қонун устуворлиги ҳақида гап бораётганда, тадқиқотчилар томонидан “қонун устуворлиги”, ҳамда “ҳуқуқ ҳукмронлиги” тушунчалари бир мазмундаги, синоним ҳодиса сифатида тушуниш ҳоллари учраб туради. Лекин, илмий адабиётларда улар моҳиятан яқин ҳуқуқий ҳодисалар бўлса-да, айтиш вақтда, бир-биридан муайян даражада фарқланиши кўрсатилади.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги - ҳар қандай давлат ўзи ҳуқуқий нормалар яратар экан, энг аввало, ўзи айнан шу ҳуқуқ нормаларга амал қилиши керак, яъни амалдаги ҳуқуқ нормалари фуқаролар учун қанчалик мажбурий характерга эга бўлса, давлат учун ҳам шунчалик мажбурий характерга эга бўлиши зарур.

<sup>6</sup> Нурматова М. Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти босқичлари. – Т.: 2008. 9-бет.

<sup>7</sup> Муҳамедов Ў.Ҳ. Конституция ва қонун устунлиги. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2003. 10-бет.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги - давлатнинг, унинг мансабдор шахслари, давлат органлари, фуқаролар ва улар турли тузилмаларининг фаолияти ҳуқуқ билан боғлиқлиги, ҳуқуқ асосида кечиши. Қонун устуворлиги муайян давлатда амал қилиб турган ҳуқуқ манбалари, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида қонуннинг олий юридик кучга эга эканлиги, барча қонуности ҳужжатлари қонунга мос келиши лозимлигидир.

Қонунларга риоя этиш учун улар расмий тарзда эълон қилинган бўлиши шарт. Қонуннинг эълон қилиниши уларга риоя этишнинг шартидир.

Қонун устуворлиги ва ҳуқуқ ҳукмронлиги ("rule of law") - ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим тамойиллари, тавсифларидан бири ҳисобланади.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш адолатни таъминлашдир.

### ***Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш***

Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини яратишга қаратилган. Шу боис, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини давом эттириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий институт ва марказлар ташкил топганлигини ҳам қайд этиш зарур. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман);

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидаги турлари белгиланган:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Қонун устуворлиги принципи юзага келадиган муносабатларнинг қонунлар асосида тартибга солиниши, қонунларда белгиланган нормалар асосида ҳар бир шахс, давлат, унинг ваколатли органлари, мансабдор шахс ёки фуқаро, инсон ўз хатти-ҳаракатларини амалга ошириши, бу нормаларга амал қилиши шарт.

Юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро бир-бири билан мувофиқ бўлиши, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўйи турган норматив-ҳуқуқий ҳужжат, албатта, мувофиқ бўлиши керак. Яъни, Конституцияга бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат номувофиқ бўлиши мумкин эмас. Худди шундай қонунга қонуности ҳужжатлари мос бўлиши ва бошқа ҳужжатлар юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ бўлиши зарур.

Қабул қилинадиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзидан юқори кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ бўлиши қонун устуворлиги принципининг реал ҳаётга татбиқ этилишини билдиради. Умуман, қабул қилинган энг мақсадга мувофиқ қарор – қонунга асосланган қарор эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Қонун устуворлиги – ҳуқуқни қўлловчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонун нормаларини аниқ ва бир хилда тушунилиши ва қўлланилишидир. Тарихдан маълумки, халқ манфаатлари, юксак ғоялар йўлида судьялар ва маъмурият раҳбарлари айнан мақсадга мувофиқликка амал қилишган. Шунингдек, қонун устуворлиги ва қонунийлик тантанаси учун одамлар, ҳатто, жонларини фидо қилишгача боришган. Қонунга амал қилиш зарурлиги ҳақидаги мулоҳазалар мумтоз фикрга айланган Рим ҳуқуқшунослари "Dura Lex, sed Lex," (Қонун шафқатсиз, лекин у шуниси билан қонун-да), дейишган.

Қонун устуворлигини таъминлаш вазифалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида мустаҳкамланган. Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш,

юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масалаларини қамраб олган.

Давлат бошқарувида қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий талабларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Конституция ва қонунларнинг устунлиги асосий принцип сифатида белгиланган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Қонун устуворлиги қуйидаги уч ҳолат бўлгандагина ўзининг тўлиқ ифодасини топади. Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлиши, иккинчидан, Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши, учинчидан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши лозим.

Конституциямизнинг 13-моддасида мустаҳкамланган, "...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деган қонуннинг ҳаётда реал амалга ошишини таъминлашга эришмоғимиз зарур.

Шу билан бирга, қонунийликни таъминлаш уни амалга оширувчилардан ҳуқуқий билимларга эга бўлишни ҳам тақозо этади. Зеро, Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади"<sup>8</sup>. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонида асосан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепциясининг тасдиқланганлиги аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва

<sup>8</sup> Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. / Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2016.

қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан мурасасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли тизимини яратишга асос бўлди<sup>9</sup>.

Ушбу ишларнинг мантикий давоми сифатида 2019 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сонли Қарори қабул қилинганлиги мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш заруратини яна бир бор кўрсатди.

Умуман олганда, қонун устуворлиги қонун олдида барчанинг тенглиги ва қонун устуворлигининг умумийлигини англатади. Ҳуқуқ субъектларининг, жисмоний ёки юридик шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий талабларидан биридир.

Конституциянинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб белгиланган.

Бу тенглик мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари истиқомат қиладигани, аёлларнинг эркаклар билан бир хил тенг ҳуқуққа эгалиги, хотин-қизларни давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситаси, тенг ҳуқуқлиликини бузганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд. Жиноят кодексининг 141-моддасига асосан, “Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш” жиноий ҳаракат ҳисобланиб, бундай ҳаракатларни содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

<sup>10</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2017. – Б. 72.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 7-моддасига мувофиқ, "Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар ва ҳар қандай тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай уринишлардан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар"<sup>11</sup>.

Декларация 29-моддаси 2-бандига асосан, "Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, фақат ахлоқ, жамоат тартиби, умумий фаровонликнинг одилона талабларини қондириш мақсадида қонунда белгиланган чеклашларга риоя этиши керак".

Қонунлар устуворлиги орқали мамлакатда ижтимоий адолат ўрнатилади, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланади, юзага келиши мумкин бўлган турли низо ва келишмовчиликларнинг олди олинади, барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланади.

Ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида зўравонликка йўл қўймаслик учун Ўзбекистонда давлат назорати, жумладан, суд назорати алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, маъмурий судларни шакллантириш, яъни маъмурий адлияни ривожлантириш давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунларга риоя қилишини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4850-сонли<sup>12</sup>, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли<sup>13</sup> ва 2017 йил 21 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сонли фармон<sup>14</sup>лари ва 2019 йил 6 январдаги "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4096-сонли

<sup>11</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 4.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

<sup>13</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.

<sup>14</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон, 20.07.2018 й., 06/18/5487/1543-сон.

Қарорига мувофиқ судлар янада ихтисослаштирилиб, маъмурий судлар ташкил этилди.

Қонунийлики мустаҳкамлаш соҳасида суд ҳокимияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси суд тизими Конституцияда белгиланган моддаларга биноан қабул қилинган (XII боб) “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги ва “Судлар тўғрисида”ги қонунларга асосан фаолиятини амалга ошироқда. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш билан боғлиқ бўлган муаммо ва низоларни ҳал этишнинг энг самарали демократик йўлларида бири уларни суд орқали ҳал этилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддасига кўра, “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”.

Албатта, 2017 йилда амалга оширилган ислохотларнинг диққат марказида Ҳаракатлар стратегияси ижроси юзасидан қабул қилинган Давлат дастури алоҳида ўрин эгаллади. Унда белгиланган 320 та банддан иборат 437 та тадбирларнинг самарали амалга оширилиши, шу жумладан, 29 та қонун ва 900 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга бағишланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг ушбу йўналишида белгиланган вазифа ва тадбирларни амалга ошириш мақсадида 179 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан: 25 та қонун; 55 та Президент фармони, қарор ва фармойишлари; 60 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; 39 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўтган бир йил давомида суд-тергов фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Суд тизимини ислоҳ қилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди, замон талабларига мос бўлган суд корпусини шакллантириш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Судьялар ваколат муддатининг

илк беш ва ўн йиллик даври ўтганидан сўнг лавозимда муддатсиз бўлиш амалиёти жорий қилинди. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, ҳар бир туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартирилди, ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ташкил этилди.

Янгидан ташкил этилаётган судларни тўлдириш учун қўшимча 560 та штат бирлиги, шу жумладан, 318 та судьялик штат бирлиги ажратилди. Амалдаги суд мажлиси котиби лавозими тугатилиб, судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимлари киритилди. Адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди.

Суд иш юритувининг самарадорлигини ошириш ҳамда одил судловга эришиш даражасини таъминлаш мақсадида жорий йилда судлар томонидан 933 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 310 минг 481 таси ёки 33,3 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди. Ҳар бир ҳўкмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инобатга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш ва баҳолашда қонунийлик ва ҳолисликни таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга биноан, Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги, жиноят ишлари доирасида ноқонуний усуллар билан олинган ҳар қандай маълумотлардан, жумладан, аудио ва видео материаллардан, ашёвий далиллардан фойдаланишнинг қатъиян тақиқланиши белгиланди.

Шунингдек, Фармон билан адвокатлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиши, бу далиллар тергов ва суд идоралари томонидан мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шартлиги белгилаб қўйилди. Қийноққа солиш каби ноқонуний усулларни қўллашни қатъиян чеклаш мақсадида тергов ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари видеокузатув воситалари билан жиҳозланиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакат тарихида илк маротаба 2 минг 700 нафар, кейинги йилларда жами 3031 нафар маҳкумни, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли ҳолатлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни афв этиш тўғрисида Фармон қабул қилинди.

Республикамызда судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ихтисослашган ўқув муассасаси - Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

2018 йилда 1881 та жиноят иши етарли далиллар бўлмаганлиги боис тўхтатилди. 5462 нафар шахсга нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан олиб ташланди. Диний-экстремистик оқимлар билан алоқада гумон қилинган 20 мингдан ортиқ фуқаро махсус ҳисобдан чиқарилди.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида 2016 йилда 28 нафар шахсга, 2017 йилда 263 нафар, 2018 йилда 590 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Дастлабки тергов органлари томонидан 3 мингдан ортиқ жиноят ишлари тугатилди. Суд залидан озод этилганлар 2019 йил биринчи ярмида 1595 нафар шахс (2018 йил биринчи ярмида 1770 нафар шахс)ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича ваколатлари бекор қилинди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда, биринчи навбатда, давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу иллатга қарши курашдаги куч ҳамда имкониятларини бирлаштириш мақсади назарда тутилди.

2017 йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарлари мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказди. Бу қабулларда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этди.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 22 мингдан ортиқ оиланинг нотинчлигига барҳам берилди, 11 мингдан ортиқ оила ажрашиб кетишидан сақлаб қолинди<sup>15</sup>.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ йўналишидаги ислохотлар давлат ва жамият ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, шахс ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, қонунларга риоя этиш ички зарурат, ички ишонч билан амалга оширилиши керак. Шундагина қонун устуворлиги ўзининг ижобий натижасини тўлароқ намоён этади. Бундай даражага эришиш учун жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш зарур. Шу муносабат билан қонунга итоаткор шахсни тарбиялаш бўйича ишларимизни изчил давом эттиришимиз даркор.

## ТЕСТЛАР

### 1. “Конституция” сўзининг маъноси нима?

- А. “Тасдиқлаш”, “белгилаш”.
- В. \* “Тузилиш”, “ўрнатмоқ”, “қоидалар”.
- С. “Қонунлар тўплами”.
- Д. “Қаъий қонунлар”.

### 2. Конституцияга кўра, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бирини кўрсатинг.

- А. Ўзаро ёрдам.
- В. \* Давлат суверенитетини ўзаро эътироф этиш ва ҳурмат қилиш.
- С. Тенглик.
- Д. Тенг асосларда иқтисодий алоқа.

### 3. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини ким таъминлайди?

- А. \* Давлат.
- В. Қонун.
- С. Ҳоким.
- Д. Сийёсий партия.

### 4. Фуқароларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан қайси органга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади?

<sup>15</sup> 2017 йил — шиддатли ислохотлар йили. – Т.: Адолат, 2017. – 96 б.

А.\* Судга.

В. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органига.

С. Ҳокимга.

Д. Прокурорга.

**5. Қуйидагиларнинг қайси бири норматив тусга эга эмас?**

А. Конституция.

В. Қонун.

С. Президент фармони.

Д.\* Ҳоким фармойиши.

**6. Қонунлар билан белгиланиб қўйиладиган имтиёзлар қайси принципга мос бўлиши шарт?**

А.\* Ижтимоий адолат принципига.

В. Суверен тенглик принципига.

С. Барқарорлик принципига.

Д. Ошкоралик принципига.

**7. Ўзбекистонда қайси орган давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи ҳисобланади?**

А. Ўзбекистон Республикаси Президенти.

В. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

С.\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

**8. Ким фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили ҳисобланади?**

А.\* Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

В. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

С. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги.

Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

**9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни ким амалга оширади?**

А.\* Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари.

В. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

С. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги.

Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

**10. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи қайси?**

А.\* Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

В. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

С. Ҳокимлар.

Д. Қонунчилик ҳокимияти.

### ГЛОССАРИЙ

**Қонун устуворлиги** - давлат ва жамият ҳаётида Конституция ва қонунларнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун бўлиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг уларга қатъий риоя этилиши.

**Қонун устуворлиги тамойили** - *биринчидан*, халқ манфаатларини ифодаладиган адолатли қонунлар ишлаб чиқаришни; *иккинчидан*, қонунлар сўзсиз ижро этилишини таъминлашни; *учинчидан*, фуқароларнинг юксак даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини талаб этади.

**Қонунийлик** – давлатнинг барча органлари, мансабдор шахслари ва фуқаролар томонидан Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва доимий ижро этилиш принципи.

## КОНСТИТУЦИЯ – ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Президент Шавкат Мирзиёев ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови Конституция ва қонун устуворлиги билан бевосита боғлиқлигини алоҳида таъкидлади: “Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт деганидир”<sup>16</sup>.

Қонун устуворлигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат бошқаруви ислоҳоти билан боғлиқ. Бир томондан, давлат бошқаруви қандай бўлишлиги қонун устуворлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, мукаммал давлат бошқаруви қонун устуворлигини таъминлаш воситасидир.

Конституция муқаддимасида мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кўзланиши эътироф этилган. Бу давлат бошқарувини такомиллаштириш, бошқарувни замон талаблари даражасида ташкил қилиш билан боғлиқ.

Конституциямизда давлат бошқаруви ва ҳокимиятга тааллуқли нормалар давлат бошқаруви мукаммал бўлишига, зарур ҳолларда, уни ислоҳ қилишга шарт-шароитлар яратишга асос бўлади.

Конституцияда “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” (2-модда), “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. (7-модда), “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади” (11-модда), “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” (14-модда), деб мустаҳкамлаган, унинг яна бошқа қатор моддалари давлат бошқарувининг конституциявий асослари ҳисобланади.

<sup>16</sup> “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 декабрь.

Мамлакатимиз ўз ривожланиши йўлида, Конституция нормаларига амал қилиб давлат бошқарувини амалга ошироқда, мунтазам равишда унинг нормалари ҳаётда тўла қўлланилишини таъминловчи чоратадбирларни ҳам белгиламоқда.

2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да (бундан кейин Ҳаракатлар стратегияси), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил ва 2018 йилларда Олий Мажлисга Мурожаатномалари ҳамда у асосида қабул қилинган Президент ҳужжатларида, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш ва шу орқали конституциявий нормаларни қўлланилишини кенгайтириш чоралари белгиланди.

Президент томонидан илгари сурилган ва ҳаётий дастурил амалга айланган «Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун» деган қоида давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилишга олиб келди.

Ҳаракатлар стратегиясида «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари»нинг бири сифатида «Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш» белгиланди. Унда кўпгина вазифалар қаторида давлат бошқарувини ислоҳ қилишни, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлиги, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш орқали ислоҳ қилиш вазифаси белгиланди. Бунинг муҳимлиги шундаки, бошқарувда давлат хизматчиларининг ўрни расмий ҳужжатда қайд қилинди. Аввалги ислохотлар давлат бошқаруви механизми, усули, принципларини такомиллаштириш ҳисобига амалга ошириш белгиланган бўлса, бу ҳужжатда давлат бошқарувини, бошқарувдаги асосий «фигура» давлат хизматчилари орқали бошқарувни ислоҳ қилиш вазифаси белгиланди. Ҳақиқатан ҳам бошқарувда давлат хизматчилари, раҳбар ходимларининг билими, малакаси, кўникмаси, маданияти, қолаверса, уларнинг ижтимоий ҳимоясини юқори даражада бўлиши муҳим ва ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Малакасиз, билимсиз, маънавиятсиз ходимлар билан юқори даражадаги бошқарув муносабатларини амалга ошириш мумкин эмас.

Шуларни эътиборга олиб, давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақомини белгилувчи “Давлат хизмати тўғрисида” қонун қабул қилиш жараёни тезлаштирилди.

Давлат хизматчиларининг мақомини белгилашда, улардан муносибларини танлаб олишда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа ижтимоий ҳимоя чораларини белгилаш ҳамда давлат хизматчилари малакасини оширишда Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон

Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ 5843-сонли Фармони муҳим роль ўйнайди.

Фармонда қайд қилинишича:

-давлат хизматиға номзодларни очиқ, мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини;

-давлат хизматчиларининг иш самарадорлиги ва билимдонлигини баҳоловчи мезонларни;

-давлат хизматчиларининг малакасини оширишга бўлган талабларни белгилловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга қонун йўқлиги давлат хизмати соҳасида муаммолар келтириб чиқишга сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда ҳанузгача давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги, бу давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсати олиб боришга; ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга; малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантириш ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг бўш лавозимларини ўз вақтида эгаллашга йўл қўймаётганлиги; давлат хизматиға киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланиши ҳамда хизматда профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодлар танлаб олишнинг шаффоф механизми шаклланмаганлиги; давлат фуқаролик хизматининг нуфузини ошириш, коррупция юзага келишига тўсиқ бўлувчи ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш чоралари етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Фармоннинг муҳим жиҳати сифатида ким давлат хизматчиси ҳисобланиши ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар қандай асосда давлат хизматини эгаллаш тартиби белгиланишини кўрсатиш мумкин. Унга асосан, ўз фаолиятини давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг Давлат реестрига киритилган лавозимларда амалга оширувчи Ўзбекистон фуқаролари давлат фуқаролик хизматчиси ҳисобланади. Бу билан ким давлат хизматчиси бўлади, деган баҳсли мунозараларга ҳуқуқий жавоб берилди.

Фармон билан мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, унга масъул ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилиниши давлат хизмати соҳасида энг муҳим воқеа бўлди.

Президент Фармонида:

-давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари;

-ДХРАнинг асосий вазифалари;

-мамлакатда кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури;

-ДХРА қошида Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузиш белгилаб қўйилди. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларидаги давлат фуқаролик хизматиға қабул қилиш тартиблари ҳам белгиланди<sup>17</sup>.

Мазкур Фармон мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб шу кунгача бўлган даврда кадрлар, давлат хизматчилари масаласидаги энг жиддий ва салмоқли ҳужжатдир. Кейинги қадам “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун бўлиши шубҳасиз.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда давлат бошқарувини такомиллаштиришга жиддий киришилган. Бу “Ҳаракатлар стратегияси”да белгилангандек, давлат хизматини такомиллаштириш билан биргаликда олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда самарали давлат бошқарувини шакллантиришга катта умид билан қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиёт, маданият, таълим, муҳофаа, хавфсизлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб, барча вазифаларни ҳал қилишнинг шарти самарали бошқарув тизимини шакллантиришдир деб кўрсатди<sup>18</sup>.

Самарали бошқарув тизими фақат бошқарувни тамойилларини, тартиб-қоидаларини, ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришдан иборат эмас. Бошқарув самарали бўлишида кадрлар, яъни давлат хизматчиларининг ўрни алоҳида.

Шунинг учун давлат бошқарувини такомиллаштириш, давлат хизматчиларини, бошқарув кадрларини улар малакаси, билими, маънавияти, дунёқараши, ватанпарварлигини ривожлантириш билан қўшиб олиб борилмоқда ва бу тўғри йўлдир.

Давлат бошқаруви мукамал бўлишида кадрларнинг ўрни қуйидагилар орқали рўёбга чиқади:

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>18</sup> Қаранг: Ш.М.Мирзиёев “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь.

биринчи, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш. Иккинчи, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, танлаб олишни очиқ демократик усуллардан фойдаланиш. Учинчи, кадрларнинг хизмат пиллапоясидан юқорилаш тизимини жорий этиш ва кадрлар захирасини яратишга жиддий эътибор бериш. Тўртинчи, кадрлар меҳнатига қараб ҳақ тўлаш тартибини жорий этиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

Мазкур масалалар амалда қўлланилса, бошқарувдаги муаммолар ўз ечимини топиб, давлат хизматчиси хориж мамлакатларидагидек, кўпчилик интиладиган лавозим бўлиб қолар эди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида белгиланган республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиши рўёбга чиқишини тезлаштирган бўлар эди.

Давлат бошқарувини такомиллаштиришда уни амалга оширувчи давлат хизматчилари фаолиятини такомиллаштириш билангина чекланиб қолинса, тегишли натижаларга эришиш мумкин эмас. Чунки бошқарув мураккаб фаолият бўлиб, унда нафақат профессионал бошқарувчилар, барча фуқаролар онгли, фаол иштирок этса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Конституциямизда давлат бошқарувида фуқароларнинг иштирокига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Унинг 32-моддаси фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб қўйган. Фуқаролар турли йўллар билан бу ҳуқуқдан фойдаланади.

2014 йил апрелда Конституцияга киритилган ўзгартириш асосида фуқароларнинг давлат бошқарув ишларида иштирок этиш ҳуқуқининг Конституциявий асоси янада кенгайди. Унга асосан фуқаролар давлат бошқарувида, давлат оргонларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш орқали иштирок этади.

Ҳаракатлар стратегиясида жамоатчилик назоратини ўз ичига олган, жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш кўрсатиб ўтилди<sup>19</sup>.

Ўзбекистон Президенти 2018 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамоатчилик назорати ҳақида “Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий меҳанизмлари яратилмаган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини ҳолисона баҳолашга халақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий меҳанизмларини

<sup>19</sup> Қаранг: Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. - Т.: 2017. 53. бет

жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарур. Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан”<sup>20</sup>, - деб таъкидлади.

2018 йил 12 апрелда мамлакатимизда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди<sup>21</sup>.

Ўзбекистон Президенти Конституция қабул қилинганлигини 27 йиллигига бағишланган маърузасида жамоатчилик назорати аҳамиятига тўхталиб, – “... жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир”<sup>22</sup>, – деди.

Давлат бошқарувида фуқароларнинг иштирокини таъминловчи Конституциянинг яна бир моддаси, 35-модда бўлиб, унга асосан “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

“Аризалар, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартиб ва муддатда кўриб чиқирилиши шарт”. Конституциянинг мазкур нормасини ҳаётга тўла татбиқ қилиш мақсадида бу борадаги қонунчилик такомиллаштирилди.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилиниб, “ишонч телефонлари”, тезкор алоқа телефонлари, видеоконференцалоқа воситалари орқали мурожаатлар қабул қилиш тартиби белгиланди. Аҳоли билан оммавий учрашувларда мурожаатлар қабул қилиш тажрибага киритилди. Мамлакатнинг барча ҳудудларида сайёр қабуллар уюштирилиб, кўплаб муаммолар шу жойнинг ўзида ҳал қилинмоқда.

Президентнинг “Халқ қабулхоналари” ва “Президент портали” аҳоли мурожаатларини кўриб чиқишда энг ишончли ва самарали воситага айланди.

Умумлаштириб айтсак, юқорида тилга олинган барча ишлар ва тадбирлар Конституциямизда белгиланган давлат бошқаруви тааллуқли нормалар амал қилишини кенгайтди. Давлат бошқаруви такомиллашди, унда фуқароларнинг иштироки салмоғи ошди.

Мазкур ишимизни Президентнинг “Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга

<sup>20</sup> “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 декабрь.

<sup>21</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий баъзаси. 13.04.2018 йил 03/18/474/1062-сон.

<sup>22</sup> “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 декабрь.

бўлган мамлакат ўзи белгиланган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради”<sup>23</sup>, - деган сўзлари билан яқунласак, давлат бошқарувидаги ислохотлар, белгиланган вазифалар, унда Конституцияни ўрни ҳақида тўла тасаввур ҳосил бўлади.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Конституция функцияларини аниқланг.

- A. Юридик.
- B. Сиёсий.
- C. Мафкуравий.
- D.\*Барча жавоблар тўғри.

### 2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси иккинчи марта қачон халқ муҳокамасига қўйилган.

- A. 1992 йил 26 сентябрь.
- B. 1992 йил 18 ноябрь.
- C. 1991 йил 20 июнь.
- D. \* 1992 йил 21 ноябрь.

### 3. Ўзбекистон Республикасида ким халқ номидан иш олиб боради?

- A. Олий Мажлис.
- B. Президент.
- C. Олий суд.
- D.\* A ва B жавоблар тўғри.

### 4. Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик қандай?

- A.\* Умуммиллий бойлик.
- B. Мансабдор шахслар мулки.
- C. Суд органлари мулки.
- D. A,C тўғри.

### 5. Давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор устидан сиёсий партия қайси органга шикоят қилиши мумкин?

- A. Марказий сайлов комиссиясига.
- B. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига.
- C. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига.
- D.\* Ўзбекистон Республикаси Олий судига.

### 6. Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини қайси давлат органи тартибга солади?

<sup>23</sup> “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 декабрь.

А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

В. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

С.\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

**7. Вилоятларни ташкил этиш тартибини кўрсатинг.**

А. Тегишли вилоят ҳокимининг илтимосномасига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Олий Мажлис томонидан.

В. Тегишли вилоят ҳокимининг илтимосномасига кўра, Олий Мажлис томонидан.

С.\* Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан, Олий Мажлис томонидан.

Д. Тегишли вилоят ҳокимининг илтимосномасига кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

**8. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат принциплари қайси?**

А.\*Давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик.

В. Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиш, келишув.

С. Виза тизими, чегараларни кўриқлаш.

Д. Сиёсий бошпана бериш.

**9. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қандай функцияларни бажаради?**

А.\*Олий вакиллик, қонунчилик, назорат.

В. Сайловларни ташкил этиш.

С. Норма ижодкорлиги, назорат.

Д. Вакиллик назорати.

## ГЛОССАРИЙ

**Давлат ҳокимияти** – давлат аппаратининг давлат мажбурлови орқали таъминланадиган алоҳида индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва бутун жамият хатти-ҳаракатини давлат номидан қабул қилинадиган умумаҳамиятли қонун-қоидаларга бўйсундириш лаёқати.

**Давлат органлари** – давлатнинг вазифаларини амалга оширувчи тузилмалар. Давлат ҳокимияти алоҳида турдаги давлат органлари томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимиятининг шоҳобчаларга бўлиниши қонунчилик (вакиллик), ижро, суд органлари бўлиши заруратини туғдиради. Ўзбекистонда давлат органлари: қонунчилик (вакиллик) ҳокимияти органлари – Олий Мажлис ва халқ депутатлари кенгашлари; ижро органлари – Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва давлат қўмиталари, ҳокимликлар; суд органларидан иборат. Бундан ташқари, махсус вазифаларни бажарувчи Прокуратура органлари мавжуд.

**Ижро органлари** – ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органлари. Ўзбекистон Республикасида олий ижро органи – Вазирлар Маҳкамаси, у ҳукумат ҳам ҳисобланади. Ижро ҳокимияти органлари турли соҳалардаги давлат органлари тизimini ташкил этади. Марказий органларга вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқалар киради, улар яккабошчилик асосида иш олиб боради. Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошчилик асосида амалга оширади. Маҳаллий ижро органлари ҳам алоҳида соҳалар бўйича фаолият олиб боради. Масалан, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан ташкил қилинади ва улар ўзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек, вакиллик органи олдида ҳисоб беради.

**Конституция** – давлатнинг Асосий қонуни, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжат. Конституция конституциявий тизим асослари, давлат тузилиши, давлат бошқарув шакли, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини белгилаб қўяди. Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган. Шу кун умумхалқ байрами деб белгиланган. Конституция муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Муқаддимада Конституция қабул қилиш сабаблари ва мамлакатимиз олдида қўйилган вазифалар белгиланган. Конституциямиз халқаро конституциявий тажрибаларни ўрганиш, халқаро ҳужжат қоидаларини инobatга олиш, миллий давлатчилик анъаналаримизни эътиборга олиш натижасида яратилган. У жаҳон андозаларига мос, халқаро талабларга жавоб беради.

**Конституция ва қонуннинг устуворлиги** – ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири. Бунда Конституция ва қонунларга ҳамманинг сўзсиз амал қилиши зарурлиги, ҳеч қандай ҳужжат уларга зид бўлмаслиги тушунилади. Бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар улар асосида қабул қилинади. Конституция ва қонунларга зид келувчи ҳар қандай ҳужжат бекор қилинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

**Конституциявий принциплар** – конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти ҳисобланувчи ижтимоий муносабатлар мазмунини белгилувчи ҳал қилувчи асослар (ғоялар) принцип ҳисобланади. Принциплар бутун Конституциявий тузум ёки унинг алоҳида-алоҳида институтларига тааллуқли бўлади, масалан, сиёсий тизим принциплари, инсон ҳуқуқларига тааллуқли принциплар, иқтисодий тизим принциплари

ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси принциплари – давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устуворлиги ҳамда ташқи сиёсат ҳисобланади.

**Конституциявий тузум** – Конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатиладиган ва қўриқланадиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими. “Конституциявий тузум”ни “давлат тузumi”дан фарқлаш керак. Давлат тузумидан фарқ қилиб, конституциявий тузум ҳамма вақт конституция бўлиши, унга амал қилиш билан ажралиб туради. Халқ суверенитети, ҳокимият бўлиниши, умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларининг бузилмаслиги, чекланмаслиги конституциявий тузумнинг зарур шартлари ҳисобланади. Давлат тузумида бу белгилар бўлмаслиги мумкин.

**Халқ ҳокимиятчилиги** – демократияни ҳозирги умуммиқёсда қабул қилинган тушунишнинг энг муҳим элементларидан бири. Халқ ҳокимиятчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўртта асосий принципларидан биридир.

**Қонун** – мамлакат миқёсида олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат. Қонун мамлакатнинг олий вакиллик органи – Ўзбекистонда Олий Мажлис томонидан қабул қилинади. Қонунлар умумхалқ овози – референдум йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин. Қонунлар муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинади. Қонунлар конституциявий қонунлар ва оддий қонунлар шаклида қабул қилиниши мумкин. Қонун қабул қилишнинг аниқ жараён ва тартиблари белгиланган.

## **БАҒРИКЕНГЛИК – МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ АСОСИ**

Кўп миллатли Ўзбекистонда бағрикенглик тамойили миллатлараро тотувлик ва динлараро мулоқотни таъминлашда муҳим ўрин тутди. “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” дадил одимлаётган, маърифатли жамият барпо этиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган Ўзбекистонда бағрикенглик муҳитини барқарор сақлаш ва ривожлантириш бўйича маълум ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистонда бағрикенглик муҳитини барқарор сақлаш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари.
2. ЮНЕСКО томонидан 1995 йил 16 ноябрда қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари” декларацияси.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
4. Президент фармонлари ва қарорлари, маъруза ва нутқлари.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқда кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик масаласига, унинг ҳуқуқий асослари шаклланишига ҳам тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз.

Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди”.

Президентимиз нутқини давом эттириб, “Бош қомусимиз, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланишини эътироф этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди”, дея таъкидлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган Ўзбекистонда 138 та миллат ва этник гуруҳлар тинч-тотув яшаб келмоқда. Мамлакатимизда 16 та диний конфессия ва 2274 та диний ташкилотлар эркин фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқлар белгилаб қўйилган. Бош қомусимизнинг 18, 31 ва 61-моддалари

ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда ҳар бир инсоннинг ҳоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи таъминланган. Ўзбекистонда диний ташкилотлар сони ва улар фаолияти миқдорида ҳеч қандай чекловлар йўқ.

Президент Ш.М. Мирзиёевнинг маърузасида яна бир муҳим масалага эътибор қаратилиб, “Виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади”, деган фикр илгари сурилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда “...фуқароларимизнинг муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, умра зиёратига борувчилар сони 10 мингдан 30 мингга, ҳаж зиёратига борувчилар эса 5 мингдан 7 минг 200 нафаргача оширилди, сафар билан боғлиқ харажатлар эса камайтирилди”.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий нуфузли экспертлар иштирокида биз “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу Қонун фуқароларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қўлга киритилган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Буюк Британиянинг “The Economist” журнали версиясига кўра Ўзбекистон “Country of the Year” – “Йил мамлакати” деб эълон қилиниши унинг халқаро имижини кўтаришга хизмат қиладиган йирик воқелик сифатида баҳоланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Соҳибқирон Амир Темурнинг “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деган пурмаёно сўзларини келтириб, Ўзбекистонда “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади”, дея бу ғояни изчил ривожлантирди.

Ҳақиқатан ҳам, кўп миллатли Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга

оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш асосида миллатлараро муносабатлар ривожини, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигини, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш давриймизнинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Бу йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5046-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2993-сонли Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар асосида Республика байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси” ташкил этилди. Бу миллатлараро муносабатлар ривожидида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги, миллатлараро бағрикенглик ва тотувлик тамойиллари асосий демократик тамойиллардан бўлиб, улар плюрализм, ижтимоий эркинлик ва инсон ҳуқуқлари тамойиллари билан узвий боғланган. Жамиятда туб янгиланиш даврида ўтказилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда барча ижтимоий, этник, конфессиялар ва ёшга оид гуруҳларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли жамият ҳаётида ҳар бир фуқаро онгида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги, миллатлараро бағрикенглик ва тотувлик тамойиллари қадрият сифатида шаклланишини давлат сиёсати даражасига кўтарилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан, Президентимиз буюк юнон олими Афлотуннинг “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”, деган сўзларига эътибор қаратиши ҳам ғоят чуқур фалсафий аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққиётида Конституцияни ўрганишнинг аҳамияти, фуқаролар ва ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини юксалтириш беқиёс аҳамият касб этади. Шу боис, Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида “Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал

**қилишимиз, Асосий қонунимизда мужассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур”, деган вазифани кун тартибига қўйди.**

Маълумки, мустақилликнинг илк давридан бошлаб Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларга ўз тили, урф-одатлари ва қадриятларини сақлаш ва ривожлантиришлари учун муносиб шароит яратиб берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳар бир фуқаро учун виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланди.

Ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик тамойилларининг шаклланиши қадим тарихга бориб тақалади. Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояларининг шаклланиши ўлкамизда Зардуштийлик таълимоти тарқалган қадимги даврларга бориб тақалади. Зардушт таълимотида диний бағрикенглик ғоялари мавжудлиги ва етакчи аҳамиятга эга бўлганлиги Зардуштийликнинг бош ғояси – Эзгу фикр, Эзгу сўз, Эзгу амал тамойилида яққол ифода этилган. Исломгача минтақамиз ҳудудида Зардуштийлик таълимоти билан бирга яхудийлар, буддавийлик таълимотига эътиқод қилувчи қавмлар яшаган, эфталийлар ва турк хоқонлиги даврида чорвадор туркларнинг кўк Тангри билан боғлиқ эътиқодлари, христианликнинг несториан оқими ҳамда монийлик ва маздакийлик таълимотлари тарқалган. Тарихий манбаларда бу таълимот тарафдорлари ўртасида диний эътиқод асосида урушлар ёки ижтимоий зиддиятлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Зеро, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё ҳудуди минг йиллар давомида халқаро маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқалар ривожланган, турли диний ва маънавий, ахлоқий қадриятлар ўзаро мулоқотга киришадиган макон бўлиб келди. Минтақанинг жуғрофий ўзига хослиги ҳайратда қоларли бағрикенглик хислатига эга бўлган халқимизни тарбиялади, юксалтирди, дунё цивилизациясига, умуминсоний қадриятларга катта ҳисса қўшган йирик миллат бўлиб танилишимизга имкон берди.

Илм ва маърифат таълимоти сифатида эътироф этиладиган ислом динида ҳам бағрикенглик ижтимоий, миллий ва диний муносабатларда етакчи ўрин тутиб келган. Салиб юришлари даврида Европада пайдо бўлган, кейинчалик, Усмонийлар салтанати билан бўлган кўп асрлик урушлар даврида кенг тарқалган ислом ақидапарастлиги ҳақидаги бўрттириб кўрсатилган қарашларга зид ўлароқ ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида, айниқса, ислом дунёсининг маърифат ва маданият маркази бўлган Мовароуннаҳрда диний толерантлик – бағрикенглик яққол кўзга ташланади. Бу инквизиция тўлиқ ҳукмронлик қилган ва ҳар қандай

ёт ғоялар, таълимотлар кескин таъқиб қилинган Ўрта аср Европасидан IX-XV асрлардаги ислом давлатларини ажратиб турадиган асосий белгилардан биридир. Ислом динида диний бағрикенглик масаласини биринчилардан бўлиб швейцариялик шарқшунос олим А. Мец 1922 йилда чоп этилган “Муслмон уйғониш даври” китобида ишончли кўрсатиб берди. “Ёт динларга эътиқод қилувчи кўплаб жамоаларнинг мавжудлиги, муслмонлар салтанатини бутунлай христиан ақидапарастлари таъсирида бўлган Европадан ажратиб туради”, деб ёзган А. Мец мазкур асарида.

Ислом таълимоти диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка чорловчи, илм ва бунёдкорликка давъат этувчи таълимот эканлигини тарғиб этиш бугунги давр учун ўта муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Зеро, бугунги кунда ислом ақидапарастлиги ва уни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганиш, диний экстремизм ва фундаментализмнинг вайронкор қиёфасини фош этиш барча зиёлилар, таълим даргоҳлари олдидаги муқаддас бурчдир. Бу вазифани бажаришда, диний бағрикенглик ғояларини ёш авлод онгига сингдиришда тарихий хотира, аجدодларимиз қолдирган маънавий мерос муҳим аҳамиятга эга. Бу муҳим масала бугунги глобал ахборот асрида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Исломда бағрикенглик ва маърифат ғояларини кенг тарғиб қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72- сессиясида сўзлаган нутқида ҳам ёрқин ифодаб берилди.

Мамлакатимизда яшаб, фаолият олиб бораётган бошқа дин вакиллари ҳам Ўзбекистонда қарор топган бағрикенглик муҳитини эътироф этишмоқда. Протоиерей, Тошкент семинарияси проректори Сергей Стаценко “Миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларнинг ўзбек моделини дунё миқёсида намуна сифатида кенг ёйиш мумкин”, дея эътироф этгани, Ўзбекистондаги Апостол администратураси епископи Ежи Мацулевич “бағрикенглик Ўзбекистон халқи қонида мавжуд”, деб таъкидлаш бугунги кунда Ўзбекистон тинчлик ва барқарорлик муҳити ўрнатилган бағрикенглик мамлакати эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллик байрамига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида бугунги давр учун ниҳоятда муҳим бўлган масалалар илгари сурилди, кўп миллатли Ўзбекистонда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларга баҳо берилди, келгуси вазифалар белгиланди.

### ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси қачон ташкил этилди?**

- A. 1992 йилда.
- B. 1998 йилда.
- C. \* 2017 йилда.
- D. 2018 йилда.

**2. ЮНЕСКОнинг 1995 йил 16 ноябрда Парижда бўлиб ўтган 28-сессиясида қандай муҳим ҳужжат қабул қилинди?**

- A. \* “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”.
- B. “Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида”ги Қарор.
- C. Ўзбекистон Республикасини ЮНЕСКОга аъзо этилганлиги ҳақидаги Қарор.

D. “Табийий меросни сақлаш тўғрисидаги декларация”.

**3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг нечанчи сессиясидаги нутқида исломда бағрикенглик ва маърифат ғояларининг аҳамиятини очиб берган эди?**

- A. 70-сессиясида.
- B. 71-сессиясида.
- C. \* 72-сессиясида.
- D. 73-сессиясида.

**4. “Мусулмон уйғониш даври” асари муаллифи тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

- A. Ал Фаробий.
- B. \* Адам Мец.
- C. Л. Гумилев.
- D. Маҳмуд Қашғарий.

**5. Президент Ш.М. Мирзиёев Конституциянинг 27 йиллик тантаналарида сўзлаган нутқидаги қуйидаги фикрини: “Виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш ...” давом эттиринг:**

- A. \* “... бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади”.
- B. “... билан боғлиқ харажатлар эса камайтирилди”.
- C. “... демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади”.
- D. “... замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди”.

**6. “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган**

**мақсадга эришиб бўлмайди**". Президент Ш.М. Мирзиёев нутқида келтириб ўтилган бу фикрлар қайси мутафаккир қаламига мансуб?

- А. \* Афлотун.
- В. Амир Темур.
- С. Конфуций.
- Д. Марғиноний.

7. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Конституциянинг 27 йиллик тантаналарида сўзлаган нутқидаги қуйидаги фикрини: **Асосий қонунимизда мужассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни...** давом эттиринг.

- А. \* "... ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур".
- В. "кафолатли ҳимоя қилишимиз зарур".
- С. "ҳар томонлама ўрганишимиз керак".
- Д. "изчил амал қилишимиз шарт".

8. **"Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади"**. Президент Ш.М.Мирзиёев нутқида келтириб ўтилган бу пурмаъно фикрлар қайси мутафаккир қаламига мансуб?

- А. \* Амир Темур.
- В. Марғиноний.
- С. Фаробий.
- Д. Аҳмад Фарғоний.

9. **"Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш..."** Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Конституциянинг 27 йиллик тантаналарида сўзлаган нутқидаги бу фикрини давом эттиринг.

А. \* "... биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади".

В. "... бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади".

С. "... билан боғлиқ харажатлар эса камайтирилди".

Д. "... сезиларли даражада кенгайтирилди".

10. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Конституциянинг 27 йиллик тантаналарида сўзлаган нутқидаги: **"...фуқароларимизнинг муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ..."** фикрини давом эттиринг.

А. "... имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди".

В. "... харажатлар эса камайтирилди".

С. " ... масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади".

Д. \* А ва В жавоблар тўғри.

## ГЛОССАРИЙ

**Бағрикенглик** (толерантлик) – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватлилик, ғамхўрлик, сахийлик, кенгфеъллилик, турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этадиган тушунча. Бағрикенглик – ўзбек халқининг энг олижаноб фазилатларидан бири.

**Маънавий мерос** – маънавий тараққиёт маҳсули, инсон ақл-заковати билан яратилган, келажак авлодни эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган, кишиларнинг онги ва дунёқарашининг ўсиши, оламни билиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига куч-қувват берадиган аجدодлардан-авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятлар мажмуини ифодаладиган тушунча.

**Маърифат** (араб. – билиш, билим, маълумот, таниш, танишиш) – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маълумотлар, таълим-тарбия ва маориф тизими мажмуини ифодаловчи тушунча. Бугунги Ўзбекистон жамиятига хос белги ва хусусиятлар мажмуи.

**Миллатлараро тотувлик** – Ўзбекистонда асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган, бугунги кунда халқаро имижини юксалтириб турган миллий қадрият. Миллатлараро аҳиллик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик; миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

**Толерантлик** – дунё халқлари маданиятининг турли-туманлигини, ҳар бир инсоннинг фикр билдириш эркинлигини тўғри тушуниш, қабул этиш ва ҳурмат қилиш. (1995 йил 16 ноябрда Париж шаҳрида бўлиб ўтган Юнесконинг 28 сессиясида қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”дан).

## **“2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА АҲАМИЯТИ**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳаларда бўлгани каби давлат молияси соҳасида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш, ривожланган давлатларда бўлгани каби давлат бюджетининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар учун бюджет ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини йўлга қўйиш вазифаси белгилаб берилди. Шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг молияви мустақиллигини таъминлаш, уларнинг юқори бюджетларга қарамлилигини камайтириш борасида комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқиб, изчиллик билан амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда мамлакатнинг муҳим молиявий ҳужжати бўлган давлат бюджетининг қабул қилиниши жараёнининг ривожланиш босқичларига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, барча соҳаларда бўлгани каби давлат молияси, яъни давлатнинг функция ва вазифаларини маблағ билан таъминлаш учун зарур пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармасини шакллантириш ва уни ишлатиш жараёни ҳам барпо этиш асосий вазифалардан бири эди. Собиқ иттифоқ таркибида бўлган вақтда республика бюджетининг етмай қолган маблағлари Собиқ иттифоқ бюджетидан турли кўринишдаги молиявий ёрдам (дотация, субвенция) кўринишида қопланиб келган. Ўз мустақиллигини қўлга киритган мамлакатнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтисодиётни барпо этишига маблағ зарур эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат бюджетининг аниқ даромад манбалари ва харажат йўналишлари, мавжуд бўлмаган. Даромад манбалари ва харажатлар йўналишларини белгилаб берувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжат бўлмаганлиги боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган.

Давлат бюджетининг тузилмаси бозор ислохотларининг барча йўналишларини акс эттирган ҳолда тубдан ўзгармоқда, чунки давлат бюджети давлат молиявий ресурсларининг марказлаштирилган жамғармасини шакллантириш ва тақсимлаш борасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни акс эттирадиган бош молия режаси ҳисобланади.

Мамлакатда бюджет ислохотлари ўтказиш, иқтисодийётни барқарорлаштириш учун шароитлар яратилиши ва кейинги барқарор иқтисодий ўсиш негизларини таъминлаш зарурати пайдо бўлди.

Бюджет ислохотларида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш назарда тутилди:

- янги бюджет қонунчилигини яратиш;
- солиқ ислохотини ўтказиш ва бюджетнинг харажат қисмини реструктуризациялаш;

- бюджет даромадлари ва харажатларининг баланслигига эришиш.

Бюджет ислохотлари давомида бюджет сиёсатида янги йўналишлар ишлаб чиқилди ва улар жамланма бюджетни тузишда эътиборга олинди.

Шу даврда давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмларини реструктуризациялаш амалга оширилди, бюджет қонунчилиги ишлаб чиқилди. Хусусан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан бюджет ташкилотларини молиялаштириш 4 та гуруҳ харажатлари бўйича молиялаштириш жорий этилди. 2000 йил 14 декабрда бюджет муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат – “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун<sup>24</sup> қабул қилинди. Бюджет тизими бўғинлари, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар фаолияти ҳуқуқий асосга эга бўлди. Мазкур Қонунда Давлат бюджети республика, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан иборат эканлиги таъкидланди. Қонун асосида маҳаллий бюджетларнинг қуйидаги мустақил субъектларини ажратиш мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджети; шаҳарлар бюджети; туманлар бюджети; туманлар таркибидаги шаҳарлар бюджети; шаҳарлар таркибидаги туманлар бюджети.

2004 йилда 26 августда “Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди<sup>25</sup>, ушбу Қонун Ўзбекистонда давлат бюджети ғазна ижросининг тамойилларини белгилаб берди. 2005 йил 1 июндан бошлаб Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида тажриба асосида бюджет ташкилотларининг 4-гуруҳ харажатларини молиялаштириш ғазначилик

<sup>24</sup> Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган.

<sup>25</sup> Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган.

тизимига қамраб олина бошланди. 2008 йил 1 январдан бошлаб ғазначиликка қамраб олинган бюджет ташкилотларининг харажатлари ижроси ғазначилик органлари томонидан амалга оширила бошланди. 2012 йилда Ғазначиликнинг ягона ҳисобварағи ташкил этилди. 2013 йил 26 декабрдаги Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси қабул қилинди. Ушбу Кодексда бюджет тизимига муҳим тамойиллар бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилиқ хусусияти, бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги, очиқлик киритилди. Давлат молиясини ислоҳ қилишнинг кейинги йиллардаги ислохотларида ушбу тамойиллар асосида давлат бюджетини тузиш, қабул қилиш ва ижро этишга эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш билан бирга давлат бюджетини қонун тарзида қабул қилишга ўтилиши белгиланди ва 2020 йил давлат бюджети қонун тарзида тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда Президент Ш.М.Мирзиёев Давлат бюджетининг қонун тарзида тасдиқланиши бўйича шундай дейди: “Яқунланаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиқлик ва ошқоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди. Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат бизнинг тажрибамизда биринчи марта юз бераётганини алоҳида қайд этиш лозим”<sup>26</sup>.

2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ахборотлар батафсил баён этилган ҳолда илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган Қонун билан тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида белгилаб қўйилди.

Парламент тарихида бу йил биринчи марта Давлат бюджети қонун тариқасида қабул қилинмоқда. Яъни, мамлакатнинг бош молиявий хужжатини тақдим этиш амалиётида илк бор “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ва 2020-2022 йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари прогнози берилди. “2020 йил учун Ўзбекистон

<sup>26</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунда аҳоли ва ташқи ҳамкорларимизга мамлакат бюджетининг ҳолати очиқ-ойдин, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда кўрсатилган. Унда фискал кўрсаткичларга таъсир этувчи асосий ташқи ва ички омиллар, 2020-2022 йилларга оид солиқ-бюджет сиёсатининг стратегияси, 2020-2022 йилларга мўлжалланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари параметрлари каби масалалар ўз аксини топган. Иқтисодий модернизация ва диверсификация қилишни таъминлашга, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори суръатларда ўсишига эришишга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган инвестициявий жозибадорлик ҳамда ишчанлик муҳитини оширишга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш назарда тутилган.

«2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кенг муҳокамадан ўтди, кўмиталар, фракциялар, ишчи гуруҳ йиғилишларида 100 ортиқ таклифлар билдирилди, улардан 60 га яқини принципаал таклиф сифатида эътироф этилиб, Қонуннинг 17 та моддасига 42 та ўзгартириш, 4 та моддасига қўшимчалар киритилди, 2 та моддаси тўлиқ чиқариб ташланди. Натижада:

- ✓ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи республика бюджетига тўлиқ ўтказилиши таклифи маъқулланмади – депутатларнинг ҳисоблашча, бу тартиб маҳаллий ҳокимликларнинг қизиқишини камайтириши мумкин. Якунда маҳаллий бюджетларда тушумнинг 50%и қолдирилишига қарор қилинди;

- ✓ маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз кўрсаткичлари 5%дан ортиқ миқдорга бажарилмаса, харажатларни қоплаш учун Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли ҳокимликларга бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат этиш белгилаб қўйилди;

- ✓ «парламент ажратмалари» тушунчаси «республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар» деган сўзлар билан алмаштирилди;

- ✓ Қонунчилик палатасига республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг умумий харажатларнинг 3%идан ошмайдиган қисмидан фойдаланишга рухсат этилди;

- ✓ алоҳида нормалар ҳудудларда маҳаллий бюджетларнинг вақтинча бўш турган маблағларини банкларга депозитга жойлаштиришга имкон беради, бунинг эвазига олинган фоизлар ҳисобига уларнинг ҳажмини ошириш мумкин.

Бундан ташқари, 2020 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун 97 млрд. сўмлик маблағга

қўшимча равишда, давлат бошқарув органлари харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан қўшимча 50 млрд. сўмлик маблағ ажратилиши режалаштирилди. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун давлат бошқаруви секторининг барча даражаларининг бюджет борасидаги масъулиятини оширди, шунингдек, Давлат бюджетининг солиқ турлари бўйича харажатларини соҳалар кесимида Олий Мажлис ва халқ депутатлар маҳаллий Кенгашлари томонидан қайта-қайта тасдиқланишига барҳам берилишга ҳуқуқий асос яратилди. Бу эса маҳаллий ҳокимликлар ваколатларининг кенгайишига олиб келади.

Қонунда маҳаллий ҳокимликлар маҳаллий бюджетларнинг даромадларини солиқ турлари бўйича ҳамда харажатларини бюджет ташкилотлари кесимида ўзлари белгилаши қайд этилди. Шу тариқа, маҳаллий Кенгашларнинг бюджетни қабул қилишдаги ҳақиқий мустақиллиги таъминланади. Вазирлик ва идораларнинг бюджетлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши уларга ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Қонунда назарда тутилган ўзгаришлар маҳаллий ҳокимият томонидан иқтисодиётни ривожлантириш орқали солиққа тортиш базасини кенгайтириш ва бюджетга тушадиган тушумларни кўпайтиришга бўлган қизиқишларини оширади. Қарз маблағларини жалб қилиш бўйича чегараларнинг ўрнатилиши ушбу маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади ҳамда Давлат бюджетининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Қонун билан тасдиқланган рақамларга мувофиқ, 2020 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда, 5,5 фоиз миқдорда бўлиши назарда тутилмоқда. Хусусан, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,5 фоиз, қурилишда 9,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,0 фоиз, хизматлар соҳасида 5,6 фоиз кўпаяди. Асосий капиталга инвестициялар 10,0 фоиз, товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорт 8,0 фоиз ўсади.

2020 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 653,5 трлн. сўмни, Давлат бюджети даромадлари 128,5 трлн. сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 19,6 фоиз даражасида бўлиши кутилмоқда.

Давлат бюджетининг харажатлари эса, 131,1 трлн. сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 24,0 фоизга кўп бўлиб, бунда Давлат бюджет харажатларининг ярмидан ортиғи ижтимоий соҳаларга йўналтирилади.

Шу билан бирга, Қонунда 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш

бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Шунингдек, 2020 йилда давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтариладиган ташқи қарзни ўзлаштиришнинг чекланган ҳажми 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида тасдиқланди.

### **ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.**

А. \* республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

Б. Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

В. консолидациялашган бюджет ҳамда Давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган баланс.

**2. Иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар қайси қаторда тўғри келтирилган?**

А. Республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

Б. \* Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

В. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ҳамда Давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган баланс.

**3. Умумий фискал баланс таърифи тўғри келтирилган қаторни кўрсатинг.**

А. Республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

Б. Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

В. \* Консолидациялашган бюджет ҳамда Давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган баланс.

**4. Худудий бюджет маблағларини тақсимловчилар тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.**

А. Республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

Б. \* тасарруфида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи;

В) Консолидациялашган бюджет ҳамда Давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган баланс.

**5. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш қандай амалга оширилади?**

А. \* 10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Олий Мажлис палаталари томонидан;

Б. 10 фоиздан ортиқ миқдорда Молия вазирлигининг таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

В. 10 ва ундан ортиқ фоиздан ортиқ миқдорда Молия вазирлигининг таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

**6. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган маблағларни бошқа иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш қандай амалга оширилади?**

А. 10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Олий Мажлис палаталари томонидан;

Б. 10 фоиздан кам миқдорда Молия вазирлигининг таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

В. \* 10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

**7. 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми қанча этиб белгиланди?**

- А. \* 4 млрд. АҚШ доллари;
- Б. 4,5 млрд. АҚШ доллари;
- В. 5,5 млрд. АҚШ доллари.

**8. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг қанча қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.**

- А. Камида 8 фоизини;
- Б. \* Камида 10 фоизини;
- В. Камида 7 фоизини.

**9. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинди?**

- А. 2019 йил 30 ноябрда.
- Б. 2019 йил 21 ноябрда.
- В. \* 2019 йил 9 декабрда.

**10. Республика бюджетининг умумий харажатларини қанча миқдорларда камайтириш Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига кўра Олий Мажлис палаталари томонидан амалга оширилади?**

- А. \* 3 фоиз ва ундан ортиқ.
- Б. 3 фоиз ва ундан кам.
- В. 5 фоиз ва ундан ортиқ.

## ГЛОССАРИЙ

**Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** – республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс.

**Иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** – Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс.

**Умумий фискал баланс** – консолидациялашган бюджет ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари эвазига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган жамланма баланс.

**Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи** – тасарруфида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туман ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туман ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи.

**Давлат газначилик облигациялари** – аҳоли ва юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган ва пул маблағларини сақловчилар томонидан уларнинг бюджетга киритилишини тасдиқлайдиган ва ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилиш муддати давомида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берадиган давлат қимматли қоғозлари.

**Ташаббусли бюджет** – бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 %ни жамоатчилик фикри билан шакллантирилган тадбирларга йўналтириш механизми.

**Ўрта муддатли бюджет мўлжаллари** – макроиқтисодий кўрсаткичлар ва бюджетнинг жамланган параметрлари прогнозини, функционал тасниф бўйича харажатлар лимитлари, хавф-хатарлар ва уларни бошқариш чора-тадбирларини ўз ичига олувчи 3 йилга мўлжалланган молиявий ҳужжат (режа).

## ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТ АСОСИ

### “Ҳуқуқий онг” тушунчаси ва таркибий қисмлари

Ҳуқуқий онг, билим ва маданиятга эга бўлиш жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун ғоят катта аҳамиятга эга. “Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт”<sup>27</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўнинчи боби инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига бағишланган бўлиб, 43-моддада давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши, 44-моддада эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгилаб берилган. Демакки, ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Бунда давлатнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билимларини ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар яратишдир.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шакли сифатида намоён бўлади. “Одамнинг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати унинг онгида юз беради. Сиёсий онг, ижтимоий онг иборалари ана шундан келиб чиққандир. Воқеликнинг киши миёсида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва албатта, маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этиши онгнинг зуҳуридир. Онг, шунингдек, кишининг руҳий, сиёсий, фалсафий нуқтаи назарлари, диний, бадий қарашларининг ҳам мажмуи ҳисобланади. Ижтимоий онг деганда ана шулар назарда тутилади”.<sup>28</sup> Айни пайтда ижтимоий онгнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, одамлар улар ёрдамида атрофни ўраб турган табиатни, жамиятни ўрганадилар. Шу муносабат билан сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний, ҳуқуқий онг шакллари ажратиб кўрсатилади.

<sup>27</sup> Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. <http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>

<sup>28</sup> Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: 1996. – Б.30-31.

**Ҳуқуқий онг** – ижтимоий онгнинг шаклларида бири, кишиларда ҳуқуққа, қонунчилиққа, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис-туйғулар, тасаввурлар йиғиндиси.

Ҳуқуқий онг, аввало, ҳуқуқнинг жамият эҳтиёжларини ифода этишнинг зарур омилларидан биридир. Шунингдек, шахсларнинг ҳуқуқ-атвори ҳуқуқ нормаларига қай даражада мос келишини тушуниб олишга кўмаклашади, баҳолаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқий онгни мамлакат фуқароларининг ҳам амалдаги ҳуқуққа, юридик амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятларига, ҳам орзу қилинган ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи ҳуқуқий сезгилар, ғоялар, баҳолар, тасаввурлар тизими сифатида таърифлаш мумкин.

Ҳуқуқий онгнинг асосий таркибий элементлари: **ҳуқуқий руҳият** (психология) ва **ҳуқуқий мафкура** (идеология) дир.

**Ҳуқуқий руҳият** жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий муҳитнинг бевосита таъсири остида вуҷудга келади ва ҳуқуқий онгнинг биринчи, бошланғич поғонаси ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг айнан шу даражасидан ҳуқуқий реалликни англаш, у билан дастлабки танишув бошланади.

Жумладан, янги қонуннинг қабул қилиниши ёки эскисининг бекор қилиниши муносабати билан қувониш ёхуд дилсиёҳлик, юридик нормаларни қўллаш тажрибасидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳаракатларидан кўнғил тўлиши ёки норозилик, юридик тақиқларнинг бузилишига муросасиз ёхуд лоқайд муносабат – буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий ҳиссиётлар (эҳтирослар) бўлиб, улар жамланиб, ижтимоий онда ҳуқуқий руҳият муҳитини ташкил этади.

Айни пайтда, ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий таъсирнинг кўпинча пинҳоний, энг чуқур, бевосита идрок этиш қийин бўлган соҳасидир. Шунинг учун ҳам у кўп ҳолларда ҳуқуққа, қонунларга нисбатан шундай жавоб ҳаракатини тақозо этадики, бу билан бирор-бир қонун чиқариш дастурининг муваффақиятини белгилаб беради ёхуд унинг инқирозига сабабчи бўлади. Давлатнинг ҳуқуқий сиёсатида аҳолининг юридик руҳиятини инкор этиш кўпплаб давлат тадбирларининг барбод бўлиши билан тугаганлигини кўрсатувчи далиллар мавжуд.

Бундан ташқари, таркибий жиҳатдан ғоят мураккаб бўлган юридик руҳият беихтиёр, англашмаган хатти-ҳаракатларнинг каттагина соҳаси – **руҳий ҳодиса ва жараёнларнинг бутун бир оламини** ўз ичига оладики, улар таъсирини субъект ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Ҳуқуқий руҳиятнинг бир кўриниши сифатида англашмаган ҳаракат воқеликни билишнинг ички ҳиссиёт, руҳий жазава, ижтимоий асабийлашув (саросима) каби шаклларида, шунингдек, сабаблари инсон томонидан

идрок этилмайдиган интилишлар, хатти-ҳаракатлар ва мақсадларда ўз аксини топади.

Демак, хуқуқий руҳият – ижтимоий онгнинг хуқуқий тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳаси. Хуқуқ назариётчилари ҳам, шунингдек, тармоқ юридик фанлари мутахассислари ҳам уни ўрганиш билан доимий шуғулланиб келадилар.

**Хуқуқий мафкура** оламни руҳий идрок этишдан фарқли ўлароқ, воқеликни илмий-назарий ифодалаш ва ўзлаштириш даражасига мос келади.

**Хуқуқий мафкура бир сафга тизилган илмий қоидалар, ғоялар, назария ва таълимотлар мажмуи бўлиб, улар биргаликда хуқуқий тизимнинг ривожланиш ҳолатини акс эттиради.**

Агар негизида кишиларнинг руҳий кечинмалари ётадиган хуқуқий руҳиятга таққослайдиган бўлсак, мафкура ундан яхлит ижтимоий тузилма сифатида хуқуқнинг мақсадга йўналтирилган илмий, фалсафий ангганиши билан фарқ қилади.

Хуқуқий мафкура хуқуқни билиш даражаси ва табиатига кўра хуқуқий руҳиятдан анча юқори туради. Агар хуқуқий руҳият хуқуқий ҳодисаларнинг ташқи, асосан, ҳиссий жиҳатини, муайян бир қисмини қайд этадиган бўлса, хуқуқий мафкура хуқуқнинг моҳиятини, ижтимоий мазмунини, табиатини очиқ беришга, уни мукамал маданий-тарихий **фалсафа ва ақида** кўринишида тақдим этишга интилади.

### **Хуқуқий онгнинг турлари, даража ва функциялари**

Хуқуқий онг мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Субъектлар нуқтаи назаридан хуқуқий онг, одатда, **индивидуал, гуруҳий ва жамоавий (оммавий)** онгга бўлинади. Шу ўринда хуқуқий онгнинг индивидуал ва ижтимоий шакллари кенг тарқалганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Индивидуал хуқуқий онг** – ҳар бир шахс, алоҳида инсонга хос хуқуқий билимлар, баҳолар, ҳиссиёт ва туйғулар мажмуи. Индивидуал хуқуқий онг доимо ноёб ва бетакрордир. Ҳар бир инсон ўзининг билиш қобилияти, шахсиятнинг психологик турлари оқибатида амалдаги хуқуқни ўзича қабул қилади, уни баҳолайди, қонуний ёки қонунга зид равишда хатти-ҳаракат қилиш истагини билдиради. Ҳатто, бир хил шароитда ўқийдиган юридик олий ўқув юртлари талабалари турли хуқуқий онгга эга. Масалан, баъзи талабалар чуқур билимга эга бўлса, бошқалари ўртача билимли бўлади, айрим талабалар жамиятда амал қилаётган хуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватласа, бошқалари бетараф ёки тескари муносабатда бўлади, учинчилари эса танқид остига олади ва ҳоказо. Индивидуал хуқуқий онг фуқаролар томонидан юридик аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар содир этилганда, хуқуқ ва эркинликлар амалга

оширилганда, қонуний манфаатлар ҳимоя қилинганда, турли кўринишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланишида яққол намоён бўлади.

Касб-кори ҳуқуқшунос бўлганларнинг ҳуқуқий онги қарор лойиҳалари, буйруқ, ҳукм, ажрим каби ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаганда рўёбга чиқади. Ҳуқуқшунос олимларнинг индивидуал ҳуқуқий онларини рўёбга чиқариш шакли монография ва рисолалар, мақола ва диссертация ишлари, ҳисоботлар саналади.

**Алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онги** моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқишда иштирок этишига, бойликларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш усулларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг ижтимоий ҳуқуқий онги фаол ҳаётда жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар томонидан қабул қилинадиган мурожаатнома, декларация, дастурларда қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ижтимоий қатлам, гуруҳ етакчиларининг илмий ва илмий-оммабоп нашрларида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

**Ижтимоий ҳуқуқий онг** – жамият ёки унинг алоҳида ижтимоий табақалари, гуруҳлари томонидан илгари суриладиган ҳуқуқий тасаввурлар, тамойиллар, тушунчалар, назариялар, ҳиссиётлар йиғиндиси. Ҳозирги жамиятнинг асосий ҳуқуқий тамойиллари сирасига мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, сиёсий, илмий ва бошқа ижодий фаолиятнинг тенг ҳуқуқлилиги, инсонпарварлик, эркинлик, қонун устуворлигини тан олиш кабиларни киритиш мумкин.

Агар ҳуқуқий онг савияси нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда бу жиҳатга кўра: **одатий, илмий ва профессионал (касбий-малакавий)** ҳуқуқий онг турларига бўлинади.

**Одатий ҳуқуқий онг** бевосита одамларнинг ҳаётий шарт-шароитлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари асосида шаклланади. Унда руҳий элементлар – ҳиссиётлар, эҳтирослар катта роль ўйнайди.

**Профессионал ҳуқуқий онг** – профессионал ҳуқуқшунослар, яъни махсус маълумот ва тайёргарликнинг амалий тажрибаси талаб қилинадиган касб эгалари ҳуқуқий онги. Ҳуқуқшунослар учун ҳуқуқий тайёргарлик катта аҳамиятга эга. Бу тайёргарлик, ҳатто, қонунга сўзсиз итоат этувчи фуқаролар даражасидан анча юқори бўлиши, ҳуқуқ тамойил ва нормалари бўйича билимларининг кўлами, теранлиги, расмийлаштирилган моҳияти билан ажралиб туриши, энг муҳими эса, улар ҳақиқатан ҳам шу билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

**Илмий ҳуқуқий онг** – ҳуқуқни тизимга солиб, назарий ўзлаштиришда ифодаланувчи ғоялар, концепциялар, қарашлар. Ҳозирги

жамиятда ҳуқуқ, қонун ҳужжатлари, сиёсий-конституциявий муносабатларни ривожлантириш йўллари бeлгилашда илмий ҳуқуқий онгга кeнг устуворлик берилган. Юридик йўналишдаги илмий тадқиқот институтлари ҳам умумфуқаровий, ҳам идоравий олий ўқув юртлари тизимида фаолият кўрсатуvчи ҳуқуқшунос олимлар ушбу ҳуқуқий онгнинг яратувчилари ва соҳибларидир, десак, асло муболага қилмаган бўламиз.

**Ҳуқуқий онгнинг функциялари** деганда, шахсни ҳуқуқий доирада ижтимоий фаол юриш-туришига таъсир этувчи асосий йўналишлар тушунилади. “Ҳуқуқий онг функциялари” тушунчасини унинг субъекти, фаолияти натижасида юзага келадиган тизимлашган ғоялар сифатида таърифлаш мумкин.

Ҳуқуқий онг ўзининг кўп функционаллиги билан алоҳида ажралиб турадиган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Унинг функциялари ҳуқуқни яратиш ҳамда ҳуқуқни татбиқ этиш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий механизмида намоён бўлади.

Ҳуқуқий онг функцияларининг асосий белгилари, уларнинг давлат моҳияти ва ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқлиги, маълум тарихий босқичларда турлича бўладиган, давлатнинг оёққа туриш, мустаҳкамланиш ва ривожланиш жараёнида ўзгариб борадиган вазифаларни давлат ва жамият мақсадларида ҳал қилишга йўналтирилганлиги билан тавсифланади.

Ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий онгнинг ахборот олиш, баҳолаш ва тартибга солиш функцияларини кўрсатадилар. Ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги мақсадларига кўра унинг функцияларини қуйидагича таснифлаш мумкин: рағбатлан-тирувчи функцияси; ижтимоий назорат функцияси; тарбиявий функцияси; башорат қилиш функцияси ва бошқалар.

**Ахборот олиш функцияси** жамият барча аъзоларининг турли шаклдаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишида намоён бўлади. Ҳуқуқий онгнинг ахборот олиш функцияси кетма-кет пайдо бўлуvчи руҳий ҳодисалардан тузилган: *биринчидан*, у, асосан, сезиш, эшитиш ва кўришдан вужудга келади; *иккинчидан*, қабул қилиш, хотира, эсда сақлаш, хотирадагиларни қайта тиклаш, таниш жараёнлари воситасида ҳуқуққа оид билимларни тўплайди ва уларни ҳар хил ҳуқуқий тасаввурлар шаклида ифода этади; *учинчидан*, тафаккур олий даражадаги билиш жараёни ҳисобланиб, ҳуқуқий ғоялар, тушунча ва эътиқодлар унинг маҳсулидир.

**Баҳолаш функцияси** ҳуқуқий онгнинг ўсиши натижасида инсонларнинг ҳуқуқий ва ҳуқуққа зид бўлган кўринишларни бир-бирдан ажрата олишишга эришишга хизмат қилади.

**Тартибга солиш функцияси** эса, шахсларнинг юқори даража-даги ҳуқуқий онга эга бўлиши, уларни ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳаракат қилишларини таъминлайди.

Айрим адабиётларда ҳуқуқий оннинг гносеологик, бошқарув ва ҳуқуқий шакллантириш функциялари алоҳида шаклда ажратиб кўрсатилади<sup>29</sup>.

**Гносеологик функция** объектив борлиқдаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатларни билишни тавсиф этади. Бошқарув – ўз феъл-атворини ҳуқуқ талаблари билан қиёслаш воситасида хатти-ҳаракатларини ўзгартириш.

**Ҳуқуқий оннинг ўзини бошқариш функцияси** инсон орзу-интилишларини оқилона рўёбга чиқариш ҳуқуқий оннинг амалий томони ҳисобланиб, у ирода орқали амалга оширилади. У ҳуқуқий билимларни аниқлаш, ички туйғулар билан мавжуд ҳуқуқий эътиқодлар, мавжуд объектив борлиқ, жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш, мақсадни аниқлаш, қарор қабул қилиш ва қарорни ижро этиш кабиларни ўз ичига олади. Ҳуқуқий он қабул қилаётган ҳуқуқий ахборотни “қайта ишлаш” ва ўзлаштиришда инсон феъл-атворини бошқарувчи мураккаб механизмлар муҳим ўрин эгаллайди, у манфаатни англаш, мақсадни аниқлаш, асослар тизими ва истагини намоён этиш каби ҳолатларни ўз ичига олади.

**Ҳуқуқий оннинг шакллантириш функцияси** – ўз хулқи хатти-ҳаракатларини шакллантириш, уюштириш, ташкил этишдан иборат бўлиб, у жуда муҳим ҳисобланади.

**Ҳуқуқий нигилизм.** Нигилизм (лотинча “*nihi*l” сўздан олинган бўлиб, “ҳеч нарса” деган маънони англатади) субъектлар (гуруҳлар, қатламлар)нинг муайян қадриятларга, нормалар, қарашлар, орзу-интилишларга, инсон ҳаётининг айрим, асосан, барча томонларига салбий муносабатини ифодалайди.

Ижтимоий хулқ-атворнинг шаклларида бири бўлган нигилизм мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш демакдир. Инкор этиш нигилизм барча шаклларининг умумий белгиси ҳисобланади. Бироқ, нигилистик инкор этиш билан диалектик инкор этиш ҳар хил ҳодиса эканлигини назарда тутиш лозим. Зеро, эскилик ва турғунликни, разолат ва зулмни табиий тарзда инкор этувчи нигилизм нигилизм ҳисобланмайди. Масалан, чоризм, большевизм ва ижтимоий жабр-зулмга қарши курашган, миллий истиқлолни ўйлаган жадид боболаримиз – Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат,

<sup>29</sup> А. Саидов, У. Таджиханов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: 2001. – Б.327.

Ҳамза Ҳакимзода, Абдулҳамид Чўлпон, Бобоохун Салимов ва бошқаларни тарих тараққийпарварлар сифатида баҳолаши бежиз эмас.

Ҳуқуқий нигилизм – ижтимоий нигилизмнинг кўринишларидан бири. У моҳиятан ҳуқуққа, қонунларга, норматив тартибга салбий, инкор қилувчи, ҳурматсизлик муносабатида бўлиш демакдир. Сабабият нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, бу моҳият аҳолининг юридик жаҳолати, мутаассиблиги, ҳуқуқий тарбиясизлигида ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, бу ўринда гап жамиятда ҳуқуққа нисбатан талабнинг йўқлиги ҳақида бормоқда.

Ҳуқуқий нигилизм фаол ва турғун, доимий ва муваққат бўлиши мумкин. Баъзан у оддий норозилик кўринишида намоён бўлади ёки шахсий сабаблар билан белгиланади (масалан, шахс ҳукм қилинганлиги учунгина суддан норози бўлади, ўзи содир этган қилмиш учун муайян жазо назарда тутилган қонунни ёмон деб билади).

Нигилизм субъектнинг ўз ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатидан қониқмаслиги, уни ўз имкониятларига мос деб билмаслиги натижасида ҳам юзага келади.

Айни пайтда, тергов, прокуратура ва суд амалиётидаги камчиликлар ҳам ҳуқуқий нигилизмга, ҳуқуқий онгнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Донишмандларнинг қайд этишларича, миллатни маънавий жиҳатдан бузишнинг икки усули бор: а) айбсизларни жазолаш; б) айбдорларни жазоламаслик. Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонунийлик ва адолатлилик туйғусини шакллантириш бундай камчиликларни бартараф этиш йўллариidir.

Ҳуқуқий нигилизм қонун талабларини онгли равишда инкор этишдан иборат бўлсада, у жинояткорона мақсад билан амалга оширилмайди. Ёвуз мақсаднинг мавжудлиги ҳуқуқий онгнинг бутунлай *бузилган, энг оғир шакли*ни келтириб чиқаради.

**Ҳуқуқий идеализм.** Агар ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқни назар- писанд қилмаслик ёки уни инкор этиш ҳисобланса, ҳуқуқий идеализм ҳуқуқни ҳаддан ташқари юксак баҳолаш, идеаллаштиришни англатади. Иккала ҳодиса ҳам ҳуқуқий саводсизлик, ҳуқуқий онг яхши ривожланмаганлиги, сиёсий-ҳуқуқий маданият пастлигининг натижасидир. Гарчи ҳуқуқий идеализм ҳуқуқий нигилизм каби кўзга яққол ташланмаса-да, бу ҳодиса давлатга, жамиятга ҳуқуқий нигилизмдан кам зарар етказмайди.

Маълумки, қонун муайян фактнинг расмий эътироф этилишидир. У фақат амалда шаклланган муносабатларни қонунийлаштиради, холос. Шу маънода, ҳуқуқ иқтисодий тузум ва у билан белгиланган жамиятнинг маданий ривожланиш даражасидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Демак, жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар ҳуқуқий жиҳатдан яхши таъминланиши лозим. Акс ҳолда, қонунларнинг кучсизлиги ҳуқуқий

нигилизмни, қабул қилинаётган қонунларга, улар вазиятни яхши томонга ўзгартиришга қодирлигига ишончсизликни келтириб чиқаради. Қонунлар ишламаса, уларга муносабат салбий бўлади, қонунлар яхши ишламаса, ҳокимият нуфузига ҳам путур етади.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий идеализм одамларда юзага келган муаммоларни ҳал қилишнинг қонуний, кенгроқ маънода, парламент-конституциявий йўллариغا, янги илғор институтларга ишонч уйғотди. Айниқса, мустабид шўро тузуми даврида узоқ вақт ҳуқуққа прагматик ёндашув (унга қурол, восита, дастак сифатида қараш) ҳукм сурганлиги ҳам ҳуқуқий идеализмнинг авж олишига имконият яратди. Шунга мувофиқ тарзда ҳуқуққа “оғир юк” ортилди, унга катта умидлар боғланди. Табиийки, бу умидлар ўзини оқламади.

Зотан, ҳуқуқни идеаллаштириш уни илоҳийлаштириш билан баробар. Бу муқаррар тарзда қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг кўпайишига олиб келади, барча муаммоларнинг ечими шу ҳужжатларда деб қаралади. “Энг кўп қонунлар энг бузуқ давлатда амал қилади”, деб таъкидлаган эди донишмандлардан бири. Ўз-ўзидан равшанки, амалий, оқилона чоратadbирлар билан мустаҳкамланмаса, юзлаб ёки минглаб қонунлар ҳам вазиятни ўнглай олмайди.

Шундай қилиб, бир-бирини озиқлантирувчи ҳуқуқий нигилизм- га ҳам, ҳуқуқий идеализмга ҳам барҳам бериш муҳим ва зарур. Зеро, ҳуқуқий нигилизм ҳам, ҳуқуқий идеализм ҳам ҳуқуқий маданиятсизликнинг умумий ноҳуш кўринишидир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам:

1) қонунлар назар-писанд қилинмайди, очиқ-ойдин бузилади, ижро этилмайди, қадрланмайди, иззат-ҳурмат қилинмайди;

2) аксинча, қонунларга барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишга қодир мўъжизакор кучга эга бўлган ҳужжат сифатида қаралади. Демак, уларни бартараф этмасдан туриб, ҳуқуқий давлат ғоясини рўёбга чиқариш мумкин эмас.

Умуман олганда, ҳуқуқий онг одамларнинг амалдаги ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатларини ифодаловчи қараш- лари, ғоялари, тасаввурлари, ҳис-туйғулари йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Эндиликда ҳаммада – бутун жамиятда, барча фуқароларда зарур ҳуқуқий онгни кўнгилдагидек шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бироқ, халқ орасида саводсизлар бўлганда ёки ҳуқуқ тушунарсиз тилда ёзилганда, қонунлар матни халққа бориб етмаганда ёки ҳуқуқнинг мазмунини ўта мураккаб, чалкаш ва мужмал ифодаланганда халқ ўз ҳуқуқларини билиш имкониятидан бебаҳра қолиши, ҳаёт тарзи эса хатарли тус олиши мумкин. Чунки ҳуқуқ – ҳар бир онг-шуурли инсонга дахлдор ҳодиса. Шу боис ҳуқуқ билимга, зеҳн ва ўзини ўзи идора қилишга бўлган қобилият ва салоҳиятга

таянади. Айниқса, ривожланган ҳукуқий онгда ҳуқуқнинг объектив мазмунини аниқлаш ва тушунишга бўлган комил ишонч янада ортади.

### **Ҳуқуқий маданият тушунчаси ва даражалари**

Маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими сифатида ҳуқуқий маданият ҳуқуқий ҳолат ривожининг эришилган даражасида, норматив ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳуқуқий онгда ўз ифодасини топади. Уларга мувофиқ равишда қонунга итоаткор ҳаёт тарзи шаклланади ҳамда мамлакатда ҳуқуқ-тартибот режими янги ўрнатувчи ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш амалга оширилади.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътиборни жалб этишни истардик. Ҳуқуқий маданият маданиятнинг сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний соҳалари ва тармоқлари билан ўзаро алоқада ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос мазмунида ҳам умумий маданиятга, унинг алоҳида тармоқларига доир хусусият ва хоссалар, албатта, намоён бўлади. Шу ҳолат билан боғлиқ равишда барча маданиятларнинг ўзаро таъсири катта аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам демократик давлатда қонунга итоаткор ҳуқуқ-атворни таъминлаш учун бир вақтнинг ўзида бунинг ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий онг орқали амалга ошириш керак бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий маданият мураккаб, серқирра ҳодиса бўлиб, биринчи навбатда:

- \* ҳуқуқий онгнинг муайян даражаси, яъни ҳуқуқий воқеликни онгли равишда тушуниб, ўзлаштиришни;

- \* умумий маданий асослар, юксак маданийлик даражаси, миллий негизлар ва манбалар, тарихий хотира, урф-одатлар ва анъаналарни;

- \* аҳоли томонидан қонунларни билишнинг тегишли даражаси, ҳуқуқ нормаларига ҳурматнинг юқори даражасини, улар нуфузини;

- \* ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий ижодкорлик, ҳуқуқни муҳофаза этиш, бошқарув ва бошқа органлар ишининг самарали усулларини;

- \* фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунга итоаткорлигини талаб этади.

**Ҳуқуқий маданият** – кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя қилиши.

Ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Шу боис, **ҳуқуқий маданият** деганда, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти, унинг ҳуқуқий воқелиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий онг ривожига эришилган даражасини ифодаловчи маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими ҳамда унга мувофиқ тарзда қарор топадиган қонунга итоатгўйлик ва мамлакатда ҳуқуқ-тартибот муҳитини ўрнатиш учун

ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг амалга оширилиши тушунилади.

Ҳуқуқий маданиятнинг мазмунини ҳуқуқни билиш, ҳуқуққа муносабат, ҳуқуққа риоя қилишга одатланиш, ҳуқуқий фаоллик ташкил этади.

Ҳуқуқий маданият **субъектив таркибига** кўра шахс (индивидуал), гуруҳ, жамият ҳуқуқий маданиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Шахс ҳуқуқий маданияти** ҳуқуқни ҳурмат қилиш, ҳуқуқдан лозим даражада хабардорликни назарда тутати. Ҳуқуқий маданиятга эга шахс:

- 1) юридик нормаларни муайян даражада билиши;
- 2) ижобий ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқни ҳурмат қилиши;
- 3) ҳуқуқни ҳурмат қилишга асосланган хулқ-атвор билан тавсифланади.

**Гуруҳ ҳуқуқий маданияти** айрим ижтимоий гуруҳларга, хусусан, профессионал юристларга хос. У мазкур гуруҳнинг ҳуқуқий онгига боғлиқ. Унга жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий қадриятлар, айрим шахсларнинг ҳуқуқий интилишлари бевосита таъсир кўрсатади.

**Жамият ҳуқуқий маданияти** – жамият яратган маънавий қадриятларнинг таркибий қисми. У ўз ичига ҳуқуқий мулоқот ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ хулқ-атвор ҳамда ҳаракатларнинг барча турларини қамраб олади. У ижтимоий онг даражаси, қонунчилик ҳолати ва хусусияти, мамлакатда мавжуд ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамлик даражаси билан белгиланади. Жамият ҳуқуқий маданияти аҳолининг умумий маданий даражаси билан бевосита боғлиқ, у аҳоли маданиятининг сиёсий, маънавий, эстетик ва бошқа турлари билан ўзаро алоқадор.

Ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўлиқлиги, ривожланганлиги ва таъминланганлиги; қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолати; жамиятда юридик фан ва юридик таълимнинг ривожланиш даражаси билан тавсифланади.

Юқоридагилар билан бирга, субъектларнинг ҳуқуқий маданияти савиясига (даражасига) кўра одатдаги, профессионал (касбий), назарий турларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Одатдаги даража** ҳуқуқий маданият одамларнинг кундалик ҳаёти доираси билан чегараланади. У инсонларнинг кундалик фаолиятида субъектив ҳуқуқларни рўёбга чиқариш, юклатилган вазифаларни бажаришида намоён бўлади.

**Касбий даражадаги** ҳуқуқий маданият юридик фаолият билан ўз касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида доимий шуғулланувчи шахсларга хос. Мазкур даража ҳуқуқни билиш ва ҳуқуқий муаммолар,

ҳуқуқий фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини тушуниш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади.

**Назарий даража** – нафақат ҳуқуқни билиш, балки унинг теран ҳосса ва қадриятлари, амал қилиш механизми, ҳуқуқнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни тушунишнинг юксак даражаси.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ва ушбу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир.

Ҳуқуқий маданият миллий ва умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида ўзига нисбатан ғамхўрларча муносабатга, ўзининг минтақавий ва дунё миқёсидаги, умумижтимоий, миллий, умуминсоний барча таркибий қисм ва бўлақларини асрашга, уларнинг кўпайтириб борилишига муҳтож.

Ҳуқуқий маданият шахс камолотининг муайян сифат поғонасини билдиради. У ўз доирасига ғоявий савия (билим ва тафаккур маданияти, ижтимоий тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, янги ижтимоий ҳодисаларни аввалги тўпланган билимлар асосида ижодий англаш қобилияти), ҳиссий-руҳий даража (билимларнинг ҳақиқийлигига бўлган ишонч) ҳамда фаол ҳулқ-атвор даражасини қамраб олади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий маданият деганда, ҳуқуқий билим ва унинг табиатини, ҳуқуқий тизим баҳосини, шунингдек, ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар соҳасини тартибга солувчи ижтимоий қадриятлар, нормалар, анъана ва андозалар мазмун-моҳияти тушунилади.

### **Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва унда таълим муассасалари олдига турган вазифалар**

Бугунги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади қилиб қўйилган ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, қонун устувор бўлган, замонавий демократик давлатлар қаторига қўшилиш учун мамлакатимизда барча соҳаларда мисли кўрилмаган даражада ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, миллий ҳуқуқ тизимида сўнгги йилларда кўлами ва моҳияти нуқтаи назаридан ислохотларнинг янги даври бошланди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда

таъминлашга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш тизимдаги ислохотларнинг бош ғоясига айланди.

Давлат ва жамиятнинг ривожланганлигини белгилайдиган бир қатор муҳим омиллар бор. Биз унинг учта жиҳатини санаб ўтаемиз.

Биринчиси, ривожланган жамият аъзоларининг, давлат фуқароларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксак бўлиши керак; иккинчиси, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси юксак бўлиши лозим;

учинчиси, жамиятдаги ислохотларга уларнинг дахлдорлик туйғуси бўлиши талаб этилади.

Тўғриси айтиш керак, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик ҳақида гап кетганда кўпчилигимизда фақат қонунларни билиш ёки улардан бохабарлик даражаси тушунилади. Аслида бу жуда кенг тушунча бўлиб, юқорида санаб ўтганимиз давлат ва жамият ривожланганлигини белгилайдиган учта муҳим омилни ҳам ўз ичига олади. Ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонунларга итоаткор бўлади, ҳамиша унга бўйсунди ва қонунларга нисбатан ҳурмат билан қарайди. Бундай инсонлар қонунларда белгиланган қоидаларга зид хатти-ҳаракат қилмайди, аксинча, бошқаларни ҳам шунга даъват этади. Ижтимоий-сиёсий фаол фуқаро жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиб, ислохотларга дахлдорлигини сезиб, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини ҳис қилиб яшайди. Энг муҳими, у мамлакат тараққиётига амалий ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси юксалишида амалий аҳамият касб этади.

Ушбу Фармонда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи қуйидаги муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим-тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган;

- ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунлар ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади;

- аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади;

- ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбу муаммо ва камчиликларни биров таҳлил қилиб чиқайлик. Энг охирида келтириб ўтганимиз "шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш"дан бошласак.

Давлатимиз раҳбари маъруза ва чиқишларида давлат ва жамиятни тараққий эттириш умумжамят ишига айланиши кераклигини, бунинг учун ҳар бир фуқаро ўзининг бу борада қатъий фуқаролик позициясини намоён этиши, фуқаронинг шахсий манфаати ҳеч қачон жамият манфаатидан устун бўлмаслиги лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Албатта, бу бежиз эмас. Сабаби, қаердаки шахсий манфаат жамият ва давлат манфаатидан устун қўйилар экан, ўша ерда жиддий муаммо пайдо бўлади. Айтиш лозим бўлса, коррупция, таъмагирлик ва бошқа иллатлар вужудга келади. Бу икки манфаат ўртасидаги мувозанатни сақлаш ниҳоятда муҳим. Шундан келиб чиқиб, аввало, кенг жамоатчилик орасида ушбу мувозанатни ҳар қандай шароитда ҳам сақлаш ғоясини тизимли тарғибот қилиш лозим.

"Ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётган"лиги ҳам ҳақиқат. Мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, олий ўқув юртларигача бўлган босқичларда ўзаро узвий боғлиқлик етишмайди. Ёки мактабгача таълим муассасаларида ўқитиладиган ҳуқуқий сабоқлар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар, кўргазмали қуроллар етарлими, деган саволга ҳам "ҳа" деб жавоб бериш мушкул. Бу борада мана шу ёшдаги болалар онгига ҳуқуқий маданият қандай усуллар билан сингдирилиши лозим, деган жиддий масала кўзга ташланади. Бу ўринда

психолог ва ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда ҳуқуқий сабоқларга оид ўқув адабиётлари нашр қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шунинг учун, Фармоннинг 9-бандида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасаларида “Бола ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” мавзусидаги машғулотларни малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўргазмали тарзда тизимли жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

10-бандида эса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимлари узлуксиз ва тизимли ошириб борилишини таъминлаш механизмини жорий этиш, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминлаш;

2019 йил 1 мартга қадар ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилиш;

ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш чораларини кўриш каби жиддий вазифалар юклатилди.

Бундан 22 йил олдин Олий Мажлис қарори билан қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”ни орадан шунча вақт ўтганидан кейин бугунги кун талаби ва руҳидан келиб чиқиб янгилаш зарурияти туғилди. Эътибор қилинг, бугунги кунда қанчадан-қанча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар рўй бермоқда. Шу нуқтаи назардан ушбу Фармон билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси” тасдиқланиб, унда бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлар белгиланди.

Биринчи йўналиш 1-бобда назарда тутилиб, у “Шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш” деб номланган.

Дарҳақиқат, шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида қонун, ундаги ҳуқуқий меъёрлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу ҳар бир шахснинг жамият ва давлат олдидagi ижтимоий масъулиятини белгилайди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг ўзига хос энг муҳим жиҳатларидан бири ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш дастлаб оиладан бошланиши лозимлиги белгиланганидир. Концепция бизнинг миллий менталитетимиз, яшаш тарзимиз билан узвий боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилганлигидан далолат беради.

Халқимизда “қуш уясида кўрганини қилади”, деган пурмаъно фалсафа бор. Оилада, яъни ота-онада ҳуқуқий маданият бўлса, шубҳасиз, бу фарзандларга кўчиб ўтади. Шунинг учун, ҳар бир оилада болаларга ҳуқуқий тарбия ва одоб-ахлоқнинг бошланғич қоидаларини ўргатиш бўйича ота-оналарнинг ўзлари учун услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тарқатиш масаласи белгиланаяпти. Бундан ташқари, оила давраида ҳуқуқий саводхонликни оширишга мўлжалланган, ҳар бир элементар ҳуқуқий билимларни ўргатишга қаратилган ва кундалик ҳаётдаги муҳим масалалар юзасидан ҳуқуқий қўлланма тайёрлаш ва бепул тарқатиш, болалар учун ҳуқуқий мавзулар ва одоб-ахлоқнинг оддий ва кундалик қоидаларини билишни, ватанпарварлик, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзбек халқининг тарихи ва миллий қадриятларини ўргатишни тарғиб қилувчи турли мультипликацион фильмлар яратиш, болалар учун ҳуқуқий ахборотни етказиш ҳамда кундалик турмушда қўлланиладиган нормалар ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатишга қаратилган аудиоэртактлар, кинофильм ва киножурналлар ишлаб чиқиш каби вазифалар биринчи йўналишда ўз аксини топган.

Ушбу мақолада биз ҳар томонлама пухта ўйланиб, жиддий таҳлил этилган ҳолда ишлаб чиқилган Концепциянинг биринчи йўналишида белгиланган айрим вазифалар хусусида қисман фикр-мулоҳазалар юритишга ҳаракат қилдик.

Концепция 5 бобдан иборат бўлиб, унинг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усуллари жорий қилиш”, “Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда “Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш”, “Юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш”, “Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш” сингари бобларида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш масалалари акс этган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг барча жиҳатлари қамраб олинган Концепцияни ҳаётга самарали татбиқ этиш осон эмас. Унда белгиланган кўплаб вазифалар ижроси фақат маълум бир давлат органи ёки нодавлат ташкилот олдига юклатилмаган. Балки, умумжамятининг муҳим вазифаси сифатида белгиланган. Ўзбекистонимиз тараққиётдан манфаатдор бўлган ҳар бир ватандошимиз Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу Концепцияни ҳаётга самарали татбиқ этилиши учун ўзининг амалий ҳиссасини қўшиши лозим.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Ҳуқуқий онг деб нимага айтилади?

А. Бу ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлиб, кишиларда ҳуқуққа, қонунчиликка, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис-туйғулар, тасаввурлар йиғиндиси.

В. Жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий муҳитнинг бевосита таъсири остида вужудга келади ва ҳуқуқий онгнинг биринчи, бошланғич поғонаси ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг айнан шу даражасида ҳуқуқий реалликни англаш.

С. Оламни руҳий идрок этишдан фарқли ўлароқ, воқеликни илмий-назарий ифодалаш ва ўзлаштириш даражаси.

Д. Ўз хулқи, хатти-ҳаракатларини шакллантириш, уюштириш, ташкил этиш.

### 2. Ҳуқуқий мафкура деб нимага айтилади?

А. Ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлиб, кишиларда ҳуқуққа, қонунчиликка, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис туйғулар, тасаввурлар йиғиндиси.

В. Воқеликни илмий-назарий ифодалаш ва ўзлаштириш даражасига мос келиб, бир сафга тизилган илмий қоидалар, ғоялар, назария ва таълимотлар мажмуи, улар биргаликда ҳуқуқий тизимнинг ривожланиш ҳолатини акс эттиради.

С. Жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий муҳитнинг бевосита таъсири остида вужудга келади ва ҳуқуқий онгнинг биринчи, бошланғич поғонаси ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг айнан шу даражасида ҳуқуқий реалликни англаш.

Д. Ўз хулқи, хатти-ҳаракатларини шакллантириш, уюштириш, ташкил этиш.

### 3. Субъектлар нуқтаи назаридан ҳуқуқий онг нечта ва қандай турларга бўлинади?

- A. 3 та: индивидуал, гуруҳий ва оммавий.
  - B. 2 та: гуруҳий ва оммавий.
  - C. 4 та: индивидуал, гуруҳий, оммавий, минтақавий.
  - D. 1 та: индивидуал.
4. Бевосита одамларнинг ҳаётий шарт-шароитлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари асосида шаклланадиган ҳуқуқий онг шакли қандай номланади?
- A. Профессионал ҳуқуқий онг.
  - B. Илмий ҳуқуқий онг.
  - C. Одатий ҳуқуқий онг.
  - D. Жамоавий ҳуқуқий онг.
5. Ҳуқуқни тизимга солиб, назарий ўзлаштиришда ифодаланувчи ғоялар, концепциялар, қарашлардан иборат бўлган ҳуқуқий онг шакли қандай аталади?
- A. Профессионал ҳуқуқий онг.
  - B. Одатий ҳуқуқий онг.
  - C. Жамоавий ҳуқуқий онг.
  - D. Илмий ҳуқуқий онг.
6. Ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий онгнинг қандай турдаги функциялари мавжудлигини эътироф этадилар?
- A. Ахборот олиш, баҳолаш.
  - B. Ахборот олиш.
  - C. Ахборот олиш, баҳолаш, тартибга солиш ва *гносеологик*.
  - D. Ахборот олиш, баҳолаш, тартибга солиш ва назорат.
7. Ҳуқуқий онгнинг “Баҳолаш функцияси” нима?
- A. Ҳуқуқий онг ўсиши натижасида инсонларнинг ҳуқуқий ва ҳуқуққа зид бўлган кўринишларини бир-биридан ажрата олишишга эришишига хизмат қилади.
  - B. Шахсларнинг юқори даражадаги ҳуқуқий онга эга бўлиши, уларни ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳаракат қилишларини таъминлайди.
  - C. Жамият барча аъзоларининг турли шаклдаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишида намоён бўлади.
  - D. Объектив борлиқдаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатларни билишни тавсиф этади.
8. Мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ҳуқуққа, қонунларга, норматив тартибга салбий, инкор қилувчи, ҳурматсизлик муносабатида бўлишни ифодаловчи ижтимоий хулқ-атвор шаклларида бири бу –
- A. Ҳуқуқий онгнинг гносеологик функцияси.
  - B. Ҳуқуқий нигилизм.
  - C. Ҳуқуқий онг.

D. Ҳуқуқий идеализм.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қачон қабул қилинган?

A. 1997 йил 25 июнь.

B. 1997 йил 10 июнь.

C. 1997 йил 29 август.

D. 1997 йил 10 май.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони қачон қабул қилинган?

A. 2019 йил 9 январь.

B. 2019 йил 24 январь.

C. 2019 йил 9 февраль.

D. 2018 йил 9 январь.

## ГЛОССАРИЙ

**Ҳуқуқ** – давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умумий мажбурий ижтимоий нормалар тизими.

**Ҳуқуқий онг** – ижтимоий онгнинг махсус шакли бўлиб, кишиларда ҳуқуққа, қонунчиликка, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис-туйғулар, тасаввурлар йиғиндиси.

**Ҳуқуқий руҳият** – жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий муҳитнинг бевосита таъсири остида вужудга келади, ҳуқуқий онгнинг биринчи, бошланғич поғонаси ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг айнан шу даражасидан ҳуқуқий реалликни англаш, у билан дастлабки танишув бошланади.

**Ҳуқуқий мафкура** – бир сафга тизилган илмий қоидалар, ғоялар, назария ва таълимотлар мажмуи бўлиб, улар биргаликда ҳуқуқий тизимнинг ривожланиш ҳолатини акс эттиради.

**Индивидуал ҳуқуқий онг** – ҳар бир шахс, алоҳида инсонга хос ҳуқуқий билимлар, баҳолар, ҳиссиёт ва туйғулар мажмуи ҳисобланади. Индивидуал ҳуқуқий онг доимо ноёб ва бетакрордир.

**Ижтимоий ҳуқуқий онг** – жамият ёки унинг алоҳида ижтимоий табақалари, гуруҳлари томонидан илгари суриладиган ҳуқуқий тасаввурлар, тамойиллар, тушунчалар, назариялар, ҳиссиётлар йиғиндиси.

**Одатий ҳуқуқий онг** – бевосита одамларнинг ҳаётий шарт-шароитлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари асосида шаклланади. Унда руҳий элементлар – ҳиссиётлар, эҳтирослар катта роль ўйнайди.

**Профессионал ҳуқуқий онг** – профессионал ҳуқуқшунослар, яъни махсус маълумот ва тайёргарликнинг амалий тажрибаси талаб қилинадиган касб эгалари ҳуқуқий онги.

**Илмий ҳуқуқий онг** – ҳуқуқни тизимга солиб, назарий ўзлаштиришда ифодаланувчи ғоялар, концепциялар, қарашлар.

**Ҳуқуқий нигилизм** латинча “*nihiil*” сўзидан олинган бўлиб, “ҳеч нарса” деган маънони англатади) субъектлар (гуруҳлар, қатламлар)нинг муайян қадриятларга, нормалар, қарашлар, орзу-интилишларга, инсон ҳаётининг айрим, кўпинча эса барча томонларига салбий муносабатини ифодалайди.

**Ҳуқуқий маданият** – кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя қилиши.

**Шахс ҳуқуқий маданияти** – ҳуқуқни ҳурмат қилиш, ҳуқуқдан лозим даражада хабардорликни назарда тутати.

**Гуруҳ ҳуқуқий маданияти** – ижтимоий гуруҳларга, хусусан, профессионал юристларга хос. У мазкур гуруҳнинг ҳуқуқий онгига боғлиқ. Унга жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий қадриятлар, айрим шахсларнинг ҳуқуқий интилишлари бевосита таъсир кўрсатади.

**Жамият ҳуқуқий маданияти** – жамият яратган маънавий қадриятларнинг таркибий қисми. У ўз ичига ҳуқуқий мулоқот ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқ-атвор ҳамда ҳаракатларнинг барча турларини қамраб олади.

## **ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

Бугунги кунда мамлакатимизни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг жадал суръатлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирок этишларидаги ролини ошириш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларини инobatга олган ҳолда ушбу йўналишдаги уларнинг фаолиятини авж олдириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида катта ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган маърузасида “Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ” эканлигини таъкидлади.

Давлат раҳбари бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишда юзага келган вазиятга баҳо бериб деди: “Бугунги кунда мамлакатимизда жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганаётганлигини алоҳида таъкидлади”<sup>30</sup>.

Жамоатчилик назорати ижтимоий фаоллик билан боғлиқ. Инсон ижтимоийлашув жараёнини бошидан кечирар экан, унда табиий равишда сиёсий жараёнларда иштирок этишга иштиёқ вужудга келади. Жамиятдаги муаммоларнинг кўпайиши ижтимоий фаол фуқароларни янада дадил бўлишга ундайди, кундалик муаммоларни бартараф этган ҳолда умумхалқ аҳамиятига эга бўлган масалаларга эътибор қаратишга жалб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарорида ҳам аҳолини жамоат ва давлат ишларини бошқаришга фаол жалб этиш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва юридик саводхонлигини ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

<sup>30</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. [uza.uz/uz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019](https://uza.uz/uz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019)

очиқлигини таъминлаш, тегишли соҳаларда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали қарорлар қабул қилишнинг ғоят муҳим шарти ҳисобланиши белгиланган<sup>31</sup>.

Ушбу Қарорда мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунини қайта кўриб чиқишни тавсия этган. Унда халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этиш, жамоатчилик назорати шакллари амалга ошириш механизмларини батафсил регламентация қилиш, уларни амалиётда самарали қўллаш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти, тегишли соҳалардаги ишларнинг ҳолатини яхшилашда уларнинг роли ва самарали иштироки масалалари эътиборга олиниши назарда тутилган.

Дарҳақиқат, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан биридир. Маълумки, жамият манфаатларини эътибордан четда қолдириш, баъзи ҳолларда ўзларига тегишли ваколатларни суиистеъмол қилиш давлат органлари фаолиятида кузатиладиган ҳолдир.

Айнан шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари ўз маърузасида “Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, ҳолис кўриб чиқишлари лозим”лигини уқтирди. Бу борада жамоатчилик назоратида халқ иштирокини кучайтириш мақсадида маърузада “Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт”<sup>32</sup>, эканлигига алоҳида урғу берилади.

Давлат – жамият муносабатларида юзага келадиган бундай мураккабликларни бартараф этишнинг самарали институтларидан бири бўлган жамоатчилик назорати илмий-назарий ёндашувни талаб этади.

Фарб олимларининг қарашларида жамоатчилик назорати аксарият ҳолларда бирор-бир соҳада амалга ошириладиган назоратни англатади. Жумладан, америкалик социолог Травис Хирски (Travis Hirschi) жамоатчилик назоратини, асосан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш нуқтаи назаридан талқин қилади. Унга кўра, ижтимоий

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 07/19/4473/3864-сон.

<sup>32</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. [uza.uz/uz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019](https://uza.uz/uz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019)

сўровлар жамоатчилик назоратини шакллантиради ва аксيليжтимой характерга эга бўлган хатти-ҳаракатларни тартибга солади<sup>33</sup>.

Бошқа бир америкалик социолог Чарльз Кулей (Charles Horton Cooley) ҳам мазкур фикрни давом эттирган ҳолда, жамиятдаги иллатларни бартараф этишда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутиши, мавжуд ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда у самарали хизмат қилишини таъкидлайди. Бу ҳодиса жамиятда ўзига хос рақобат муҳитини вужудга келтириши билан бирга, ўзига хос тарзда ижтимоий виждонни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.<sup>34</sup> Айни вақтда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлатнинг роли жуда муҳимлигини эсда тутиш лозим. Гарчи асосий назорат объекти давлат бўлишига қарамасдан, давлат умуммиллий манфаат нуқтаи назаридан жамоатчилик назоратига йўл бермаса, унинг самара бериши қийин.

Бошқа таърифларда жамоатчилик назорати ижтимоий ҳамкорликнинг асосий воситаси ҳисобланади. У ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш учун ҳуқ-атвор, инсонлараро муносабатлар ва тартиб-интизомни назорат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Жамоатчилик назорати” тушунчаси борасида Президентимиз аниқ фикр билдирар экан, шундай таъкидлади: “Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.”<sup>35</sup>

Бу берилган таъриф дунёдаги илмий ёндашувларга мувофиқ. Манбаларда берилган илмий таърифларга эътибор қаратсак, жамоатчилик назорати деганда, жамият ёки алоҳида фуқаролар гуруҳи томонидан ижтимоий институтлар ва бошқа турли соҳалар, шу жумладан, давлат бошқаруви органларининг фаолиятини оптималлаштириш мақсадида уларнинг шаклланиши ва фаолият юритишини қайд этиш ҳамда баҳо бериш механизми тушунилади. Жамоатчилик назоратида фаолиятнинг

<sup>33</sup> Hirschi, T. Causes of delinquency. New Brunswick, N.J.: Transaction Publishers. 2002.

<sup>34</sup> Dictionary.Reference.Com

<sup>35</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. [uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019](http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019).

самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, амалга оширилган назорат амалиётининг таъсирчанлиги муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, жамоатчилик назорати ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида: оилавий муносабатлар, маданият, анъаналар, ахлоқий муносабатлар, шунингдек, давлат ҳокимиятини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида амал қилиши мумкин. Жамоатчилик назоратининг бундай тури кўп жиҳати билан бошқаларидан фарқ қилади.

Ҳар бир киши жамиятда яшар экан, мавжуд қоидалар ва қадриятларга бўйсуниб, меъёрларга амал қилишга мажбур. Айнан ана шу меъёрларнинг амал қилиши учун жамоатчилик назорати зарур, бу ижтимоийлашувни келтириб чиқариб, ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиради ва жамиятда бирликни юзага келтиришга хизмат қилади. Жамиятда меъёрларнинг амал қилиши унинг аъзолари томонидан қабул қилинганлигини англатади. Уларга амал қилмаганларни жамоатчилик назорати аниқлайди ва жавобгарликка тортади.<sup>36</sup>

Классик сиёсатшунослардан Ж.Ж.Руссонинг тадқиқотларига асосланилса, давлат ва жамият ўртасидаги назорат фақатгина ўзаро келишув асосида амалга оширилиши мумкин. Унга кўра, "Жамиятда ижтимоий бирликнинг шундай шаклини топиш керакки, у ҳар бир аъзонинг шахси ҳамда мулкини чегаралаш ва ҳимоялашга қодир, унинг ёрдамида оммага қўшилган ҳар бир киши фақат ўз-ўзига бўйсуниб ва аввалгидек эркин бўлиб қолиши керак. Ижтимоий келишув бажарадиган асосий вазифа ана шундан иборат"<sup>37</sup>.

Ҳокимият хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қадимдан жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб, олимлар "қонунга эмас, балки зўравонлик таҳдидига таянган назоратсиз ҳокимиятдан хавфлироқ нарса йўқ" эканлигини таъкидлашади<sup>38</sup>. Бундан ташқари, "Жамиятнинг ҳокимият устидан назорат ўрнатишга қодирлиги – фуқаролик жамиятининг белгисидир. Фақат ҳуқуқий шаклга эга бўлган назоратгина ҳокимиятни ҳуқуққа бўйсундиради ва фақат фуқаролик жамияти шароитидагина давлат "ҳуқуққа тобе" бўлади ва "ҳуқуқий давлат" мақомига эга бўлади"<sup>39</sup>.

Раҳбарларнинг халқ томонидан назорат қилиниши сиёсий барқарорлик ва давлат тараққиётининг омили эканлиги Арастунинг тадқиқотларида учрайди. Давлатни фуқаролар, давлат ҳамда мансабдорлар иттифоқи сифатида талқин қилган Ш.Монтескье, унинг

<sup>36</sup> Umar Farooq. What is Social Control Meaning Definition and Characteristics. Studylecturenotes.Com. Saturday, 10 March 2012.

<sup>37</sup> Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты / Пер. с фр. - М.: "КАНОН-пресс", "Кучково поле", 1998. – С. 416.

<sup>38</sup> Панарин А.С. Глобальное политическое прогнозирование. – М.: Статут, 2008. – С. 218.

<sup>39</sup> Лучин В.О. Конституционный строй России: основные политико-правовые характеристики // Право и политика. 2006. №10. – С. 27–31.

ҳукуматсиз мавжуд бўла олмаслигини таъкидлайди. Унга кўра, қонунлар фуқароларнинг ҳукумат фаолиятини назорат қилишига имкон яратади<sup>40</sup>.

Юқоридаги таърифларга асосланган ҳолда, ваколатли фуқаролик институтлари томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ижтимоий назоратни давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати сифатида тушуниш мумкин. Яъни, жамоатчилик назорати фуқаролар ва фуқаролик жамияти ваколатли институтларининг тизимли фаолияти бўлиб, у давлат бошқарув органлари фаолиятининг меъёрий-хуқуқий мезонларга мослигини белгилаш, юзага келган қонунбузарлик ҳолатларини давлатнинг тегишли органларига мурожаат қилиш орқали ёки жамоатчилик фикрига таянган ҳолда бартараф этишдан иборат.

Социологик нуқтаи назардан ёндашилганда, жамоатчилик назорати бевосита ва билвосита, ижобий ва салбий, куч ёки тавсия воситасида, англаган ёки англамаган, расмий ёки норасмий, яратувчи ва бузғунчи, табиий ёки сунъий кўринишларда намоён бўлади.

Оила, қариндошлар ёки маҳалла томонидан тарбия кўринишида, у ёки бу салбий хатти-ҳаракатни қоралаш ёки аксинча, ижобий ахлоқ, интизомни эътироф этиш орқали амалга оширилган назорат бевосита назорат дейилади. Билвосита назорат деганда, жамият аъзолари, миллий, диний урф-одатлар, анъаналар ёрдамида амалга ошириладиган тарбиявий жараён назарда тутилади.

Жамоатчилик назорати ижобий ва салбий характерда намоён бўлиши мумкин. Ижобий кўринишдаги назорат жамият томонидан у ёки бу хатти-ҳаракатни тан олиш, улуғлаш, ташвиқ қилиш тарзида амалга оширилса, иккинчи тарафдан, салбий хатти-ҳаракатларни қоралаш, жазолаш, қаҳр-ғазаб кўринишида амалга ошириладиган назорат салбий характерда намоён бўлади.

Куч воситасида амалга ошириладиган жамоатчилик назорати деганда, жамоа аъзоларининг у ёки бу шахс ёки шахслар гуруҳининг ноҳўя хатти-ҳаракатига турли тадбирлар воситасида, масалан, маҳаллий ОАВдаги чиқиш ёки маҳалла йиғилишларида мажбуран чек қўйилиши тушунилади. Тавсиявий жамоатчилик назорати деганда, бирор-бир ижтимоий фойдали анъанани жамоа аъзолари орасида ташвиқот қилиш ва жорий этиш назарда тутилади.

Англаган жамоатчилик назорати деб унинг жамият томонидан режа асосида, маълум муддат давомида амалга оширилишига айтилади. Жамиятда мавжуд урф-одатлар, миллий ёки диний анъаналар воситасида

<sup>40</sup> Қаранг: Зубарев С.М. Понятие и сущность общественного контроля за деятельностью государственных органов // Административное право и процесс. 2011. № 5. – С. 5.

амалга ошириладиган назорат англамаган жамоатчилик назорати дейилади.

Давлат институтлари томонидан қабул қилинган расмий меъёрлар воситасида амалга ошириладиган назорат жамоатчилик назоратининг расмий шакли бўлса, жамоа аъзолари ёки маҳалла етакчилари томонидан танқид, салбий ижтимоий фикрни шакллантириш орқали амалга ошириладиган фаолият норасмий назорат дейилади.

Ижтимоий ислохотларни амалга ошириш ва натижаларини турли тарбиявий воситалар ёрдамида тарғиб қилиш жараёнида жамоатчилик назоратининг конструктив моҳияти намоён бўлади. Цензуранинг турли усуллари, пўписа билан амалга ошириладиган назорат бузғунчи кўринишга эга бўлади.

Сунъий назорат деганда, шахс ёки гуруҳнинг жамият аъзоларининг тавсиясисиз амалга ошириладиган хатти-ҳаракати тушунилади. Бундай назорат ўзини ўзи назорат қилиш ҳам дейилади. Жамият томонидан мажбурий равишда, кўрқув ёки уят ҳиссини туйдириш орқали амалга ошириладиган назоратда унинг табиийлиги намоён бўлади<sup>41</sup>.

#### **Жамоатчилик назоратининг ўзига хос хусусиятлари**

Давлат органлари устидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг умумий жиҳатлари қуйидагилар:

- ҳокимият томонидан жорий этилмайди;
- ҳукуқий кўринишда ёки мажбурий хусусиятга эга эмас;
- давлат бошқаруви органларининг жамоатчилик назорати субъекти бўла олмайди;

- жамият ва фуқаролар номидан амалга оширилади.<sup>42</sup>

Жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд:

биринчидан, жамоатчилик назорати жамият аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини умумий ижтимоий иродага жипслаштирган ҳолда жамият ёки унинг алоҳида институтларига таъсир кўрсатиш шакли сифатида намоён бўлади;

иккинчидан, жамоатчилик назорати турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини мувозанатлаш ва бу манфаатларнинг ўзаро тўқнашувига йўл қўймасликнинг асосий воситаси ҳисобланади;

учинчидан, энг долзарб масалаларни ҳал этишда жамиятнинг истак ва интилишларини бирлаштириш ҳамда мувофиқлаштиришнинг усули ҳисобланади;

<sup>41</sup> Umar Farooq. Ўша жойда.

<sup>42</sup> Гриб В.В. Общественная палата Российской Федерации как орган общественного контроля // Юридический мир. 2010. N 3. – С. 10-16.

тўртинчидан, жамоатчилик назорати ижтимоий меъёрларнинг бажарилишини кафолатлайди, қонунбузарликларни аниқлаб, уларни қоралашдан, то мажбурий чоралар қўллашни таъминлашгача бўлган фаолиятни амалга оширади;

бешинчидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ваколат бўлиб, унинг асосий институтларидан бири ҳисобланади.<sup>43</sup>

Жамоатчилик назорати ўз функционал вазифаси, амалга оширилиш шакли, ижтимоий-ҳуқуқий табиати билан давлат назоратидан фарқ қилади.

Ижро ҳокимияти устидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур назорат жамият ҳар бир аъзоси учун кундалик эҳтиёжларни қондиришдек зарур бўлиб, ҳокимият билан муносабатларда коррупция, қонунбузарлик ва адолатсизлик ҳукм сурган кўп сонли ходимларга эга бўлган кенг қамровли аппарат билан курашишга тўғри келади.<sup>44</sup>

Классик сиёсатшунослар фуқаролик соҳаси дастлаб Лондон, Париж ва Европанинг бошқа шаҳарларидаги клублар, салонлар, қаҳвахоналарда вужудга кела бошлаганини қайд этишади. Айнан шундай жойларда сиёсий мавзуларда оммавий баҳс-мунозаралар олиб борилган бўлиб, улар айнан фуқаролик муносабатларининг дастлабки институционал шакллари ҳисобланади. Фуқаролик жамияти институтлари ўз табиатига кўра ўзини ўзи бошқаришга асосланган бўлиб, уларнинг айнан ҳордиқ чиқариш ёки ўйинлар билан боғлиқ жойларда вужудга келганлиги бунга яққол мисол бўла олади.<sup>45</sup> Яъни, бизда маҳалла гузарлари ва чойхоналар бўлса, Европада клублар жамоатчилик назоратини амалга ошириш институти бўлган. Бироқ улар самарадорлиги нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилган. Ю.Хабермас таъкидлаган Европадаги клубларда ўша даврда шаклланган индустриал жамиятнинг мулкдорлари тўпланишган ва уларнинг давлатга нисбатан таъсири кучли бўлган. Марказий Осиёдаги гузарларда эса йирик ишлаб чиқарувчилар эмас, балки аграр жамиятнинг маҳалла аъзолари тўпланишган. Уларнинг давлат ҳокимиятини назорат қилиш ёки унга таъсир кўрсатиш қобилияти, албатта, заиф бўлган.

Айни вақтда, таъкидлаш керакки, жамоатчилик назорати институтининг шаклланиши жараёнида давлатнинг роли уларга кўмаклашиш даражасидан ортмаслиги керак. Жамоатчилик назорати

<sup>43</sup> Гончаров В., Ковалева Л. Об институтах общественного контроля органов исполнительной власти в Российской Федерации // Власть. 2009. № 1. – С. 72.

<sup>44</sup> Гончаров В., Ковалева Л. Ўша жойда.

<sup>45</sup> Денежкин А. "Фактичность и значимость" Ю. Хабермаса: новые исследования демократического правового государства // Хабермас Ю. Демократия. Разум. Нравственность. – М., 1995. – С. 9.

айнан давлат институтига қаратилганлигини унутмаслик керак, ушбу мутаносибликнинг бузилиши мазкур институтнинг шакллантирилишида субъективликка йўл очади.

Давлат фуқаролик институтларининг ихтиёрий тарзда вужудга келиши жараёнига аралашса, уларнинг моддий-техник асослари ва мувофиқлаштириш вазифаларини белгилаб берса, уларни табиий равишда ўз назоратига олади. Бу эса уларнинг ихтиёрий шаклланиши борасидаги асосий негизига путур етказади. Шуни таъкидлаш керакки, жамоатчилик назоратини амалга оширадиган институтларнинг асосий мақсади давлат органлари фаолиятини фақат танқидий нуқтаи назардан назорат қилишдангина иборат эмас. Фуқаролик институтларининг фаолияти уларнинг моҳиятан жипслиги ҳамда халққа норасмий таъсир кўрсатиш қобилияти туфайли давлатга кўмак беришга ҳам қаратилган.

Жамоатчилик назорати илмий адабиётларда кўп учрамай, илмий тадқиқотлар предметига айланган бўлмаса-да, кўп мамлакатларда бу борада қонунлар мавжуд. МДХ мамлакатлари сиёсий ҳаётида бу институт эндигина ҳаётга кириб келмоқда. Россия Федерацияси, Озарбайжонда айрим соҳаларда жамоатчилик назорати муваффақиятли амалга оширилаётганлиги борасида қизиқарли маълумотлар бор. Баъзи мутахассислар фикрига кўра, жамоатчилик назорати маълум бир идора доирасида амалга оширилган тақдирда самарали бўлиши мумкин. Жумладан, бундай институт Россия Мудофаа вазирлиги қошида “Аскарлар оналари кенгаши” тарзида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошида ҳам Жамоатчилик кенгаши ташкил этилган.

Бундан ташқари, Озарбайжон Адлия вазирлиги қошида ҳибсхоналардаги қонунбузарликларга қарши кураш бўйича худди шундай фуқаролик институти самарали фаолият олиб бормоқда<sup>46</sup>. Бундай амалиёт жамоатчилик назоратининг самарали эканини намоён этиши билан бирга, мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётида унинг зарурлигини англатади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади, ўз ўрнида, оммавий ахборот воситаларининг ўзи ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг энг мақбул институти сифатида намоён бўлади.

<sup>46</sup>Д.Милославская. Настоящее и будущее законодательного регулирования общественного контроля в России. / “Давлатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитларида жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик институтлари иштирокининг самарали механизмлари: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси” номли халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2012 йил 14-15 сентябрь.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жамоатчилик фикрини таҳлил этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг янада очиклигини таъминлаш асосида бошқарув қарорлари қабул қилинишини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш давлат ва жамият масъулиятидаги муҳим масалалардан. Яқин истиқболда жамият тараққий этиши учун жамоатчилик назоратининг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бораверади.

### ТЕСТ

1. “Якуний жамоатчилик назоратини кишиларнинг ўзларига ташлаб қўйишнинг ўзи кишиларга эркин ҳаёт кечиришлари учун кафолат бўла олмайди. Ўзларини эркин, демократик жамиятда ҳис этаётган, аммо кучли етакчи ёки қиролга эга бўлган жамиятлар барча фуқаролар учун умумий бўлган баъзи эркинликларни кафолатлашдек умумий хусусиятга эга”, юқоридаги фикрлар кимга тегишли?

- А. И.Каримов.
- Б. \* Америкалик антрополог Рут Бенедикт.
- С. Америкалик социолог Чарльз Кулей.
- Д. Ж.Ж.Руссо.

2. Ж.Ж.Руссонинг фикрига кўра, давлат ва жамият ўртасидаги назорат фақатгина \_\_\_\_\_ асосида амалга оширилиши мумкин.

- А. \* ўзаро келишув.
- Б. Демократия.
- С. Ижтимоий онг.
- Д. Сиёсий маданият.

3. Жамоатчилик назоратининг умумий жиҳатларини кўрсатинг.

- А. Ҳуқуқий кўринишда ёки мажбурий хусусиятга эга эмас.
- Б. Ҳокимият томонидан жорий этилмайди.
- С. Жамият ва фуқаролар номидан амалга оширилади.
- Д. \* Барча жавоблар тўғри.

4. \_\_\_\_\_ ўзаро рақобатлашувчи сиёсий партиялар ўртасида амалга оширилади.

- А. Фуқаролик назорати.
- Б. \* Сиёсий назорат.
- С. Парламент назорати.
- Д. Жамоатчилик кенгаши назорати.

5. Ғарб мамлакатларида жамоатчилик назоратининг кенг тарқалган шаклларида бирини кўрсатинг.

- А. \* Петициялар билан мурожаат қилиш.

- Б. Тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш.
- С. Парламент сўрови юбориш.
- Д. Сиёсий партияларга мурожаат қилиш.

**6. Ж.Ж.Руссо “иҷтимоий келишув” ғоясида кимлар ўртасидаги муносабатни назарда тутати?**

- А. \* Давлат ва жамият ўртасидаги.
- Б. Юқори қатлам ўртасидаги.
- С. Халқ ўртасидаги.
- Д. Давлатлар ўртасидаги.

**7. Фуқароларда қандай ҳолатда жамоатчилик назоратига эҳтиёж юзага келади?**

- А. Жамиятда демократия мавжуд бўлмаган пайтда.
- Б. Давлат бошқарувида ҳокимият бўлиниши мавжуд бўлмаган пайтда.
- С. \* Жамият аъзоларида ижтимоийлашув кучайиши билан.
- Д. Жамиятда ривожланишга бўлган эҳтиёж кучайган пайтда.

**8. Президент маърузасида “жамоатчилик назорати” қандай тасвирланди?**

- А. Давлат бошқаруви органлари устидан назорат.
- Б. Ижро ҳокимияти тизими устидан назорат.
- С. Нодавлат сектори назорати.
- Д. \* Давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан назорат, жамиятнинг ўзини-ўзи бошқариш усули, тараққиёт омили.

**9. Президент маърузаси асосида жамоатчилик назоратининг бирламчи объектларини айтинг.**

- А. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари.
- Б. Молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари.
- С. Коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳалари.
- Д. \* Барчаси тўғри.

**10. Президент маърузасида жамоатчилик назорати объектлари сифатида яна қайси соҳалар кўрсатилган?**

- А. Бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар.
- Б. Хизмат кўрсатиш сифати.
- С. Ишлаб чиқариш объектлари.
- Д. \* А ва Б.

## ГЛОССАРИЙ

**Аҳолининг ижтимоий фаоллиги** – ижтимоий онгнинг кишилиқ жамияти сиёсий фаолиятига тегишли бўлган табиий эҳтиёжини белгилловчи ҳолат.

**Волонтерлар** - Ўзбекистон қонун ҳужжатларида «кўнгиллилар» атамаси билан қабул қилинган волонтерлар (ўз ишимизда биз иккала атамани ҳам қўллаймиз), бегараз иш кўринишида хайрия ишларини бажарувчи юридик ёки жисмоний шахсларга, хайрия ташкилотларига бегараз хизмат кўрсатувчи жисмоний шахслар.

**Давлат** - жамиятни ташкил этишнинг бутун жамиятга татбиқ этиладиган, унинг расмий вакили бўлган ва зарур ҳолларда мажбурлаш воситалари ва чораларига таянадиган муайян усули, сиёсий тизимнинг асосий элементи, оммавий сиёсий тизим ташкилоти.

**Демократия** (юн. – халқ ҳокимияти) – ҳозирги тушунишда давлат тузилишининг конституция ва қонунларнинг устунлиги, халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий плюрализм, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқларининг ажралмаслиги принципларини эътироф этишга асосланган шакли.

**Жамоатчилик назорати** – жамият аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини умумий ижтимоий иродага жипслаштирган ҳолда жамият ёки унинг алоҳида институтларига таъсир кўрсатиш шакли.

**Жамоат бирлашмалари** – ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари ва ихтиёрийлик асосида вужудга келган нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилий ҳуқуқий шаклларида бири.

**Жамоат фонди** – фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқий шаклларида бири.

**Ислоҳот** (фр. – reforme, лот. – reformare, ингл. – Reform, рус. – реформа) – 1) тузатиш, ўзгартириш, қайта қуриш; 2) бирор соҳада турли равишда ўтказиладиган ўзгартириш, ислоҳот ўтказиш.

**Касаба уюшмаси** – ихтиёрийлик асосида тузилган нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

**Муассаса** - ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади.

**Нодавлат нотижорат ташкилоти** - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.

**Фуқаро** – шахснинг ҳуқуқий асослар орқали маълум давлатга мансублиги. Шахс фуқаро ҳисобланса, маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади ҳамда бурчларни бажаришга мажбур бўлади. Фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати тегишли мамлакатда фуқаросиз шахслар ёки хорижий мамлакатлар фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилади. Масалан: сиёсий ҳуқуқлар фақат фуқароларга тааллуқли бўлади.

**Фуқаролик жамияти** – муайян ижтимоий тизим, унда шахсга иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинлик кафолатланади. Фуқаролик жамиятида умуминсоний ҳуқуқлар таъминланади ва сиёсий турли фикрлилик ўрнатилади. Фуқаролик жамиятида давлат фаолияти юзасидан фуқароларнинг тўла назорати ўрнатилади, давлатнинг кўпгина вазифалари маҳаллий жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига, нодавлат ташкилотларига ўтади.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** – шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида кирмайди, қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ОЧИҚ СИЁСАТ

### Оммавий ахборот воситалари – ахборот тарқатишнинг асосий воситалари

Жаҳон илмий-техник тараққиётининг ҳозирги босқичи ахборот технологияларининг шиддатли ривож ва ҳаётга кенг жорий қилиниши билан характерланади. Ҳаётимизнинг барча соҳаларига сингиб бораётган ахборот технологиялари мамлакатимизнинг жадал ривожланиш имкониятларини кенгайтормоқда. Натижада, шундай яхлит ахборот макони шаклланимоқдаки, бу маконда ахборот миллий бойликнинг қимматбаҳо қисмига, унинг стратегик ресурсига айланмоқда. Мулоқотимизга янги тушунчалар жадал кириб келаётганлиги ҳам бунинг исботидир. “Медиамакон”, “ахборот истеъмолчилари”, “ахборот сиёсати”, “блогер” каби тушунчалар шулар жумласидан. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Конституция ва қонун устуворлиги – хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” номли маърузасида шундай деди: “Бугунги кунда аъъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда”.

Оммавий ахборот воситалари ҳақли равишда замонавий жамиятда ахборот тарқатишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Илмий манбаларда “Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай шахсларга очик, оммавий тарзда, махсус техник воситалар ёрдамида турли маълумотларни узатиш учун тузилган муассасалардир”<sup>47</sup>, дея таърифланган. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига кўра, “Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир”<sup>48</sup>.

Оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

<sup>47</sup> В.П.Пугачев, А.И.Соловьев. Сиёсатшуносликка кириш. — Т.: “Янги аср авлоди”, 2004, 351-бет.

<sup>48</sup> <https://lex.uz/docs/1106870>

- даврийлик ва тақрорланувчанлик, яъни ахборот тарқатишнинг мунтазамлилиги;
- оммавийлик, яъни ахборот истеъмолчиларининг деярли чекланмаган, кенг доираси;
- ахборот узатиш учун махсус техник воситалар, қурилмаларнинг мавжудлиги;
- ахборотни тайёрловчи ва узатувчи мутахассисларнинг мавжудлиги (журналистлар, таҳрирчилар, ноширлар ва ҳоказо);
- коммуникацион шерикларнинг замон ва макондаги ўзаро таъсири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида эътироф этганидек, “Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади”. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун қулай муҳит яратиш мақсадида қатор ишлар қилинди. Биргина 2019 йилнинг ўзида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4151-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5653-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли Қарори қабул қилинди. Бошқача айтганда, республикаимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

### **Сўз эркинлигини таъминлаш – демократик тараққиёт шарти**

Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳамда уни ифодалаш инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Ахборот ва сўз эркинлигининг кафолати сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборот ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам

этан бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди. Шўролар даврида оммавий ахборот воситалари якка мафкурани сингдириш қуроли бўлиб хизмат қилган. Оммавий ахборот воситалари яккаю-ягона партия, яккаю-ягона мафкура ва якка фикрлаш сиёсатининг тарғиботчиси хизматини ўтар эди. Зеро, «қизил империя» ҳар қандай плюрализмини, фикрлар хилма-хиллигини, айниқса, ғоялар хилма-хиллигини мутлақо инкор қилар эди. Барча журналистлар “мутасадди раҳбарлар”нинг оғзини пойлаб, буйруғини кутиб, уларнинг кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритар эди.

Таъкидлаш жоизки, сўз эркинлигини бўғаётган давлат ўз илдизига болта ураётган, хавф-хатардан огоҳ этадиган жарчининг овозини бўғаётган, ўзини фикрсизлик, турғунлик ўпқонига – таназзулга судраётган бўлади. Демократик тузум эса халқнинг фикрига таянади, халқдан ҳимоя топади. Демократик давлатларда оммавий ахборот воситаларига қўпол бўлса ҳам “жамият манфаатларини қўриқловчи кўппак”, деб нисбат беради. Етакчи демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “қулоқлари” вазифасини бажаради. Огоҳлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган. Бу тузумда оммавий ахборот воситалари, бир томондан, мунозаралар юритиладиган минбар бўлса, иккинчи томондан, фуқаролар учун ҳолис ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлган тақдирдагина ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўғрисидаги ҳақиқат ифода этилиши мумкин. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари эркинлигини кафолатлаш ва шу орқали муаммоларни кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш, одамларнинг эркин фикр билдиришлари учун кенг йўл очиб бериш жамиятни эркинлаштиришнинг асосий тамойилларидан биридир. Оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилмас экан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари каби таъсирчан кучга айланмас экан, демократик ислохотларнинг кечиши қийинлашади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини

амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз”. Шу фикрлар баёнидан 12 кун ўтгач, яъни 2019 йил 19 декабрь куни оммавий ахборот ва коммуникациялар соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий ахборот ва коммуникациялар соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1017-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ҳамда ноширлик фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентлари тасдиқланди. Бундан буён оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ҳамда ноширлик фаолиятини лицензиялаш фақат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

### **Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни ва роли**

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғини ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Яхлит огоҳлантирувчи тизим сифатида оммавий ахборот воситаларини жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айлантириш талаб этилади.

Мутахассисларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллиги уч омилга боғлиқ. Булар: биринчидан, махсус қонунлар ва қоидаларнинг мавжудлиги; иккинчидан, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитининг амал қилиши; учинчидан, журналистларнинг касб маҳорати ва ўз сўзи учун масъулият даражаси.

Демак, аввало, оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлиши керак. Бу – улар давлатдан мутлақо мустақил бўлиб, алоҳида шахслар қўлига ўтиб кетиши керак, дегани эмас. Гап мустақилликнинг энг юксак даражаси – ички мустақиллик ҳақида бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бундай мустақиллиги журналистлар ижодининг эркинлиги, мавзу танлаш ва фикр беришдаги мустақилликда намоён бўлади. Бунда журналистнинг маъмурий иммунитетга эга бўлиши назарда тутилади.

Яъни, журналист материал тайёрлашда ўз раҳбариятидан мустақил бўлиши ҳамда ўз ижоди намуналари учун фақатгина унинг ўзи масъулиятли ва жавобгар бўлиши талаб этилади. Шундагина журналистнинг ижодий фаолиятини фақатгина оммавий ахборот воситалари фаолиятига дахлдор қонунларгина чеклайди, холос. Иш жойида журналистларни фақатгина ижодий жараёнга алоқаси бўлмаган хатолари учунгина жазолаш мумкин бўлади. Ижодидаги хатолари – кимнингдир кадр-қимматини, шаънини поймол қилгани учун, бузғунчи ғояларни тарғиб қилгани учун ёки воқеа-ҳодисаларни бузиб талқин қилгани учун эса у фақат суд олдида жавоб беради. Шундагина журналистнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқиши учун шароит яратилади, у профессионал мустақилликка эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши ҳам демократиянинг тараққиётига хизмат қилади. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурлар яратиш, чиқишларда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади.

Тан олиш керак, Интернет ахборотни тарқатишнинг янги канали сифатида таъсирчан воситага айланмоқда. Интернетнинг жамоатчилик фикрига таъсири унинг ўзига хос аудиторияга эга эканлиги билан боғлиқ. Бу воситанинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Интернет ахборотни оммага тез, осон ва арзон етказиш имконини беради;

иккинчидан, тармоқда чоп этилган ахборотни дунёнинг исталган нуқтасида кўриш имконияти мавжуд, яъни Интернет ҳар қандай ҳудудга ахборотнинг тезкор етиб боришини таъминлайди;

учинчидан, ахборотнинг тарқалиш кўламини баҳолаш имконияти бўлади, чунки ахборотни нечта киши кўргани, нечтаси қизиқиб, танишгани аниқ маълум бўлади;

тўртинчидан, тармоқдаги ахборот интерфаолликни назарда тутаяди, яъни қайтма алоқа таъминланади.

Шу маънода, бугун фуқаролик журналистикасининг ҳар бир вакили, ҳар бир блогер тан олина бошланди. Бугун жамоатчилигимиз анча фаоллашди, турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мамлакатда сўз эркинлиги ва очиқлик сиёсати йўлга қўйилганини эришилган ютуқларимиздан бири сифатида эътироф этди:

«Катта раҳмат, оммавий ахборот воситалари ва блогерларга. Кўп-кўп нарсалар Ўзбекистонда очиқ айтиляпти, ҳамма буни кўриб турибди. Лекин битта нарсани билинглар, бу очиқлик ҳеч қачон орқага қайтмайди! Қанча кўп очиқлик бўлса, оммавий ахборот воситалари одамларимизга ҳақиқий муаммоларни қанча кўп етказса, мен раҳбар сифатида улардан миннатдор бўламан».

Кўриниб турибдики, ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари аҳоли билан ҳокимият ўртасидаги муносабатларда самарали воситачига айланмоқда. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти “ғоялар бозори”да хали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Лекин ўринли бир савол туғилади: бу “бозор” ҳар қандай ғоялар учун ҳам очиқ бўлиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуқтаи назарлар, ғайриинсоний табиатга эга фикрлар ва кўпуровчиликка чақирувчи ғояларга бу “бозор”да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз раўнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровонроқ қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу “бозор”да бемалол рақобат қила олади.

Сўз эркинлиги, аввало, катта масъулият. Унинг бошқа кишилар ҳуқуқларига дахл қилиш ёки демократик қадрият эканлигини ажратиб кўрсатадиган чегара қардаллигини, жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимиз керак. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим”.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Цензура нима?

- А. Оммавий ахборот воситаларининг иш услуби.
- Б. \* Сўз эркинлигини чекловчи чоралар.
- С. Эътиқод эркинлигига путур етказувчи ҳаракатлар.
- Д. Амалдаги ҳокимиятга қарама-қарши куч.

### 2. Жамият ҳаётида “тўртинчи ҳокимият” номини олган ижтимоий институтни кўрсатинг.

- А. Нодавлат нотижорат ташкилотлари.
  - Б. \* Оммавий ахборот воситалари.
  - С. Хусусий тадбиркорлик тузилмалари.
  - Д. Ижро этувчи ҳокимият тармоқлари.
- ### 3. Популизм деганда нима тушунилади?

- А. \* Омманинг ҳиссиётларида ўйнаш.
- Б. Сиёсатда иштирок этишдан бош тортиш.
- С. Давлатнинг зўравонликдан фойдаланиши.
- Д. Таниқли етакчиларнинг чиқишлари.

**4. Инфократиянинг моҳияти:**

- А. Бойликка эгалик асосидаги ҳокимият.
- Б. Билимга эгалик асосидаги ҳокимият.
- С. \* Ахборотга эгалик асосидаги ҳокимият.
- Д. Диний эътиқодга асосланган ҳокимият.

**5. Информацион ҳуружнинг моҳияти нимада?**

А. Ахборот тарқатишда инсонларнинг руҳиятига зимдан таъсир кўрсатишга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш.

Б. \* Ахборот майдонида айрим сиёсий кучларнинг бошқа куч манфаатларига путур етказиш мақсадида уйдирма ахборот тарқатиши.

С. Муайян воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни яшириш, уларни сир тутиш ва оммага етказмасликка ҳаракат қилиш.

Д. Мамлакатда ахборот олиш кафолатларининг қонуний асослари ишлаб чиқиши ва уларнинг амалиётга жорий этилиши.

**6. “Сўз эркинлиги” деганда нима тушунилади?**

- А. \* Шахснинг ўз фикрини билдириш, айтиш эркинлиги.
- Б. Сўз эркинлигини чекловчи чораларнинг қўлланилиши.
- С. Ахборотни оммага тез, осон ва арзон етказиш имконияти.
- Д. Муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш имконияти.

**7. “Жамоатчилик фикри” атамасига берилган таърифлардан қайси бири тўғри?**

А. Муайян ижтимоий муҳитда юзага келадиган, бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос мулоқотида учрайдиган сўзлар, ибора ва атамаларни ифодалайдиган тушунча.

Б. Одамларнинг ўзаро яқинлиги ва ҳамкорлиги асосида шаклланган, дунё халқларида, жумладан, ўзбек халқида азалдан ижтимоий бирликни англатувчи тушунча.

С. \* Аҳоли кўпчилик қатламининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга муносабатини ифодаловчи фикрлари, ғоя, қараш ва тасаввурлари мажмуи.

Д. Одамларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамга асосланган ҳаёт кечириш ва турмуш тарзи бўлиб, индивидуализм, шахсий худбинлик, эгоцентризмнинг зидди ҳисобланади.

**8. “Плюрализм” деганда нима тушунилади?**

- А. Қарама-қаршилик.
- Б. Юксак тараққиёт.

В. Тадрижийлик.

Г. \* Хилма-хиллик.

**9. “Ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга” эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида мустаҳкамланган?**

А. \* 29-моддасида.

Б. 38-моддасида.

В. 13-моддасида.

Г. 67-моддасида.

**10. “Танқид” тушунчасига берилган таърифлардан қайси бири тўғри?**

А. Авлодлараро ижтимоий-тарихий ва ҳаётий тажрибани узатишга хизмат қиладиган, оила, таълим муассасалари, ижтимоий, сиёсий ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг таъсири остида жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни шакллантириш жараёни.

Б. Тамаддун ва умумижтимоий тараққиётнинг зидди, табиий ижтимоий ўзгаришларнинг беқарорлашуви, инсон ва жамиятнинг заифлашиб, муаммолар ичида қолганини англашувчи тушунча.

С. Инсон томонидан ижтимоий тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки алоқа ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни.

Д.\* Бирор нарсага баҳо бериш мақсадида уни таҳлил қилиш, муҳокама этиш, у ҳақида салбий фикр билдириш, камчиликларни атрофлича асослаш ва ҳал этиш мақсадида билдириладиган фикр-мулоҳазалар мажмуи.

## ГЛОССАРИЙ

**Ахборот** (арабча. ахбор – хабарлар, маълумотлар) – Муайян воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги хабар ёки маълумот, уларни тушунтириш, тушуниш ва идрок этишда қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетика ва информатиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги, кенг маъно касб этаётган тушунча.

**Оммавий ахборот воситалари** – ахборотни тарқатиш воситалари бўлиб, оммавий аудиторияга йўналганлиги, ҳаммабоплиги билан ажралиб туради ҳамда матбуот, радио, телевидение, Интернетни ўз ичига олади.

**Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги** – ҳар бир шахснинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга ҳақли эканини ифода этади. Мустақиллик даврида юртимизда ахборот олиш кафолатларининг қонуний асослари ишлаб чиқилди ва улар амалиётга жорий этилди.

**Глобаллашув** (лотинча. globus – шар, Ер сайёраси) – XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунча.

**Сўз эркинлиги** – шахснинг ўз фикрини билдириш, айтиш эркинлиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сўз эркинлиги мустаҳкам кафолатланган. Сўз эркинлиги ахборот маконининг очиқлиги йўлидан бориб, айнан мана шу йўл демократиянинг ривожланиши, давлат иқтисодий салоҳиятининг мустаҳкамланиши, мавжуд ижтимоий иллатларнинг бартараф этилишига олиб боради.

## **СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бевосита мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишга, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришни кўзда тутди. Бу тадбирлардан пировард мақсад – юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдан иборат. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида ҳам туб ўзгаришлар ва янгиланишлар қўлга киритилди. Буларни бир неча босқичларга бўлишимиз мумкин. Биринчи босқич 1991-2000 йилларни қамраб олса, иккинчи босқич 2001-2010 йилларни, учинчи босқич 2011-2016 йилларни ўз ичига олди. Тўртинчи босқич, 2017 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига 7 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган дастлабки ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда судлар мустақиллигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида судларни ихтисослаштиришга қаратилди.

Бунинг замирида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш орқали самарали ва ҳаққоний одил судловга эришиш мақсади мужассам. Зеро, суд ҳокимияти мустақил бўлмас экан, судлар томонидан адолатли қарорлар қабул қилинмайди. Бунинг оқибатида мамлакатда ҳуқуқ устуворлиги ва адолатни таъминлаб бўлмайди.

2017 йил 6 апрелдаги қонун билан Конституциянинг 111-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга қўмаклашадиган янги тузилма – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Судьялар олий кенгашига доир норманинг Конституциядан жой олгани эса унинг конституциявий мақомга эга эканидан дарак беради. Бугунги кунда бунга ўхшаш ҳамжамиятларнинг мақоми Франция, Италия, Болгария, Польша, Украина, Қозоғистон, Арманистон каби давлатларнинг конституцияларида, Нидерландия, Дания, Швеция, Ирландия, Литва, Буюк Британия, Венгрия каби давлатларнинг қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Қонунчиликка кўра, судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш Судьялар олий кенгашининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ушбу тажриба 1985 йил 29 ноябрдаги БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланган Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойилларига тўлиқ мувофиқ келади.

Суд ҳокимиятининг икки олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг такрорланишига, ягона суд амалиёти таъминланмаслигига олиб келаётган эди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди, қуйи ҳўжалик судлар иқтисодий судларга айланттирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судига эса фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи мақоми берилди.

Маъмурий органлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатилиши муносабати билан улар ўртасида вужудга келадиган оммавий-хуқуқий низоларни ҳал қилишга қаратилган янги ихтисослашган судлар – маъмурий судлар тузилди.

Ривожланган хорижий мамлакатлардан АҚШ, Англия, Франция, Япония каби давлатларда ҳам бутун мамлакат миқёсида ягона судлов органининг мавжудлиги хуқуқни қўллаш амалиётининг самарали тарзда кечишини кўрсатмоқда.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши ҳар бир шахснинг ўз хуқуқ ва эркинликларини давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш орқали ҳимояланиш имкониятини кучайтирса, иқтисодий судларнинг туманлараро, туман ҳамда шаҳар миқёсида ташкил этилиши ушбу маъмурий-худудий бирликлардаги тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш имкониятларининг жойларда турган ҳолда ошишига олиб келади.

Хорижий мамлакатлардан Австрия, Германия, Финляндия, Швецияда ҳам давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига дахлдор бўлган хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига эга ихтисослашган маъмурий судларнинг фаолият юритаётганини кузатиш мумкин.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги судьялар мустақиллигига бевосита боғлиқ. "Судлар тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартишларга кўра, судьялар биринчи марта беш йиллик муддатга, навбатдаги ўн йиллик

муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига белгиланган тартибда тайинланади ёки сайланади. Судьяларнинг бундай ваколат муддатига тайинланиши ёки сайланиши судьялар мустақиллигининг янада кучайишига хизмат қилади.

2017 йил 31 майдаги қонун билан давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 108 ва 109-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан конституциявий назоратни олиб боради. Шу билан бир қаторда, мазкур суд органи қўшимча ваколатларга ҳам эга бўлди.

Юқорида қайд этилган ислохотларни изчил давом эттиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу сабабли, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 7 декабрда Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ушбу йўналишдаги муҳим ташаббусни илгари сурди. Унга кўра, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида қуйидагиларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

**Биринчидан**, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш, айниқса, долзарбдир. Чунки ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига қарши курашишдан кўра унинг олдини олиш жамият учун кўпроқ фойдалидир. Афсуски, ушбу талаблар бизда ҳали тўлиқ бажарилмоқда, деб айтиб бўлмайди.

**Иккинчидан**, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегия ишлаб чиқилиши лозимлиги қайд этилди. Ушбу миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий таъминларни рўёбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” номли махсус ўқув курсларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Учинчидан**, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантириш бўйича қуйидагиларни таъминлаш жоиз.

Ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланган эди. Бироқ аҳоли билан мулоқотлар ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган бошқа ҳолатлар бўйича ҳам шундай чораларни қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур. Бу эса ушбу турдаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг қонунийлигини янада мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс (Жиноят процессуал кодексида белгиланган асосларига кўра) махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши кераклиги қайд этилди. Ушбу тартибни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйиш таклиф этилди. Бу шахснинг ҳуқуқларини ўз вақтида ишончли ҳимоя қилиш, унинг оила аъзоларининг манфаатлари ҳимоясини кучайтиради.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарурлиги қайд этилди. Бу жараёнда инсон омили иштирокини, иложи борича, камайтиришга эътибор қаратиш таъкидланди.

Қайд этилишича, 2020 йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда. 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасида “Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби” белгиланган. Унга кўра, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин, деб белгиланган. Ушбу қоида фуқаролар томонидан прокурорнинг қонунга зид ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган эди.

Тўртинчидан, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўналишида ишларни янада чуқурлаштириш. Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этдики, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган

идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли, суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 236-моддасида тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик мавжуд. Унга кўра, тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд. Аммо қонунчиликда судьянинг фаолиятига таъсир этишнинг шакллари кенгроқ очиб берилса, мақсадга бўлар эди.

**Бешинчидан**, адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5441-сонли Фармони мазкур соҳада улкан қадам бўлди.

Унга кўра қуйидагилар алоҳида белгилаб қўйилди:

адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақланиб қолиниши шарт;

адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобиль ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарасида фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак;

адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлар ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шарт, давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно;

адвокатлик бюроларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган турар жойларида амалга оширишлари мумкин, бунда ушбу турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотурар жой тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маърузада қайд этилишича, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганлиги ўринли танқид қилинди. Дунё давлатларидаги фуқароларнинг адвокатлар билан таъминланган даражасининг ўртачасидан ҳам анча қуйида экан. Шу сабабли, Президентимиз яқин истиқболда Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт эканлиги таъкидланди.

**Олтинчидан**, Ўзбекистон Республикаси мамлакат ичкарасида ёки ташқарисида бўлишдан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳомийлик кўрсатишни бундан буён ҳам кафолатлайди ва барча чораларни кўради.

Бунга мисол сифатида хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ҳуқуқий ёрдамни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Шу мақсадда кўплаб хорижий мамлакатларда кўшимча равишда Ўзбекистон Республикасининг консуллик ваколатхоналари ташкил этилмоқда.

**Еттинчидан**, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва унинг доим давлат ҳимоясида бўлишига қаратилган чоралар. Ушбу масалага ҳам қисқача тўхталиш ўринли. Чунки мулк ҳуқуқи шахснинг фундаментал ҳуқуқларидан бири бўлиб, бу бозор иқтисодиётининг бирламчи шартларидан биридир.

Фуқароларнинг мулк ҳуқуқи дахлсизлигини кучайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар тақлиф этилди. Унга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳокимларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилади. Бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан биридир. Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга

нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишдан қатъи назар, жавобгарлик кучайтирилди.

Шунингдек, компенсация миқдори тўғрисида тарафларда келишмовчилик вужудга келса, энди бундай ҳолатлар фақат суд йўли билан ҳал этилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган устувор вазифалар мамлакатимизда манфаатлар мувозанатини таъминлаш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, шахс ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлашга асос бўлади. Бу эса пировардида, давлат ва жамият ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишга, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришга ҳамда инсон омилининг эъозланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### ТЕСТ САВОЛЛАРИ

#### 1. Суд ҳокимияти кимга бўйсунди?

- А. \*Суд ҳокимияти мустақил бўлиб фақат қонунга бўйсунди.
- Б. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига.
- С. Олий Мажлис палаталарига.
- Д. Адлия вазирлигига.

#### 2. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйган ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга ким ёки қайси орган ҳақли?

- А. \*Суд.
- Б. Прокурор.
- С. Бош вазир.
- Д. Спикер.

#### 3. Ўзбекистон Республикасида одил судлов қайси орган томонидан амалга оширилади?

- А. Суд, прокурор ва адвокатлар томонидан.
- Б. Прокурор томонидан.
- С. Прокурор ва адвокатлар томонидан.
- Д. \*Фақат суд томонидан.

#### 5. Айбсизлик презумпцияси нимани англатади?

А. \* Айбланувчининг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланиб, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча, айбсиз ҳисобланади.

Б. Айбланувчи унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва прокурор қарори асосида айби аниқланмагунча қадар, айбсиз ҳисобланади.

С. Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши мумкин эмас.

Д. Шахснинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

**6. Судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш қайси орган томонидан таъминланади?**

А. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти.

Б. \*Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти.

С. Мажбурий ижро бюроси.

Д. Бош прокуратура ҳузуридаги департамент.

**7. Қуйидаги қайси орган судларнинг судлов фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга?**

А. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.

Б. \* Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

С. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.

Д. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси.

**8. 2019 йил ҳолатига кўра, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига қанча адвокат юридик ёрдам кўрсатди?**

А. 44 мингта.

Б. 104 мингта.

С. \* 4 мингта.

Д. 12 мингта.

**9. 2017-2109 йилларда фуқаролиги бўлмаган қанча шахсларга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги берилган?**

А. 19 минг 165 нафарга.

Б. 152 нафарга.

С. \* 9 минг 692 нафарга.

Д. 2 минг 785 нафарга.

**10. Адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан қанча муддатда жавоб берилиши шарт?**

А. \* Кўпи билан ўн беш кун муддатда.

Б. Кўпи билан йигирма беш кун муддатда.

С. Утти кун муддатда.

Д. Ўттиз кун муддатда.

## ГЛОССАРИЙ

**Суд** – давлат ҳокимиятининг бўғинларидан бири бўлиб, зиммасига одил судловни таъминлаш ҳамда суд ҳокимиятини амалга ошириш юклатилган ваколатли давлат органи.

**Суд ҳокимияти** – қонунчиликка мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколатли бўлган давлат ҳокимиятининг мустақил бўғини.

**Судьялар олий кенгаши** – судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади.

**Адвокатура** – ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чел эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

**Прокуратура** – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган назорат фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари тизими.

**Фуқаролик** – у шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бундай алоқа инсон ва фуқароларнинг қадр-қиммати, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ҳамда ҳурматлашга асосланади, шунингдек, уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларида ўз ифодасини топади.

**Юридик ёрдам** – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ташкилотлар фаолиятида қонунийликни таъминлашга ёрдам бериш фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши лозим. Мазкур конституциявий қоида замирида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ташкилотлар фаолиятининг қонунийлигини таъминлашга улар омилкорлик билан, малакали амалга оширилган тақдирдагина эришиш мумкин, деган принцип ётади.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада таъкидлаганидек, "...шу йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

**"Янги Ўзбекистон – янги сайловлар"** шиори остида ўтаётган бу кампания мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ғоят муҳим воқеадир.

Конституциямизга мувофиқ, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сайловда ўзига маъқул бўлган номзод ёки бирон-бир партия илгари сураётган дастур учун овоз бериш, уларни қўллаб-қувватлаш вакиллик демократиясининг яққол кўринишидир.

Ўтган қисқа даврда сайловга оид 21 та қонун тизимлаштирилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур кодексдаги энг катта янгилик сиёсий майдоннинг тўлиқ сиёсий партияларга берилиши билан боғлиқ, десак, адашмаган бўламиз. Унга мувофиқ, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда илгаридек 135 та эмас, балки тўлиқ – 150 та сайлов округидан ўз номзодларини кўрсатади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун белгиланган квотанинг бекор қилингани ҳам сиёсий майдонда соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилади.

Сайлов кодексига мувофиқ сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Энди вакил сайлов комиссияси мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари қандай тўлдирилганини текширишда қатнашади. Шунингдек, у сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга.

Буларнинг барчаси сайлов жараёнида очиқлик ва ошкораликни, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Бу йилги сайловларда фуқароларимиз эркин овоз беришлари учун жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 253 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид ҳуқуқлари янада кенгайтирилди ва амалда бўлган кўплаб чекловлар бекор қилинди.

Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бу йил янги бир қадам қўйдик. Энди оғир ва ўта оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу асосда бўлажак сайловларда озодликдан маҳрум этилган 1 минг 905 нафар шахс ҳам иштирок этиши учун қонуний имконият яратилди.

Ҳеч шубҳасиз, янги Сайлов кодекси ва ундаги 30 дан ортиқ янги демократик қоидалар сайлов қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бу йил мамлакатимизда 5 та сиёсий партия сайловда иштирок этмоқда. Халқимиз ҳаётий муаммолар ва уларнинг ечимини яхши биладиган, ислохотлар самарасига хизмат қиладиган қонун ва қарорлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатадиган, катта билим ва малакага эга инсонлар депутат бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун кўппартиявийлик асосида сайланадиган янги парламентимиз, биринчи навбатда, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган депутатлардан иборат бўлиши позим.

Сайлов жараёнида ўнлаб халқаро ташкилотлар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси кузатувчилари ҳамда 40 дан ортиқ хорижий давлатдан 600 дан зиёд кузатувчи қатнашиши кутилмоқда.

Ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги ислохотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгиланаётган Ўзбекистонга баҳо беради.

Ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз ўзининг конституциявий ва фуқаролик бурчини, Ватанимиз тақдири ва келажаги олдидаги масъулиятини англаб, юртимиз равнақи, халқимиз тинчлиги ва фаровон ҳаёти учун, фарзандларимизнинг бахти ва қамоли учун овоз беради”.

***Сайлов кодексини қабул қилиш зарурати:***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлсада, афсуски, ҳанузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини қўйган эди.

***Сайлов кодексидagi янгиликлар:***

Қонунчилик палатасида Экоҳаракат вакиллари учун квота ажратиш институти тугатилди;

Номзодларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатиш тартиби бекор қилинди;

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини юритиш тартиби қонунан тартибга солинади;

Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғишда сайловчилар томонидан бир қанча партияларни ёқлаб имзо қўйиш имконияти берилди;

Сайлов участкаларида участка сайлов комиссиясининг овозларни санаш тўғрисидаги баённомасининг зудлик билан жамоатчилик муҳокамаси учун 48 соатдан кам бўлмаган вақтга илиб қўйиш тартиби ўрнатилди;

Участка сайлов комиссияларининг овоз бериш жараёни тугагандан кейин амалга оширадиган аниқ ҳаракатлари назарда тутилмоқда (овозларни санаш, баённомаларни тузиш, округ сайлов комиссиялари билан ўзаро алоқалари ва ҳ.к.);

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди;

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокама этиладиган ва тавсия этиладиган участка сайлов комиссиялари аъзолари номзодлари бўйича жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг таклифлари олиниши тартиби ўрнатилди;

Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг кўп четга чиқиши ўн фоиздан ошмаслиги тартиби ўрнатилди;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда қузатувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди;

Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан ягона сайлов участкалари тузиш тартиби ўрнатилди;

Сайловларда овоз бериш вақти 08:00 дан 20:00 гача этиб белгиланди;

Сайловчилар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида сайловчиларнинг рўйхати тўғрисидаги ўзи учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади ва бошқалар.

**Сиёсий партиялар нима учун ташкил қилинади ва қандай фаолият олиб боради? Сиёсий партиялар қандай вазифаларни бажаради?**

Сиёсий партиялар фуқароларнинг қарашлари, манфаат ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилади ва ўз фаолиятини

жамиятнинг муайян қисми сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини ирода этишда қатнашиш орқали юритади.

Сиёсий партиялар асосан тўртта вазифани бажаради:

1) назарий, яъни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг назарий аспектларини ишлаб чиқиш. Партия етакчилари томонидан ишлаб чиқилган ғоявий-сиёсий концепциялар партия органлари томонидан қабул қилинади, партия дастурлари, съездлари, конференцияларида қайд қилинади;

2) сиёсий, яъни ҳокимият учун курашнинг тактика ва стратегиясини белгилаш, кейинчалик – давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш; бошқа сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилишнинг тамойиллари ва шакллари ишлаб чиқиш;

3) ташкилий, яъни партия дастурини бажариш, сайлов кампаниялари ўтказиш, парламентда партия фракцияларини шакллантириш, бошқарув элитаси учун кадрлар тайёрлаш, партия ташкилотлари барча бўғинларининг моддий шароитини яхшилаш;

4) ғоявий, яъни аҳоли ўртасида ўзининг дастурий мақсад ва вазифалари, дунёқараши, йўналишлари ва қадриятларини тарғиб қилиш, партиянинг ижтимоий асосларини кенгайтириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш.

#### **Сайловнинг мазмун-моҳияти ва сайловга оид қонунчилик**

**1. Ўзбекистонда сайловлар қонунчилиikka кўра қайси муддатда бўлиб ўтади.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117- моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

**2. Сайловларнинг фуқаролар учун жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб беринг.**

**Жавоб:** Сайловлар фуқароларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиш йўли билан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга ошириш шаклидир. Демократиянинг энг муҳим талабларидан бири – фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.

**3. Ўзбекистонда сайлов жараёнларини ўтказишда амалда бўлган сайлов тизимига тўхталиб ўтсангиз.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнлари мажоритар сайлов тизими асосида ташкил этилади. Яъни, сайловчилар номзодларга овоз берадилар ҳамда овоз бериш натижасига кўра, энг кўп овоз тўплаган номзод сайланган ҳисобланади.

**4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Сайлов кодексини қабул қилиш зарурати юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларига тўхталиб ўтсангиз.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлсада, афсуски, ҳанузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш** вазифасини қўйган.

**5. Сайлов ҳуқуқи принциплари нима ва уларнинг аҳамияти ҳақида гапириб беринг.**

**Жавоб:** Ўзбекистонда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқи деганда нимани тушунасиш?**

A. Фуқароларнинг сиёсий партиялар орқали ўз номзодини қўйиш ҳуқуқи.

B. Фуқароларнинг сайлов комиссиялари аъзоларига овоз бериш ҳуқуқи.

C.\* Фуқароларнинг номзодларга овоз бериш ҳуқуқи.

D. Фуқароларнинг сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги иштирок этишини қўллаб - қувватловчи овоз бериш ҳуқуқи.

**2. Фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқи деганда нимани тушунасиш?**

A. Фуқароларнинг сиёсий партиялар орқали ўз номзодини депутатликка кўрсатиш ҳуқуқи.

B. Фуқаролар сайлов комиссиялари аъзолигига ўз номзодини қўйиш ҳуқуқи.

C. Фуқароларнинг номзодларга овоз бериш ҳуқуқи.

D. Фуқароларнинг сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги иштирок этишини қўллаб - қувватловчи овоз бериш ҳуқуқи.

**3. Сайлов деганда нимани тушунаси?**

A. Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг амалга ошириши.

B. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиши.

C. Фуқароларнинг овоз бериш орқали ўз хоҳиш-иродасини билдириши.

D. \* Барча жавоблар тўғри.

**4. Ўзбекистонда сайлов тизимининг қайси тури қўлланилади?**

A. Аралаш.

B. Пропорционал.

C.\* Мажоритар.

D. Мажоритар, аралаш.

**5. Ўзбекистонда фуқароларнинг сайловларда қатнашмаганлиги учун жавобгарлик белгиланганми?**

A. \* Сайловларда иштирок этиш ихтиёрий бўлиб, жавобгарлик белгиланмаган.

B. Маъмурий жавобгарлик кодексида назарда тутилган.

C. Жиноят жавобгарлик кодексида назарда тутилган.

D. Конституцияда белгилаб қўйилган.

**6. Фуқаролар неча ёшдан бошлаб сайлаш ҳуқуқига эга бўлади?**

A. 20 ёшдан.

B. 16 ёшдан.

C. \*18 ёшдан.

D. 21 ёшдан.

**7. Кимлар сайловларда овоз бериш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар?**

A. Ота - оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар.

B. \* Оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар.

C. Маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар.

D. Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётган шахслар.

**8. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар нечагача ишончли вакил олиш ҳуқуқига эга?**

A. \*5 тагача.

B. 10 тагача.

C. 3 тагача.

D. Хоҳлаганча, ўзи белгилайди.

**9. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар нечтагача ишончли вакил олиш ҳуқуқига эга?**

- A. 5 тагача.
- B. \*10 тагача.
- C. 3 тагача.
- D. Хоҳлаганча ўзи белгилайди.

**10. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар нечтагача ишончли вакил олиш ҳуқуқига эга?**

- A. 5 тагача.
- B. 10 тагача.
- C. \*3 тагача.
- D. Хоҳлаганча, ўзи белгилайди.

**11. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сайлов кодексини қабул қилиш зарурати ҳақида қачон тўхталиб ўтилган эди?**

A. \* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси йиғилишида.

B. 2018 йилдаги Конституция қабул қилинганлигининг 26 йиллигидаги маърузасида.

C. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталари олдида қасамёд қабул қилиш тадбирида.

D. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида.

**12. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси қачон қабул қилинган?**

- A. \* 2019 йил 25 июнь.
- B. 2019 йил 20 май.
- C. 2019 йил 15 июнь.
- D. 2019 йил 10 июль.

## ГЛОССАРИЙ

**Вакиллик нормаси** – конституциявий ҳуқуқда бир депутатни сайлайдиган сайловчиларнинг умумий сонини англатади. Умумий қоидага кўра, вакиллик нормаси вакиллик органи (ёки унинг палатаси) сайловларида бир хил бўлиши керак.

**Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси** - маҳаллий Кенгашларга сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун тузиладиган ҳамда ўз ваколатларини кейинги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунига қадар амалга оширади. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари тегишли маҳаллий Кенгашлар томонидан сайловга камида саксон кун қолганида етти ўн беш нафар комиссия аъзосидан иборат

таркибда тузилади. Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича вилоят сайлов комиссияси; халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича туман сайлов комиссияси; халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича шаҳар сайлов комиссияси тузилади.

**Марказий сайлов комиссияси** – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузиладиган ҳамда ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган марказий давлат органидир. У ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов кодекси ва бошқа қонунларга амал қилади. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан 15 нафар аъзодан иборат таркибда сайланади. МСК Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади. МСК ўз фаолиятида мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик каби принципларга асосланади.

**Округ сайлов комиссияси** – сайлов округида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул давлат ҳокимияти ваколатига эга коллегиал давлат органи. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6,8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади.

**Сайлов комиссиялари** – сайловларни ўтказишга масъул бўлган ва уларни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлайдиган давлат ҳокимияти ваколатига эга давлат органларидир. Сайлов комиссиялари тизимига қуйидагилар киради: Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси, участка сайлов комиссияси, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси, халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси.

**Сайлов комиссияларига аъзолик** – Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган

ҳамда камида охириги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаролар тавсия этилади.

Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари, бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Комиссия аъзоси шахсий аризасига кўра, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда, ўз вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

**Сайлов комиссияси аъзосининг ҳуқуқий мақоми** – қонун нормаларида белгиланган сайлов комиссияси аъзосининг ҳуқуқ, мажбуриятлари, кафолатлари ва жавобгарлиги мажмуи.

**Сайлов комиссиясининг ваколатлари** – сайлов комиссиясининг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими. Сайлов кодексининг 14 моддасида Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари, 20, 22, 24-моддаларида тегишинча вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг ваколатлари акс этган.

**Сайлов комиссиясининг қарори** – сайлов комиссияси томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат. Сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорлар тегишли сайлов комиссиясининг Раиси томонидан имзоланади. Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек, барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурий. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва Марказий сайлов

комиссиясининг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда, бошқа манбаларда эълон қилиниши лозим

**Сайлов округи** (рус. округ – атроф) – миллий, минтақавий ва маҳаллий сайловларни ўтказиш учун ташкил этилган ҳудудий бирлик. Сайлов округларини тузишда ҳудуднинг яхлитлиги, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегаралари ва сайловчилар сони ҳисобга олинади. Масалан, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун бир юз элликта ҳудудий сайлов округи тузилади.

**Сайлов участкалари** (рус. участок – майдон, маълум бир иш фаолият олиб борилаётган жой) – сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бирикитиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади. Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

**Участка сайлов комиссияси** – сайлов участкасида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул давлат ҳокимияти ваколатига эга коллегиял давлат органидир. Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Дунёда меҳнатга лаёқатли ёш (25-54)даги аёлларнинг 63, эркекларнинг 94 фоизи меҳнат бозорида ишчи кучи сифатида иштирок этади. Аёлларнинг аксарияти ўзларининг репродуктив хусусиятлари ва бола парвариши билан боғлиқ мажбуриятларнинг анъанавий тақсимланганлиги сабабли меҳнат бозорида эркеклар билан тенг рақобатлаша олмайдилар. Технологиялар ривожланган XXI асрда миллионлаб аёллар ҳалигача оилавий вазифалари туфайли ўз меҳнат имкониятларидан тўлақонли фойдалана олмаётганликлари натижасида меҳнат соҳасида камситишга дуч келмоқдалар. Мазкур нохуш ҳолатлар аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш масаласини қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади.

Жаҳонда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш хусусиятларини ўрганиш илмий тадқиқотларнинг йўналишларидан биридир. Жумладан, мазкур тоифа шахслар ҳуқуқларининг таъминланишида келгусида уларга «зарар келтирмайдиган» қўшимча кафолатлар яратиш ҳамда асосланган чекловлар ўрнатиш, кафолат ва чекловларнинг мувозанатини таъминлаган ҳолда қонунчиликдаги нормаларни қайта кўриб чиқиш, меҳнат соҳасида уларга нисбатан йўл қўйилиши мумкин бўлган камситишларнинг олдини олишга оид ҳуқуқий механизм ишлаб чиқиш, мазкур тоифадаги шахсларга оид халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Республикамызда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, уларга адолатли меҳнат шароитлари яратишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш, аёллар ҳуқуқларини манзилли ҳимоя қилишга доир қисқа ва узоқ муддатли концепцияларни ҳаётга жорий қилиш бўйича кенг қўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш» мамлакат ижтимоий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор

йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, «Мўътабар аёл» кўрак нишони таъсис этилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.

Хотин-қизлар ва эркалар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга мамлакатимизда жиддий эътибор берилмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янгитдан ташкил этилгани, уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани бу йўлда янги қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенциясини ратификация қилган. Ҳозирда мазкур масалада бирмунча такомиллаштирилган “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 183-сонли Конвенцияни ратификация қилиш бўйича ишлар изчил давом эттириб келинмоқда. 2019 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4235-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга биноан 2019 йил 1 майдан эътиборан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинди; тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланди; бола парваришlash таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилади; икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилади; аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян

муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномаси муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади; эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади. Шунингдек, Қарорга асосан «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»ни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш; тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш; аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини шакллантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консультатив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш; зарур ҳолларда, фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш; тадбиркор аёллар ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорлар топиш, минитехнология ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш; норасмий фаолият юритаётган хунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёзлардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси кўмагидаги Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиши ҳам назарда тутилган.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмуни давоми сифати ўлароқ, аёллар ижтимоий ҳимоясига оид 2019 йил 2 сентябрда иккита муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тадбирда мамлакатимиз раҳбари мазкур қонунларни изчил амалга оширишда парламент ва

жамоатчилик назорати ниҳоятда зарурлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, сўнги пайтларда нафақат оилаларда, балки иш жойларида ҳам иқтидорли ходимларни “сиқиб чиқариш”га қаратилган моббинг, буллинг, боссинг каби салбий психологик воқеликларни ифодловчи тушунчалар кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда. Касбий сегрегация ёки аёл ходимларнинг айнан аёл раҳбарлар томонидан дискриминация қилиниши натижасида бу каби психологик воқеликлар кадрлар сифати ва ишлар самарадорлигига салбий таъсир ўтказувчи жараёни ифодалямоқда. Бунда охир-оқибат инсон ҳуқуқлари топталмоқда. Шу туфайли қонунчиликка биноан, меҳнат органларига хотин-қизларга нисбатан иш жойларидаги таъйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар, маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларида қатъи назар, ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиш ваколати берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев оила ва маҳалладаги аҳволни аёллар яхши ҳис қилишларини, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда, бошқарув самарасини оширишда хотин-қизларнинг ўрни ва таъсири жуда катталигини таъкидлаб, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, хотин-қизларга турли масъул вазифаларни ишониб топширишга қаратилган сиёсатни янада фаол давом эттириш лозимлигини уқтирди. Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” номли махсус ўқув курслари жорий этиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, аёллар ҳуқуқлари бузилиши, аввало, улар ўз ҳуқуқларини билмаганликлари, уларга қонунчиликда назарда тутилган кафолатлардан боҳабар эмасликларидан келиб чиқади. Шу туфайли қонун бузилишининг олдини олиш, профилактика тадбирларини ўтказиш мақсадида “Аёллар ҳуқуқлари” деб номланган махсус ўқув курслари яратиш ижобий натижаларга олиб келади.

Келгусида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг диққат марказида бўлади.

Кейинги пайтда кўплаб аёлларимиз давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, молия-банк, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда масъул раҳбарлик лавозимларига кўтарилмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида меҳнат муносабатларида аёлларга қонунчиликда назарда тутилган кафолатлар уларга “антикафолат” бўлиб

хизмат қилади. Яъни, аёлни ишга қабул қилаётган иш берувчи келгусида унга ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ кафолатлар бериши лозимлигини онгостида тасаввур қилиб, ходимликка танловни бошқа шахс фойдасига амалга оширмақда. Шуни назарда тутиб, келгусида қабул қилиниши назарда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳририда аёллар билан боғлиқ имтиёزلарни мувофиқлаштириш режалаштирилган. Мамлакатимиздаги ислохотларнинг пировард натижаси инсон манфаатлари экан, бунда аёл ҳуқуқларига эътибор қаратиш, жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳар доим долзарб бўлиб қолаверади.

### ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принципларини айтинг.**

А. Қонунийлик; демократизм; очиқлик ва шаффофлик.

Б. Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги; жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги.

С. Принциплар мавжуд эмас.

Д. \* А ва Б жавоблар тўғри.

**2. Гендер-ҳуқуқий экспертиза нима?**

А. \* Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш.

Б. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларида аёллар ижтимоий ҳимоясига оид кафолатлар мавжудлиги юзасидан таҳлил қилиш.

С. Ҳудудларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда аёллар ва эркаклар улуши мутаносиблигига оид таҳлил ўтказиш.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

**3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига аёллар меҳнат ҳуқуқлари кафолатларига алоҳида эътибор берилганми?**

А. Йўқ, аёллар ва эркак ходимлар тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланадилар.

Б. \*Ҳа, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар учун алоҳида параграф бор.

С. Ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар алоҳида ижтимоий ҳимояга олинган.

Д. Б ва В жавоблар тўғри.

**4. Жинс бўйича билвосита камситиш деганда нима тушунилади?**

А. Жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан, оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек, шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш.

Б. \* Бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатлар ёки мезонларни яратиш, шу жумладан, гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароит ёхуд талаблар белгилаш.

С. Бундай тушунча мавжуд эмас;

Д. Аёл ва эркакларга нотенг муносабатда бўлиш тушунилади.

**5. Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви ким томонидан амалга оширилади?**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Б. Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси.

С. Давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида.

Д. \* Барча жавоблар тўғри.

**6. Уй меҳнати ким томонидан амалга оширилади?**

А. Аёллар томонидан.

Б. Эркаклар томонидан.

С. \* Аёллар ва эркаклар томонидан тенг даражада.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

**7. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун нима асос бўлади?**

А. Тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати; давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материаллар.

Б. Жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари.

С. Тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш фактларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши.

Д. \* Барча жавоблар тўғри.

**8. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турларини кўрсатинг**

А. Профилактика суҳбати ўтказиш; ҳимоя ордери бериш.

Б. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш; зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

С. \* А ва Б жавоблар тўғри.

Д. Қонунчилик ҳужжатлари бўйича тарғибот ўтказиш.

**9. Давлат хизматида гендер сиёсатини амалга оширишда қандай вақтинчалик махсус чора қўлланилиши мумкин?**

А. \* Квоталаш тизими.

Б. Аёллар учун махсус лавозимлар жорий этиш.

С. Қонунчиликда махсус чоралар назарда тутилмаган.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

**10. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра, аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномаси 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади?**

А. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун.

Б. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун.

С. \*Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сонли қарори.

Д. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.

## ГЛОССАРИЙ

**Гендер** – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати.

**Жинс бўйича бевосита камситиш** – жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан, оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек, шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш.

**Руҳий зўравонлик** – хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан, репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** – хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг тақдоран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

**Касбий (профессионал) сегрегация** – иқтисодиётда аёллар ва эркакларнинг нотўғри тақсимланишига сабаб бўлувчи меҳнат бозоридаги гендер стереотипи.

## КОНСТИТУЦИЯДА ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МАСЪУЛИЯТИ

Инсон табиатнинг энг олий неъматини, бетакрор хилқатидир. Инсон туғилади, парваришга муҳтож бўлади, ота-онаси, яқинлари уни тарбиялаб, оёққа турғзади, кейин ўзи бошқаларни тарбиялайди, насл қолдиради, авлодини давом эттиради, кексайиб, яна энг яқин кишилари ёрдамига муҳтож бўлади. Инсон ҳаётини бошқичлари мўътадил кечиши учун жамият ва оилада замин тайёрланади. Бу тайёргарлик халқларнинг турли урф-одатларида, қадрият ва эътиқодларида ўз ифодасини топган. Шу боис, жамият ва оилада ота-оналарга муносабат ҳам шулар жумласига киради. Умуман олганда, мамлакатимизда ота-оналарни ҳурмат қилиш умуминсоний фазилат ҳисобланади.

Бугунги кунда аҳолининг ҳаёт сифатини янада ошириш, жумладан, кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимизнинг кекса авлод вакилларига доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги миллий анъаналар ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда кексалар давлат ҳимоясига олинган.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари, талаб-эҳтиёжлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу масала хусусида тўхталиб, шундай деди: «Барчамизни тарбиялаб вояга етказган, ҳаёт йўлларида бизга таянч ва суянч бўлган табаррук кексаларимиз олдида биз доимо қарздормиз. Уларга қўлимиздан келган барча қулай шароитларни яратиш, меҳр ва эътибор қаратиш мақсадида пенсионер, ногирон, ёлғиз қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш»<sup>49</sup> зарурлигини таъкидлади.

Шу маънода, кексаларнинг жамият ижтимоий тузилмасида, оилада тутган ўрни, уларнинг ёш авлод тарбияси, ижтимоийлашуви ва мерослик анъаналарининг узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти беқиёс.

Фарзанд ота-онага доимо самимий муомалада бўлиши лозим. Айниқса, улар кексалик ёшига етиб, куч-қувватдан қолиб, ёрдамга муҳтож бўлганларида ҳар бир фарзанднинг масъулияти яна ҳам ортади. Инсон кексайгач, унинг кўнгли нозик бўлиб қолади. Ҳар қандай муомала ҳам ёқавермайди. Шундай ҳолларда фарзанд уларни тушуниши лозим, эътироз билдириши мумкин эмас. Ота-она фарзандини тарбия қилишда

<sup>49</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017. - 327-бет.

ҳар қанча машаққат бўлса ҳам сабр қилган, норози бўлмаган. Аксинча, унга бор меҳрини бахшида этган. Фарзанд гўдаклигида ота-онага қанчалик муҳтож бўлса, ота-она ҳам кексайганида фарзанди ёрдамига шунчалик муҳтождир.

Маънавий-ахлоқий меросдан ўз ижодида самарали фойдаланган буюк мутафаккир Алишер Навоий “Ҳайрат-ул-аброр”, “Насиҳатнома” каби асарларида ота билан ўғил муносабатларини фалсафий таҳлил қилади. Алишер Навоий Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга асосланиб, Султон Бадиуззамон номига йўллаган мактубида: “Аллоҳнинг ризоси-отанинг ризосига, Тангри Таоло ғазаби-Ота ғазабига вобастадир, ота фарзанд учун парвардигордир. Чунки Аллоҳ йўқликдан борлиққа фарзандини келтирар экан, сабабчиси қилиб отани танлади”<sup>50</sup>, деб ёзади.

Ота-она ёши улғайиб, кексайган сари турли хасталикларга чалинади, ҳолсизланиб қолади, руҳий ҳолатлари ҳам тез-тез ўзгариб туради. Фарзандлар ҳар қандай вазиятда ҳам бундай ҳолатни тўғри тушунишлари, улар билан муносабатда самимий, мулоим ва ширинсухан бўлишлари лозим.

Кайковус “Қобуснома” асарида қуйидагиларни ёзган: “Ҳар киши ота-она (асли)нинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди ва ўз фарзандига сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳаққига нима иш қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай иш қилади”<sup>51</sup>. Ота-онанинг барҳаёт чоғлари фарзанднинг энг бахтиёр, энг масъул ва ғанимат дамларидир. Шу боис, уларни рози қилиш ва дуоларини олиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир.

Бой маънавий меросимиз негизида ота-онага муносабат асосий ўрин эгаллайди. Агар ота-онага муносабатда миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланмасак, авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлай олмаймиз. Зеро, ота-оналарни ҳурмат қилиш, улар соғлом турмуш шароитида яшашлари учун имконият яратиб бериш оиладан бошланади.

Янги Ўзбекистонимизда оила масалалари давлатимизнинг устувор сиёсати сифатида ота-она мавқеини янада кучайтириш йўлидан борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” (64-модда), “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда), деб белгилаб қўйилган.

<sup>50</sup> Навоий А. Асарлар. Ҳамса. Ҳайрат-ул-аброр. –Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1965. –Б.267.

<sup>51</sup> Кайковус. Қобуснома. –Т.: Ўқитувчи, 1986. –Б.168.

Мамлакатимизда азалдан ота-оналар қадрланган, эъзозланган, ҳурмат қилиб, қадрият даражасида эътироф этилган. Ҳадиси шарифда “Кексаларни қадрламаган инсон мусулмон эмас”, дейилган. Аждодларимиз “Қари билганни – пари билмас”, “Қариси бор уйнинг париси бор” деб бежиз айтишмаган. Ўзбекона одоб-ахлоқ бўйича кексалар олдидан салом бермасдан ўтиш гуноҳ, деб ўргатилган. Мураббий-устозларнинг беминнат хизматиға бир умр содиқ бўлиш, уларнинг дуоларини олиш, насиҳатларига қулоқ солиш ва амал қилиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланган.

Ота-оналарни қадрлаш ахлоқий фазилат, ўзбекона қадрият бўлиб, миллий менталитет даражасига кўтарилган, уларни ҳурмат қилиш ҳар бир фарзандга ёшлигидан оила даврасида сингдириб борилган. Ота-оналар иш бажараётганда фарзандлар уларнинг қўлидан олишга одатланган. Ота-оналарга ҳурмат кўрсатилиб, тўрдан жой берилган. Ота-оналар таом тамадди қилишни бошлаб беришган, унгача биронта фарзанд дастурхонга қўл узатишга журъат этмаган. Ота-оналар даврасида болалар қўп гапирмаган, уларга гап қайтариш, овозни баландлатиб гапириш гуноҳ ҳисобланган. Турли байрамларда ота-оналар ва беморлар ҳолидан хабар олиш шарт ҳисобланган.

Ўз навбатида, муайян ҳаётий тажрибага эга, ҳаёт мураккабликларини енгган, қийинчиликда чиниққан ота-оналар ўтмиш мероси, халқ урф-одатлари ва анъаналарини ёшларга ўргатганлар. Шу боис, ёшлар нафақат ота-оналарнинг, балки маҳалла жамоасининг ҳам эътиборида бўлишган. Шу тариқа, бир томондан, авлодлараро ўзаро муносабатларнинг узвийлиги таъминланса, иккинчи томондан, фарзандларда инсоний фазилатлар шаклланиб боришига эришилган. Фарзанд улардан ўрнак олиб, ўз ҳаёти давомида яхши ном қолдиришга интилади. Унда ҳаётга муҳаббат, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик туйғуси шаклланади.

Маълумки, халқимизда катталарни ҳурматлаш, эъзозлаш, уларнинг панд-насиҳатларига амал қилиш каби фазилатлар азал-азалдан мавжуд. Чунки, фарзандлар ота-оналарнинг ўғитидан, донолик билан йўғрилган насиҳатларидан, намунали ҳаётидан хулоса чиқариб, ибрат оладилар. Зеро, қарияли уй мактабдир, деб бежиз айтилмаган. Яна халқда “Қария қариндошлар мойтуғидир”, дейилади. Мойтуғ “туғ” сўзидан олинган бўлиб, байроқ ўрнатиладиган жой, яъни қариндош-уруғлар тўпланадиган маскан, деган маънони англатади. Дарҳақиқат, ўзбек оиласида ҳар бир ота-онанинг ҳолидан хабар олиш, зарурат бўлганда кўмаклашиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Хуллас, аждодлар меросида ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Ёш авлод бой меросдан тўла баҳраманд бўлиши учун, аввало, ота-оналарни ҳурмат қилишлари,

қадрлашлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари, ўз фарзандлик бурчларини бажаришлари даркор. Бу меросни ёш авлодга етказиш, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ота-она, катта ёшдаги кишиларнинг намунали ҳаёти, тарбиявий ишлари, панд-насихатлари катта аҳамиятга эга.

Маълумки, оилавий бирлик мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборат. Айниқса, фарзанд, ота-она ҳамда қариялар ўртасидаги ўзаро муносабатлар турли вазиятда турлича кечади. Оиладаги муносабатларнинг барча учун мақбул бўлиши қарияларнинг оғир-вазмин, мулоҳазали, одилона қарорига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий “Падаркуш” драмасида ўз қадрияти, ўзлигини унутган фарзанд, ҳатто, отасининг қотилига айланиши ҳам мумкинлигини айтиб ўтган. Агар қадрият, маънавият, маърифат йўқолиб борса, бундай ҳолатга бутун миллат учраши мумкин<sup>52</sup>. Этномаданий анъаналарнинг сақланиши ва уларга амал қилиниши ҳозирда ҳам оилавий муносабатларда намоён бўлмоқда. Бундай оилаларда ёшлар ижтимоий ва оилавий ҳаёт тажрибасини мерос қилиб олади. Анъана, одат ва маросимлар оила орқали шахснинг камол топиши ва шаклланишида қудратли восита бўлиб, унинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, уч ва ундан кўп авлод бирга яшаётган оилаларда этномаданий анъаналар анча мустаҳкам сақланади.

Зеро, ўзбек оилаларида Шарқ маданиятига хос ижтимоий ва этномаданий хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Чунки, бошқа мамлакатларда ҳам оилада ота-она, фарзанд, эр-хотин ва бошқалар ўртасидаги муносабатда ахлоқий бурч муаммолари ҳамда ахлоқ нормаларига алоҳида эътибор берилади.

Ёш авлод ижтимоий ҳаётда иштирок этар экан, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Нафақа ва пенсиялар даражаси унча баланд бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда қариялар, асосан, фарзандлари қарамоғида бўлади, табиийки, уларнинг эҳтиёжларини фарзандлари таъминлайди. Пенсия даражаси юқори ҳисобланган ривожланган мамлакатларда қариялар, асосан, ёлғиз яшайди, уларнинг 20 фоизи фарзандлари билан истиқомат қилади. Қарияларнинг жуда оз қисмигина молиявий томондан фарзандларига қарам бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда оиланинг кекса аъзолари камроқ, бироқ улар барқарор даромадга эга эканлиги кузатилмоқда. Америкадаги аҳолини рўйхатга олиш маҳкамасининг маълумотларига кўра, 25-34 ёшли одам ўз ота-онасига кўрсатган ёрдамга қараганда, ундан

<sup>52</sup> Беҳбудий Маҳмудхўжа. Падаркуш. –Т.: Маънавият, 1999.-Б.-39-50.

ўзининг фарзандлари йигирма барабар кўпроқ ёрдам олади. Ҳатто 35-44 ёшлилар учун ҳам бу нисбат тегишли равишда бешга бирни ташкил қилади.

Тафовут нафақат мамлакатларнинг фаровонлик даражасида, балки маданиятларнинг турли-туманлиги – Ғарбнинг индивидуал, Шарқнинг жамоавий маданиятида ҳам кўзга ташланади. Шимолий Европа ва Шимолий Америкада қарияларнинг оила билан алоқаси мустаҳкам эмас. Япония, Хитой, Шарқий ва Марказий Осиёда қариялар асосан фарзандлари билан битта оилада истиқомат қилишади.

Шарқий Осиё аҳолиси конфуцийлик тамойилларига мувофиқ ҳолда оилавий ахлоққа болалиқдан одатланади, чунки уларнинг ижтимоийлашуви аксарият ҳолларда кўп авлодли оила шароитида юз беради. Бу ерда қадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтишида бува ва бувилар муҳим роль ўйнайди. Японияда қарияларнинг 33 фоизи уч авлодли оилаларда яшайди, АҚШда эса бундай муносабатлар атиги бир фоизни ташкил қилади. Осиёнинг кўпгина мамлакатлари каби, Япония қонунлари балоғат ёшидан ўтган фарзандларга кекса ота-онасига қараш ёки уларни расман таъминлаш мажбуриятини юклайди.

Ижтимоий тизимлардаги таркибий ўзгаришлар кескинликни оширувчи омиллар ҳисобланади. Шарқ жамияти бундай ўзгаришларга қадриятлар тизимини қайта қурмасдан ёки ёрдамчи механизмлар яратмасдан мослашади. Мустақиллик ва эркинлик тарғиб қилинадиган Ғарбда ёш авлод солиқлар оширилишидан, кексалар эса ўзларига эътибор камлигидан нолишади.

Бугунги кунда Осиё халқлари дунё миқёсида авж олаётган “оммавий маданият” кўринишларидан қаттиқ таҳликага тушмоқда. Хитой оилаларида фарзандлик бурчи, фарзандлик масъулияти каби тушунчалар тобора сусайиб, заифлашиб бораётгани ташвиш уйғотмоқда. Зеро, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Биз кимга узоқ умр берсак, унинг вужудини ҳам (эгик, заиф) қилиб қўюрмиз. Ахир ақл юргизмайдиларми?!”. Ушбу оят инсонни ота-онаси, кексаларга муносабатда ақл-идроқ, бағрикенглик билан фикр юритиб, муомалада бўлишга ундайди. Ҳар бир инсон, шунингдек, қарамоғида кекса ота-онаси ёки бирор қариндоши бўлган кишилар ўзлари ҳам бир кун келиб, шу ҳолга тушишларини ўйлаши, бундан ҳулоса чиқариб, уларга доимо яхши қараб, эҳтиёжларини имкон қадар қондириб, самимий муомалада бўлиши керак.

Аслида, оилада кексаларнинг борлиги улкан бахт. Уларнинг дуолари туфайли Аллоҳ таоло инсониятни, оилани, бизларни турли офатлардан асрайди. Бу ҳақда Расулulloҳ шундай деганлар: “Агар ораларингизда

мункиллаган қариялар, ўтлаб юрган жонзотлар ва эмизикли чақалоқлар бўлмаганида эди, бошингизга балолар селдай оқиб келарди".

Кекса авлод вакиллари маънавияти, ҳаёт тажрибаси билан ёшлар тарбиясига масъул эканлиги миллий мафкурамизнинг талабларидан. Фахрийлар ёшларга тўғаноқ эмас – суянчиқ, рақиб эмас – устоз, бефарқ эмас – ҳамдард бўлишлари миллий ғоямизда ҳам ўз ифодасини топган.

Қариялардаги ҳаётий тажриба, ақл-заковат ёшлардаги куч-ғайратни, ташаббускорликни тўғри сарфлашга, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасликка, огоҳликка, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга даъват этмоқда. Қарилик фахр бўлиб, ҳаёт безаги сифатида ўз ўрнини топмоқда. Аслида қарияларимиз ҳам ахлоқ-одоб, тарбия, насиҳат билан камол топиб, ўзлари ёшларга насиҳат бера оладиган, ибрат бўла оладиган донишманд, мураббий даражасига етганлар. Зеро, кексалар турли воқеликларга вазминлик, босиқлик, бағрикенглик, шукроналик билан муносабатда бўладиган инсонлардир.

Ёшлар тарбиясига Ислом дини нуқтаи назаридан ёндашилганда, қуйидагиларга амал қилмоқ керак:

1. Заиф томонларингни, камчиликларингни эътироф эт ва уларни бартараф этишга ҳаракат қил.

2. Сен билан муомалада бўлган инсонларнинг тезкорлиги кўзга ташланиб турса, сабрли бўл.

3. Сени тинглаётганлар сўзингни яхши тинглаши учун керакли сўзларни айт.

4. Ҳазил қилмоқчи бўлсанг охирини яхши ўйлаб ол.

5. Қаршингдаги одамларга қандай таъсир қилаётганинга эътибор бер.

6. Ўлчаб кўрмасдан беадаб бичимда гапирма.

7. Кераксиз танқидлардан қоч, одатларни ўзлаштириш қийинлигини билиб, маъқул ва сезгир бўл.

8. Узлуксиз шикоят қилувчилардан бўлма, ўз қарашларингни зўрлаб, қабул қилдиришдан қоч.

9. Шовқин кўтарма, қаршингдаги одамни диққат-эътибор билан тингла, айтган гапларинг билан юз ифодаларинг бир-бирини тўлдирсин.

10. Бошқалар билан пичирлашма, бошқаларни ёмонлаб юрма, сўзини бўлма.

11. Биров-бировни ҳимоя қилса, унинг гапини тўхтатишга интилма.

12. Ҳар кимнинг ишига бурнини суқаверадиган одам бўлишдан сақлан.

13. Овқат еб туриб, бевосита гаплашма.

14. Тушунарли ва қоидали ёз, сўзларни танлаб ишлат, отларни, унвонларни тўғри ишлат, ёзганларингни ўқиб чиқмасдан бировга берма.

15. Яхшиликка интиш, чунки интилиш ва амал инсонга файз-камол бахш этади, улуғ даражага етказади.

16. Кўпчилик бирор киши ҳақида ҳукм чиқармагунча уни яхши, ёмон дейишдан тилингни тий.

17. Билимингни ҳиммат камари билан мустаҳкамла, донолар изидан юришга интиш!

18. Дўстга ҳам, душманга ҳам очиқ юзли бўл, ўзингни баланд тутишга уринма.

19. Ёши улуғ кишиларни иззат ва ҳурмат қил! Кичикларга шафқат ва марҳамат кўрсат. Ўзингдан улуғлар сенга раҳм қилишини хоҳласанг ўзингдан пастларга раҳм қил. Меҳрибон бўл, меҳрибонлик фақат инсонни эмас, ҳатто ҳайвонни ҳам ром қилади. Бадфеъл бўлма, икки нарсани киши ўзидан қувиши қийин: бири-соя, иккинчиси-бадфеъллик<sup>53</sup>.

Ислом дини инсонларни бир-бирларига доимо яхшилик қилишга буюради. Хусусан, гўдаклар, аёллар ва кексаларга янада кўпроқ эътибор қаратишга чақиради. Бу ҳақда Қуръони каримда “Раббингиз, Унинг ўзигагина ибодат этишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амир этди. (Эй инсон) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода): “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, сен ҳам уларга раҳм қилгин”, деб айт!”<sup>54</sup>. “Кимки ота-онасини рози қилса тубо насиб бўлиб, Аллоҳ Таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади”<sup>55</sup>.

Ёшларнинг кексаларга муносабатини шакллантиришда қуйидаги ахлоқий тамойилларга амал қилиш тавсия этилган:

1. Отага муҳаббатингни сақла, агар сен отага бўлган муҳаббатингни йўқотсанг, Аллоҳ сени турли файзлардан маҳрум қилур.

2. Аллоҳ оталарингиз номи билан онт ичмоқни тақиқлайди.

3. Отасининг вафотидан кейин ҳам унинг ҳаёт вақтидаги дўстларини дўст тутган одам яхшиларнинг яхшисидир.

4. Сенинг ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир.

5. Жаннатга кираман деган одам оналарнинг ризолигини олсин.

6. Кимки қабрдаги отасининг ризолигини тиласа, отасининг яқинларини зиёрат қилсин.

7. Отага итоат қилмоқ Аллоҳга итоат қилмоқдир.

8. Отанинг дўстини ҳурмат этмоқ яхшиликдир.

<sup>53</sup> Ҳидоятхўжаев Т. Фарзандлар жаннат райҳонларидир.-Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.89-90

<sup>54</sup> Қуръони карим. Ал-исро сураси, 23-24-оятлар. –Т.: Шарқ, 2001. –Б.284.

<sup>55</sup> А.-Бухорий И.И. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари).-Т.: Ўзбекистон, 1990.-Б.19-20.

9. Инсонларнинг қарами динидадир, муруввати ақлидадир, обрўси ахлоқидадир.

Мусулмон халқлари тарихи ва маданиятининг етук билимдони Ризоуддин ибн Фахриддин “Илми ахлоқ” китобида шундай ёзади: “Нақадар бахтга ва мартабаларга эришган бўлсангизда, ота-оналарингизни ҳеч вақт унутмангиз! Уларга итоатли бўлиб, ҳурмат қилингиз! Насиҳатларини тинглаб, ризоликларини олингиз! Муҳтожликларини, ҳасрату қайғуларини тугатишга тиришингиз!”<sup>56</sup>.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, уч ва ундан кўп авлод бирга яшаётган оилаларда этномаданий анъаналар анча мустаҳкам сақланади, уни тўлдиради. Бундай катта оилаларда ёшларнинг иқтисодий мустақиллиги шарт бўлмасдан, уларда фарзанд тарбиясига эътибор кўпроқ бўлган.

Ислом динига биноан фарзанд дунёга келгач, ота-онанинг қуйидаги бурч ва вазифаларни бажариши одатга айланган:

1. Ота-она фарзандини ҳалол ризқ билан боқиши.
2. Болага чиройли ва маъноли исм қўйиш.
3. Имкони бўлса ақиқа қилиш (зиёфат бериш).
4. Ўғил бола бўлса суннат қилиш.
5. Ҳамма фарзандларини бир хилда кўриш.
6. Фарзандларини яхши кишилар билан дўст бўлишига эътибор бериши.
7. Болани одобли қилиб тарбиялаш.
8. Яхши ва ёмонни ажратишга ўргатиш.
9. Касб-ҳунар ва билим олишга ўргатиш.
10. Уйланиш ёшига етганида, фарзандларини уйлантириши зарур<sup>57</sup>.

Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсалардан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламыз. Бу ўзбек халқига берилган юксак таърифдир. Мамлакатимиз Конституциясида ижтимоий барқарорликнинг асосий омилларидан бири сифатида ота-она ва фарзанд масъулиятига катта эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.

<sup>56</sup> Ризоуддин ибн Фахриддин. Илму ахлоқ. –Т.: Меҳнат, 1991.–Б.60.

<sup>57</sup> Абдурахмон Қ. Ислом ахлоқи. –Т.: Мовароуннаҳр, 1997.–Б.8-9.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида ота-оналарнинг ўз фарзанди олдидаги масъулияти белгиланган?**

- А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида.
- Б. \*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида.
- С. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида.
- Д. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасида.

**2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида фарзанднинг ота-оналар олдидаги масъулияти белгиланган?**

- А. \*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида.
- Б. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида.
- С. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида.
- Д. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида.

**3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида оила масалаларига оид норма белгиланган?**

- А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида.
- Б. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида.
- С. \*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида.
- Д. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасида.

**4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида таълим масалаларига оид норма белгиланган?**

- А. \*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси
- Б. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддаси
- С. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси
- Д. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси

**5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция кунига бағишланган маърузасида хориждаги ватандошларимизга меҳр кўрсатиш тўғрисидаги фикрини белгилаб беринг.**

А. \*Жорий йилда “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Б. Халқимизда “Қарс икки қўлдан чиқади”, деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни, Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари

билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

С) Ишончим комил, биз мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради.

Д. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

#### **6. Ўзбекистонда шахсга доир қандай қонунлар қабул қилинди?**

А. Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор.

Б. Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

С. \*Бу йилнинг ўзида “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги, “Жабрланувчи, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги, “Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги конвенциялари ратификация қилинди. Бу бизнинг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги қатъий ва ўзгармас позициямизни ифода этади.

Д. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

#### **7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция кунига бағишланган маърузасида қонун ва адолат тўғрисида қандай фикрлар билдирилди?**

А. Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.

Б. \*Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Айнан шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади, деб ўйлайман.

С. Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун “Конституция алифбоси”,

“Конституция сабоқлари”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Д. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

**8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция кунига бағишланган маърузасида таълим тизимида дарс беридаган ўқитувчиларга қандай талаблар қўйилди?**

А. \*Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадийий фильмлар, театр асарлари яратиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Б. Адлия, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу ишларга масъул бўлади.

С. Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Айнан шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади, деб ўйлайман.

Д. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

**9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция кунига бағишланган маърузасида шахснинг жамият олдидаги масъулияти ва мажбурияти тўғрисида қандай фикрлар билдирилди?**

А. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип Асосий қонунимизда қатъий белгиланган.

Б. \*Айрим фуқароларимиз бошқарув идораларидан масъулият талаб қилишни яхши билади-ю, лекин ўзининг жамият олдидаги, қонун олдидаги масъулияти ва мажбуриятини унутиб қўяди. Ҳолбуки, Ўзбекистонни янгилаш, миллий юксалишни янги босқичга кўтариш бу – ўз-ўзидан, осонликча бўлаётгани йўқ.

С. Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида муҳрлаб қўйилган ва бунда чуқур маъно бор. Бу қоидалар мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, давлат ўз фаолиятини фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишини англатади. Буни биргина шу йилнинг ўтган даврида

Халқ қабулхоналарига келиб тушган 880 мингдан ортиқ мурожаатнинг 510 мингдан зиёди ижобий ҳал этилгани ҳам тасдиқлайди.

Д. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

**10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция кўнига бағишланган маърузасида инсонлараро ҳамкорлик ва елкадошлик тўғрисида қандай фикрлар билдирилди?**

А. \*Халқимизда “Қарс икки қўлдан чиқади”, деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни, Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Б. Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

С. Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Д. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

## ГЛОССАРИЙ

**ОТА** – оила бошлиғи, оилага мансуб фарзандларни дунёга келтирган шахс. Ота ўзбек оиласида бошқарувчи, ҳимоячи, ўз оиласи ва фарзандлари учун барча нарсага тайёр шахс ҳисобланади. Одатда, оталар бутун куч-қувватини фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялашга, оила турмушини фаровонлаштиришга сарфлайди.

**ОНА** – фарзандни дунёга келтирган шахс ёки фарзандни дунёга келтирмаган бўлса-да, уни тарбиялаган ёки тарбиялашда муҳим ҳисса қўшган аёл. Фарзандини тарбия қилиш, айниқса, аёлдан кўп меҳнат, сабр-қаноат ва фидойиликни талаб қилади.

**МАСЪУЛИЯТ** – маънавий, ижтимоий ва маъмурий-ҳуқуқий соҳаларда кенг қўлланиладиган тушунча. Маънавият нуқтаи назаридан ёндашилганида бурч, ижтимоий маънода жамият ва бошқалар олдидаги маънавий қарздорлик, маъмурий жиҳатдан ижтимоий тартибга солишнинг турли меъёрларини амалга оширишни назарда тутувчи жамоатчилик

назоратининг намоён бўлиши, ҳуқуқий ёндашувда эса юридик жавобгарликни англатадиган серқирра ва кенг маъноли категория. Ҳар қандай одам ўзи учун муҳим бирон-бир мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилиш усулини танлашда ўз табиатига кўра эркин эканига қарамай, унинг шахсий ҳаёти бутун жамият ҳаёти, бошқалар олдидаги масъулияти билан узвий боғлиқ. Масъулиятда ота-онанинг фарзанд олдидаги масъулияти ҳамда фарзанднинг ота-она олдидаги масъулияти ҳам тушунилади. Бунда ота-она фарзандини вояга етгунга қадар боқишга масъул бўлсалар, фарзанд эса ота-онасининг кексайган вақтида қарашга масъул.

**КЕКСАЙИШ** – жараён, кексалик унинг натижаси сифатида тушунилади. Кексайиш жараёни шахснинг ўрта ёшдан қари ёшлилар гуруҳига ўтиши билан характерланади. Кексайиш барча жараёнлар каби бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти бу борада учта тадрижий босқични белгилайди: 60 ёшдан 74 ёшгача – кексалик, 75 ёшдан 89 ёшгача – қарилик, 90 ёш ва ундан катта ёш узоқ умр кўрувчилар.

**ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ** – фарзанд тарбиясида энг муҳим омиллардан бири эр ва хотиннинг ҳамкорлигидир. Аёл ўз табиатидан келиб чиқиб, ўзига юклатилган масъулиятни адо этиш билан бирга фарзанд тарбияси билан машғул бўлади. Шунингдек, эр ҳам ўзига юклатилган хос масъулият, яъни оиласини ҳар жиҳатдан таъминлаш билан бирга фарзанд тарбияси билан машғул бўлади. Машаққат ва мусибатларни бартараф қилиш билан бирга, фарзандлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериш лозим.

## **ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК – ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

Давлат ва бизнеснинг ўзаро муносабати замонавий бозор иқтисодиёти ривожланишида муҳим асос саналади, чунки давлат хусусий шерикчилик салоҳиятини муваффақиятли амалга ошириш бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитда давлатнинг бизнес билан ўзаро муносабатларга тайёрлигига боғлиқ.

Республикаимизнинг барча ҳудудларини янада ривожлантиришда инновацион тадбиркорликнинг роли жуда юқори ҳисобланади. Инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда давлат хусусий шерикчилик муносабатларини йўлга қўйиш бугуннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётимизни модернизациялашда ички ва хорижий инвестицияларни жалб этишни янада кенгайтириш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда инновацион тадбиркорлик мамлакатимизни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш ва давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Илмий адабиётларда давлат-хусусий шерикчилик тушунчасига бир неча таърифлар берилган бўлиб, уларда мазкур жараённинг мақсади кутилаётган натижалар ҳақида фикрлар юритилади. Масалан, В.Г.Варнавскийнинг таъкидлашича, "Давлат-хусусий шерикчилик – бу давлат ва бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий альянс бўлиб, халқаро, миллий ва маҳаллий масштабда иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий моҳият касб этувчи лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади"<sup>58</sup>.

Давлат-хусусий шериклик атамаси XX асрнинг 90-йилларида вужудга кела бошлади. Давлат-хусусий шериклик тушунчасининг моҳияти давлат ва хусусий сектор давлат инфратузилмасини яхшилаш ва сифатли хизматларни, давлат хизматларини амалга оширишда ўзаро биргаликдаги ҳамкорлигидир.

<sup>58</sup>Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора - М.: Наука, 2005 - 260 с..

С.Д. Данасарованинг фикрига кўра, давлат-хусусий шерикчилик – давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ижтимоий-аҳамиятли лойиҳаларни кам харажат билан самарали амалга ошириш мақсадида тузилган шартнома<sup>59</sup>.

Давлат-хусусий шерикчилиги (Public-private partnership) давлат ҳокимияти органлари ҳамда хусусий бизнес вакилларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этган кооперацияси. Ижтимоий мадад кўрсатишда фақат давлатнинг ўзи ёлғиз фаолият олиб бормайди. Жаҳон миқёсида давлат-хусусий шерикчилиги борасида олиб борилаётган сиёсатнинг тарафдорлари ва унга қарши бўлган томонлар ҳам учраб туради.

Мазкур сиёсатни қўллаб-қувватловчилар асосий аргумент сифатида хусусийлаштиришнинг янгича тўлқини сифатида қарашади ҳамда давлатнинг бевосита назорати остида кечадиган ҳамда давлат ютқазмайдиган вариант сифатида баҳолашади. Мазкур сиёсатга қарши бўлганлар ўз фикрларини ҳимоялашда дастлаб мазкур соҳада ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлашади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилганимизга 7 ой бўлди. Кўпдан буён қутилган, ҳаётнинг ўзи талаб этаётган бу қонун лойиҳаси устида биз узоқ вақт ишладик. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан механизмидир.


Ҳозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус, умуман, сезилмаяпти.

Вазир ёки ҳоким қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмаса, англаб етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмаса, ислохотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади<sup>60</sup>, деб таъкидлаши дунё амалиётида энг самарали усуллардан бири бўлган давлат-хусусий шериклик асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади.

<sup>59</sup> Данасарова С.Д. Институт частно-государственного партнерства: становление и развитие в России: автореф. дисс. канд. экон. наук: спец. 08.00.01/ Восточно-Сибирский гос. технологич. ун-т. – Улан-Уде, 2007.-24 с..

<sup>60</sup> Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // <http://uza.uz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>

Давлат-хусусий шерикчилик ҳамкорлигини амалга ошириш жараёнида томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ўрнатилган қоидаларга риоя қилиш, давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш йўллариغا алоҳида эътибор қаратиш лозим (1-расм).



1-расм. Давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш йўллари.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 10 май куни имзоланган. Мазкур Қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчалар кўрсатиб ўтилган. Унга кўра:

**давлат-хусусий шериклик** — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги.<sup>61</sup>

**Қабул қилинган Қонунга асосан, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳалар, қуришлар, бино-иншоотлар қурилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилишида ҳамда инновациялар жорий қилинишида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилади.**

**Қонунга асосан, давлат шериги** — Ўзбекистон Республикаси бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа органлар (ташкilotлар) ёки уларнинг бирлашмалари унинг номидан иш юритади, **хусусий шерик** — Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 10 май 3-модда.

битим тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмаси.<sup>62</sup>

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунида кўрсатиб ўтилганидек, ҳукумат ўз лойиҳаларини жамоатчиликка эълон қилади ва лойиҳани амалга оширишга талабгор инвестор ўртасида тендер ўтказиши ёки музокара шаклида давлат ўзига шерик танлаши мумкин. Танловдан олдин икки босқичли жараён амалга оширилади. Биринчиси – лойиҳа концепциясини тайёрлаш ва техник иқтисодий таҳлил ўтказиш. Иккинчи босқичда эса лойиҳани амалга ошириш истагини билдирган талабгорлар ўртасида икки босқичли тендер ўтказилади.

Тендердан кўзланган асосий мақсад давлат лойиҳани амалга оширишда энг кам харажатли режани тақдим этган хусусий корхона билан шериклик қилади ҳамда музокаралар ўтказилиб, шартномалар имзоланади. Бунда, албатта, хусусий шерикка қўйиладиган талаблар мавжуд: хусусий сектор ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиши, ишга лаёқатли бўлиши, зарур молиявий ресурсларга эга бўлиши, моддий-техник базага эгаллиги ва меҳнат ресурслари мавжудлиги.

Қонунга кўра, давлат-хусусий шерикчилиги шартнома асосида мустаҳкамланади ва ушбу шартноманинг муддати энг кам билан 3 йил, кўпи билан 49 йилни ташкил этади. Муддатнинг 49 йилгача бўлганлиги сабаби ер билан боғлиқ, унга эгалик қилиш билан боғлиқ қонунчилик меъёрларидан келиб чиқилган. Хусусий шерик ушбу объект ва ердан шартнома шартларига асосан 49 йил мобайнида фойдаланиб даромад олиши, кейин эса давлатга топшириши белгиланган. Хусусий шерикнинг асосли сабаблари билан ушбу муддат қонунчиликка мувофиқ узайтирилиши мумкин.

Мазкур Қонунда давлат-хусусий шерикчилик бўйича қайси соҳаларда амалга оширилиши белгиланмаган. Албатта, бугунги кунда давлат-хусусий шерикчилик бўйича уни ривожлантириш ва инвестициялар оқими ҳажмини оширишда катта аҳамиятга эга. Лекин Қонунда амалга ошириш соҳалари белгиланмаган бўлса ҳам, ҳозирги кунда Ҳукумат қарорлари билан қурилиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда амалга оширилиб келмоқда ҳамда охириги икки йилда кенг оммалашди.

Мамлакатда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолининг яшаш даражасини ошириш ва иқтисодий барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 10 май 3-модда.

жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган давлатларида тадбиркорликни ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик моделидан кенг фойдаланилади. Давлат-хусусий шериклик мамлакатнинг инфратузилмасини ривожлантиришга, лойиҳаларни сифатли бажариш ва қурилишларни амалга оширишда муҳим ўзга хос ёндашув ҳисобланади. Хусусий тадбиркор давлат буюртмаларини бажариб қолмасдан иқтисодий ўсишга ҳам эришади. Буни ўзига хос икки томонлама манфаатли ҳамкорлик шартномаси деб ҳисобласак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳон банкининг 2018 йил яқунлари бўйича тайёрланган ҳисоботларига кўра, дунёнинг 135 та мамлакатида иқтисодиёт ва бошқа соҳаларга инвестиция киритиш ва лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикчилик механизмларидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Ушбу мамлакатларда барча соҳалар бўйича амалга оширилган инвестицион лойиҳаларнинг 15-20 фоизи айнан давлат-хусусий шерикчилиги ҳиссасига тўғри келади. Жаҳон банки томонидан ўрганилган дунёнинг 135 мамлакатида 1990-2012 йиллар давомидаги давлатнинг инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига давлат-хусусий шерикчилик асосида киритилган ўртача маблағнинг қиймати 200 млрд. АҚШ долларига етган.

Давлат-хусусий шерикчилик механизмларини Ўзбекистон Республикасида амалга оширишда ривожланган ва кўп йиллик тажрибага эга давлатларнинг тажрибаларини ўрганиб ўзимизга тадбиқ этиш ушбу соҳада ривожланишга ҳамда истиқболда лойиҳаларни амалга оширишда катта ҳисса қўшади.

Давлат-хусусий шерикчилик тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибасида шуни кузатишимиз мумкинки, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфраструктура лойиҳаларини самарали амалга ошириш ижтимоий инфратузилма яхшиланишида катта роль ўйнамоқда. Бу борада ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан саналади. Хусусан, G20 мамлакатлари ҳамда бошқа ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг давлат-хусусий шериклик муносабатлари борасида тажрибаларини ўрганиб, бу борадаги муваффақиятли амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш, айниқса, аҳамиятлидир.

Масалан, Жанубий Кореяда давлат-хусусий шерикликнинг ривожланишига таъсир қилган омиллар қуйидагилар:

- 1) Инфратузилмани ривожлантиришга бўлган талабнинг ошиши;
- 2) Иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаларни талаб даражасида ривожлантириш учун давлат бюджетининг етишмаслиги;
- 3) ДХШ моделининг Ҳукумат томонидан иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш йўли сифатида танланиши.

Жанубий Кореяда ДХШ ўзига давлат инвестицияларининг сезиларли қисмини олди, ДХШ орқали инфратузилма лойиҳалари учун йўналтирилган инвестициялар улуши 4 фоиздан 18,5 фоизгача ошди. Бу, ўз навбатида, давлатнинг чегараланган молиявий ресурсларига эҳтиёжларни қисқартириб, уларни бошқа мақсадлар учун йўналтиришга ёрдам берди.

Жанубий Кореяда ДХШ тизимининг ривожланиш тарихи шартли равишда учга бўлинади.

1. Биринчи босқич 1994 йил август ойида “Иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаларга хусусий инвестицияларни жалб қилиш тўғрисида (The Act on Promotion of Private Capital Investment in Social Overhead Capital)”ги қонун қабул қилиниши Кореяда муайян лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикчилик соҳасининг ривожланиши учун асосий тамал тоши бўлди.

2. Иккинчи босқич 1999 йилда давлат сиёсати доирасида турли механизмларни жалб қилган ҳолда давлат-хусусий шерикчилик асосидаги лойиҳаларни янада кучайтириш бўйича олиб борилган бир қатор чоратadbирлар билан белгиланди. Давлат томонидан қўллаб-қувватланиш шакли сифатида “минимал кафолатланган даромад” ва “асосий харажатлар компенсациялаш” кўзда тутилди. Давлат инвестицион рискларни ҳукумат харажатлари доирасида тақсимлади. Кераксиз бўғинларни қисқартириш орқали лойиҳаларни давлат (solicited) ва хусусий (unsolicited) деб таснифлаш орқали уларни амалга оширишнинг аниқ услублари ишлаб чиқилди. Лойиҳалар танлаб олиниши техник жиҳатдан амалга оширилиши ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги таҳлил қилиш амалиёти киритилди.

3. Учинчи босқичда 2005 йилдан бошлаб инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда “BTL (Build Transfer Lease ёки қурилиш-ўтказиш-лизинг)” ҳамкорлик шакли киритилди. Бундан ташқари, ДХШ орқали амалга оширилувчи лойиҳалар соҳалари кенгайтирилди. Ишлаб чиқариш объектлари билан бирга ижтимоий инфратузилма объектлари қўшилди.

Корея Республикаси давлат-хусусий шерикчилиқни ривожлантириш маркази (Public and Private Infrastructure Investment Management Center,

PIMAC) ташкил этилди. Корея Республикасининг инфратузилма кредитларини кафолатлаш жамғармаси (Korea Infrastructure Credit Guarantee Fund) фаолияти янада такомиллаштирилди ҳамда инфратузилма фонди ташкил этилди.

Корея Республикасида давлат-хусусий шерикчиликни жорий этишнинг тўртинчи босиқичига (2005 йилдан ҳозирги кунгача) ўтиши “Инфратузилмада хусусий иштирок тўғрисида”ги қонунга бир қатор ўзгартиришларни киритиш билан бошланди. Натижада, 2005 йилнинг январь ойидан бошлаб инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда “BTL (Build, Transfer, Lease ёки қурилиш-ўтказиш-лизинг)” каби ҳамкорлик схемасини қўллаш имкони пайдо бўлди. Бундан ташқари, давлат ўз лойиҳаларининг турларини кенгайтириб, ишлаб чиқариш объектлари қаторига ижтимоий бино ва турар жойларни қўшди.

Жанубий Кореяда давлат-хусусий шерикчиликнинг инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги тўртта асосий схемадан фойдаланилади: 1) Қурилган объект давлат ихтиёрида бўлади ва концессионер объектни муайян вақт давомида бошқаради; 2) Қурилган объект давлат ихтиёрида бўлади ва хусусий шерик ушбу объектни муайян вақт давомида ижара шартномаси асосида бошқаради, шунинг учун давлат объектдан фойдаланиш натижасида даромад олади; 3) Қурилган объект концессионер ихтиёрига маълум муддатга берилади, муддат тугаганидан сўнг мулкка эгалик давлатга қайтарилади; 4) Қурилган объект хусусий шерик ихтиёрига муддатсиз берилади.

Шундай қилиб, қабул қилинган шерикчилик шакллари халқаро таснифи нуқтаи назаридан, қонунчилик юқорида кўрсатиб ўтилган «BTL» шаклидан ташқари, қуйидаги механизмлардан фойдаланишни белгилаб бермоқда: “BTO (Build-Transfer-Operate ёки қурилиш-ўтказиш-бошқариш)”, “BOT (Build-Operate-Transfer ёки қурилиш-бошқариш-ўтказиш) ва “BOO (Build-Own-Operate ёки қурилиш-эгалик қилиш-бошқариш).

**Давлат томонидан эълон қилинган лойиҳалар.** Ваколатли давлат органи хусусий инвестициялар учун лойиҳани аниқлайди ва таклиф бериш учун сўров эълон қилади. Ваколатли давлат органи тегишли режа ва талабларни ўрганиб чиқиб, эҳтимолий лойиҳани ишлаб чиқади. Шундан кейин лойиҳани амалга оширишда одатий тўғридан-тўғри ёки ДХШ шаклида амалга ошириш маъқуллигини аниқлайдилар.

**Хусусий компаниялар томонидан таклиф этилган лойиҳалар.** Бу тоифадаги лойиҳалар хусусий компаниялар томонидан ташаббус қилинади. Ваколатли давлат органлари кўриб чиқиб, бу лойиҳанинг таркиби, нарх ва сифат мутаносиблиги, ДХШ шаклида амалга ошириш имкониятларини баҳолайди.

ДХШ давлатга тўловлар, кафолатлар, субсидия ва бошқа шаклдаги молиявий мажбуриятлар, жумладан, хатарлар (талаб/таклиф, хорижий валюта, шартномани бекор қилиш мажбуриятлари) кўринишдаги мажбуриятларни юклаши мумкин. Ҳозирги кунда ДХШ орқали амалга оширилиш мумкин бўлган соҳаларнинг умумий сони 53 тага етди. Бугунги кунга қадар ДХШ асосида 12 та асосий соҳалар бўйича амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий сони 699 та бўлиб, 700 000 млн. Корея вонидан ортиқ суммага етган.

Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш;

- давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

- мавжуд ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга, тиклашга, ундан фойдаланишга, уни сақлашга кўмаклашиш;

- ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

- давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва улардан эркин фойдаланишни кенгайтириш;

- хусусий секторнинг молиявий маблағларини, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш;

- давлат-хусусий шерикликнинг институционал-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услуб ва технологияларни жорий этиш.

Уч фазадан иборат баҳолаш жараёнида лойиҳанинг амалга оширилиши рад этилиши ёки амалга оширилиши маъқулланиши ва маъқулланган тақдирда ким томонидан (давлат ёки хусусий) амалга оширилиши аниқланади. Лойиҳаларнинг амалга оширилиши жараёнини бошқариш ва мониторинг қилиш сўнгги босқич сифатида ДХШ лойиҳасини муваффақиятли якунлашни таъминлайди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда, уларнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун мамлакатимиз томонидан ҳуқуқий база шаклланган. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларга кўра уларни ривожлантиришда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунлар давлат-хусусий шерикликнинг илк асосий ҳужжатларидан ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларга

кўра, хусусий корхона ва жисмоний шахслар давлатга тегишли корхоналарнинг бир қисми ёки ҳаммасини сотиб олишлари, хусусийлаштириши мумкин. Ушбу Қонун ҳужжатларига асосан, мустақиллик йлларида бошлаб давлат ташкилотлари, корхоналари ва давлатга тегишли улушлар хусусий мулкларга ўтказилди. Натижада давлатнинг маълум бизнесига хусусий корхона, жисмоний шахслар шерик ҳисобланди. Қонун ҳужжатларидан кўзланган асосий мақсад тадбиркорликни ривожлантиришда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда, давлат аҳамиятига молик ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Бунинг замирида давлат ва хусусий мулкчилик асосида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятларда корпоратив муносабатлар ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида инновацион лойиҳалар-стартларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи **Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи республика раҳбарияти томонидан маъқулланган.

Давлат-хусусий шериклиги – инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳалар ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи.

Бунда давлат бошқаруви, ҳудудий ҳукумат органлари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатланган бошқа давлат ташкилотлари давлат шериги бўла олади.

Хусусий шерик – Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахс, хорижий юридик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истигада бўлган халқаро ташкилот. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир.

Ҳамкорлик, асосан, лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қурилиш, тиклаш, илмий тадқиқотлар, хизмат кўрсатиш, эксплуатация ва ишончли бошқарувни амалга оширишни ўз ичига олади. Маълум бир лойиҳа доирасида шериклар билан бирга хизмат қилишнинг асосий шартлари шартномада белгиланади. Уни тузиш учун эса тендер ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республикамиз ҳудудларига ташрифлари жараёнида ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб,

аҳолини қийнаб келаётган мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимини топишга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.<sup>63</sup>

Мазкур муаммолар тизимли муаммолар бўлиб, булар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли реал даромадларини ошириш, инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортбоп юқори технологияли маҳсулотлар яратиш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда уларга қулай шароитлар яратиш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда ДХШ соҳасини ривожлантиришда қуйидаги жаиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- бошланғич босқичда солиқ мажбуриятларини инобатга олган ҳолда давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантиришда стратегик режалаштириш;

- давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- давлат-хусусий шерикликдаги соҳаларни аниқлаш;

- ДХШ лойиҳаларини “Нарх ва сифат мутаносиблиги” механизмида баҳолашнинг амалга оширилиши;

- ДХШ фаолиятини янада ривожлантиришда ДХШни қўллаш соҳаси ва лойиҳалари бозорини ривожлантиришни таъминлаш, маҳаллий ва хорижий хусусий инвесторларнинг таклифларини рағбатлантириш, фойдаланилмаётган ресурсларни жалб этиш;

- хусусий сектор вакиллари доирасида доимий равишда ДХШ афзалликлари бўйича семинарлар, ўқитиш ишлари ва кўргазмалар ташкил этиш ҳамда давлат томонидан ДХШ доирасида фаолият юритаётган хусусий корхоналар учун турли рағбатлантириш механизмларини (имтиёзлар, кафолатлар ва ҳоказо) қонун доирасида жорий этиш.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари қайсилар?

А. Давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги.

Б. Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги.

С. Хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва ҳолислик, камситишга йўл қўймаслик, коррупцияга йўл қўймаслик.

Д. \*Барча жавоблар тўғри.

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташрифлари давомида юклатилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги 482-сонли Қарори.

**2. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатинг.**

А. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш.

Б. Мавжуд ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга, тиклашга, ундан фойдаланишга, уни сақлашга кўмаклашиш, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва улардан эркин фойдаланишни кенгайтириш.

С. Хусусий секторнинг молиявий маблағларини, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шерикликнинг институционал-хуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услуб ва технологияларни жорий этиш.

Д. \* Барча жавоблар тўғри.

**3. Давлат бошқарувининг замонавий усулларини кўрсатинг.**

А. Аутсорсинг.

Б. Краудсорсинг.

С. Давлат-хусусий шериклиги.

Д. \* Барча жавоблар тўғри.

**4. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органини кўрсатинг.**

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Б. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги.

С. \* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги.

Д. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги.

**5. “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган?**

А. 2018 йил 27 июнь.

Б. \* 2019 йил 10 май.

С. 2018 йил 14 декабрь.

Д. 2019 йил 21 декабр.

**6. Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари нималардан иборат?**

А. Қонунга бўйсунуш; ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инobatга олиниши ва масъулият;

Б. Тенг ҳуқуқлилик; мустақиллик; мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги.

С. Очиқлик ва шаффофлик; холислик; ҳаммабopлик.

Д. \*Барча жавоблар тўғри.

**7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг молиявий манбаларини белгиланг.**

А. Бюджет маблағлари, халқаро ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотлари, молия институтлари ҳамда бошқа донорларнинг грантлари ва кредитлари (қарзлари).

Б. Юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг хайрия маблағлари.

С. Чет-эл тадбиркорлари томонидан киритган инвестициялар.

Д. \* А ва Б жавоб тўғри.

**8. «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш қайси органга юклатилган?**

А. Олий Мажлисга.

Б. Президент администрациясига.

С. \* Вазирлар Маҳкамасига.

Д. Сенатга.

**9. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони неча нафар этиб белгиланган?**

А. 40 нафар.

Б. 35 нафар.

С. \* 30 нафар.

Д. 25 нафар.

**10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига директор лавозимига ким тайинланиши белгиланган?**

А. \*Молия вазирининг ўринбосари.

Б. Иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари.

С. Директор бош вазир томонидан тайинланади.

Д. Агентлик ходимлари томонидан сайланади.

## ГЛОССАРИЙ

**Давлат шериги** — Ўзбекистон Республикаси бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари,

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа органлар (ташкилотлар) ёки уларнинг бирлашмалари унинг номидан иш юритади.

**Давлат-хусусий сектор шерикчилиги** – ўзаро манфаат ва хавфларни тақсимлаш асосида юзага келган бўлиб, давлат ва хусусий сектор вакилларининг ўзаро муносабатлар мажмуи, унинг мақсади моддий ёки давлат хизмати тақдироти шаклидаги келишилган натижага эришиш.

**Давлат-хусусий шериклик** – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги.

**Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси** – иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

**Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси** – давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, ушбу лойиҳанинг қиймати ва тавсифини белгилайдиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини, асосий тавсифномалари ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат.

**Давлат-хусусий шериклик объекти** – лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар.

**Давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланилиши учун тўлов** – давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ, давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) ва (ёки) ушбу объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишини таъминлаганлик учун хусусий шерикка давлат шериги томонидан амалга ошириладиган тўловлар.

**Жорий мақсадлар** – бир йил, йил чораги, бир ой ва ундан ҳам камроқ муддат мобайнида амалга ошириладиган мақсадлар тушунилади. Масалан, корхона бўлимлари олдидан бир йил мобайнида амалга

оширилиши мўлжалланган қуйидаги функционал жорий мақсадлар қўйилган бўлиши мумкин.

**Ижтимоий тадбиркорлик** – ижтимоий ташкилот ёки мақсади моддий фойда олиш бўлмаган ареналарда ижтимоий муаммоларга бефарқ бўлмаган ва инновацион ечимларни таклиф этадиган шахслар қатлами.

**Хусусий шерик** – Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмаси.

**Меритократия** – ижтимоий келиб чиқиши, насл- насаби, ирқи, динидан қатъи назар, энг қобилиятли (ақлий салоҳият нуқтаи назаридан) ва фозил (миллатпарвар) технократлар мустақил давлатни бошқаради. Керак бўлса, халқнинг бугунги иродасига қарши, лекин узоқ муддатда миллат учун манфаатли бўлган сиёсат ва ислохотларни олиб боради. Шу билан бирга, халқ сиёсатга аралашмагунча, кундалик ҳаётида нисбатан озод яшашга йўл қўйилади, одамлар ҳар қадамда назорат қилинавермайдиган тизим.

**Узлуксиз мақсадлар** – ҳар куни қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган одатий мақсадлар. Масалан, меҳнат унумдорлигини ўстириш, интизомни мустаҳкамлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш кабилар мунтазам, кунда талаб қилинадиган мақсадлар.

## МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ АСОСИ

Кейинги йиллар давомида мамлакатимизда Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли барча жабҳаларда туб ўзгаришлар рўй бермоқда, халқимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалмоқда. Жамиятимизда янгича қадрият ва анъаналар шаклланимоқда. Инсон муносиб ҳаёт кечириши, уларнинг шаъни ва қадр қийматини ҳимоя қиладиган, кафолатлайдиган ҳамда Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган Конституциямизда қатор ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгаришлар негизида аҳолининг эркин иқтисодий фаолият олиб боришларини кафолатловчи ва мулк дахлсизлигини таъминловчи қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Ана шу принципни амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжуд бўлиши керак”<sup>64</sup>, деб таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, энг демократик қонунларни қабул қилиш осон, аммо уни ҳаётга татбиқ этиш жиддий масъулият ва меҳнатни талаб этади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, инсонга тегишли барча фундаментал ҳуқуқлар, хусусан, мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқи кафолатлари амалда намоён бўлиши лозим.

Бугунги кунда иқтисодий тараққиётнинг локомотив тармоқларидан саналган ҳамда иқтисодий фаолликни оширувчи, фуқароларнинг ҳаёт турмуш фаровонлигини таъминловчи тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан биридир. Албатта, бундай фаолиятнинг самарали олиб борилиши унинг ўз маблағлари эвазига шакллантирилган мулкларининг иқтисодий хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалар сирасига киради, десак муболаға бўлмайди. Реал ҳаётда учрайдиган муаммолар фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги қатор тўсиқлар ва мулк

<sup>64</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

муносабатлари юзасидан бюрократик аралашувлар уларнинг иқтисодий фаоллашувини секинлаштирибгина қолмай, жамият тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ана шу реал воқеаликларда учрайдиган салбий ҳодисалар танқиди Президентимиз маърузасида ҳам таъкидлаб ўтилди ҳамда бу муҳим олтинчи вазифада ўз аксини топди. Конституциямизнинг 53-моддасида кафолатланганидек, “Фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясида бўлиши лозим”<sup>65</sup>.

Мамлакатда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз аксини топмоқда<sup>66</sup>. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида “иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш”дек устувор вазифалар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни тадбиқ этиш шу кундаги ислохотларимизнинг мазмунини касб этади<sup>67</sup>.

Умуман олганда, бундай “... ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир”<sup>68</sup>. Шундай экан, бугунги кунда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш масалалари ўзига хос долзарблик касб этади. Олиб борилган ислохотлар натижасида ўтган йиллар давомида тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний

<sup>65</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. //Lex.uz

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Т.: ПФ-4947-сон. 3-4-банд.

<sup>68</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 6 бет.

аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишларни амалга оширдик.

Ўзбекистонда бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг якунига келиб мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошловчилар учун “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш тобора кенгайтирилди<sup>69</sup>. Бу эса “ягона дарча” марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашувни белгилаш имкониятини берди.

Давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармониға мувофиқ, эксперимент тариқасида 444 та бўш турган давлат кўчмас мулк объекти 1 сўмға тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича электрон савдо майдончасида аукционға чиқарилиб, шундан 310 та объект 172 миллиард сўм инвестиция киритиш ҳамда 3 536 та янги иш ўрни яратиш шарти билан 11,2 миллиард сўмға сотилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг юқоридаги Фармонда белгиланган давлат мулки объектларини сотиш тартибини соддалаштириш бўйича эксперимент ўтказиш муддати 2020 йил 1 январға қадар узайтирилган эди.

Олиб борилган чора-тадбир натижада 2018 йил якуниға келиб мамлакатда бизнесни юритиш қўламларида “ягона дарча” тизими фаолиятининг янада фаоллашуви туфайли кичик бизнес субъектларининг эркин фаолият юритиши бўйича сезиларли ўсиш тенденциялари намоён бўлди. Бунға мисол сифатида Ўзбекистонда бизнес юритишнинг халқаро рейтингдаги ижобий ўзгаришларини келтиришимиз мумкин. Хусусан, Жаҳон банки “Doing Business” гуруҳининг йиллик ҳисоботларида ишбилармонлик муҳитининг ривожланиши бўйича Ўзбекистонға тегишли рейтинг кўрсаткичлари сезиларли ўзгариб бормоқда. Масалан, “Doing Business” гуруҳининг 2010 йилдаги ҳисоботида (DB-2010) Ўзбекистон рейтинги 150-ўринда деб белгиланган бўлса, DB-2019 ҳисоботида

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 301-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 09/18/428/1337-сон.

жаҳоннинг 190 та мамлакатлари орасида Ўзбекистон рейтинги 76-ўринга тўғри келмоқда<sup>70</sup>. Британиянинг “The Economist” нашри анъанавий тарзда ҳар йили демократия соҳасида энг катта ютуқларга эришган давлатни “Йил мамлакати” деб эълон қилади. 2019 йилда бундай номга Ўзбекистон муносиб деб топилди<sup>71</sup>.

Ислохотларнинг талаби ўлароқ, кичик бизнес субъектлари йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш бугунги куннинг янада долзарб масаласи ҳисобланади. Шундай муаммолардан бири – мулк дахлсизлигини таъминлаш. Шу сабабли, хусусий мулк дахлсизлиги давлат томонидан ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конституциямизда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги қатъий мустаҳкамланган. Қайд этиш жоизки, истиқлолнинг ўтган йиллари давомида мамлакатимизда ушбу конституциявий қоида асосида хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли норматив-ҳуқуқий асос ва кафолатлар, жумладан, тадбиркорлик учун зарур шароит ва имтиёзлар яратиш бўйича кўпгина ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бунда асосий эътибор хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг ҳимоясини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилмоқда. Чунончи, 2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, бевосита хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг ҳуқуқий ҳимоясига бағишланган бундай қонун камдан-кам давлатлар тажрибасида учрайди. Ушбу ҳужжатда мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли эканлиги қатъий норма сифатида белгилаб қўйилган. Қонунда, шунингдек, хусусий мулкни ҳимоя қилиш масаласига алоҳида урғу берилган. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қуйидаги усуллари қайд этилди:

хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш;

хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатлар олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

<sup>70</sup> [https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB\\_2019-report\\_web-version.pdf](https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB_2019-report_web-version.pdf)

<sup>71</sup> <https://www.economist.com/leaders/2019/12/21/which-nation-improved-the-most-in-2019>

давлат органи ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши;

давлат органи ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги<sup>72</sup>.

Хусусий мулк вужудга келиши усулларида бири давлат мулкни хусусийлаштиришдир. Қонунда давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида вужудга келган мулкнинг дахлсизлиги қатъий белгиланган. Унда, шунингдек, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсизлиги, хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Бугунги кунда мазкур нормани ҳаётга татбиқ этиш, яъни давлат мулкни хусусийлаштириш йўли билан хусусий мулкдорлар сафини кенгайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сўнги йилларда мулкдорларнинг мулк ҳуқуқларини давлат органлари ва ҳар қандай шахслар томонидан бузилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ҳам айнан шу мақсадни кўзлаши билан аҳамиятлидир. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят, Фуқаролик, Ер ва Уй-жой кодексларига бевосита хусусий мулк ҳуқуқи ҳимояси механизмини таъминловчи қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс “Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш” деб номланган 241<sup>1</sup> - модда билан тўлдирилди. Унда назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органи ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан, мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек, мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.

уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, оз миқдордаги талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда маъмурий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган<sup>73</sup>.

Мазкур Кодекснинг 241<sup>11</sup> - моддасида эса кўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузиш, яъни олиб қўйилаётган ер участкасидаги тадбиркорлик субъектларига тегишли биноларни, бошқа иморатларни, иншоотлар ёки бузиб ташлаганлик учун, агар бу иш дов-дарахтларни бузиб ташлаганлик учун, зарарнинг ўрнини мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопламаган ҳолда содир этилган бўлса, маъмурий жавобгарлик жорий қилинди<sup>74</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳам “Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш” деб номланган 192<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди. Унга биноан, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органи ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан, мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек, мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди<sup>75</sup>.

Мулккий муносабатларда кўчмас мулк ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бунда кўчмас мулк ўзининг ҳуқуқий табиати ва қиймати жиҳатдан ҳам бошқа мулклардан ажралиб туради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотлар ёки экинларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан, тўлиқ қоплангунига қадар йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи алоҳида норма билан тўлдирилди<sup>76</sup>.

Муҳтасар қилиб айтганда, Конституция ва амалдаги қонун ҳужжатларимизда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш механизми билан боғлиқ нормалар тўлиқ тажассум топган бўлиб, бу, ўз навбатида, мулкдорлар ҳамда хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини самарали амалга оширишга ҳуқуқий кафолат сифатида хизмат қилиб келмоқда.

<sup>73</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон.

<sup>74</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон.

<sup>75</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон.

<sup>76</sup> <https://lex.uz/acts/111189>.

Тадбиркорлар учун қулайликни ошириш мақсадида, айниқса, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қурилиш учун рухсатномалар олиш, электр таъминоти тизимига уланиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш, халқаро савдо, контрактлар ижросини таъминлаш соҳаларида ислохотларни изчил давом эттириш зарур. Бу борада 2019 йилнинг 5 февралидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4160-сонли Қарори кучга кирганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Унга кўра, Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ҳамда 2022 йилга келиб республиканинг 20-ўринга эришишини назарда тутувчи Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг «Бизнес юритишни яхшилаш – 2022» мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди<sup>77</sup>.

Юқоридаги чора-тадбирлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади, деб ҳисоблаймиз. Тадбиркорликни фаоллаштиришга, инновацион ғояларни кенг жорий этиш ва технологияларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратиш бу каби муаммоларни бартараф этишга олиб келади.

Бундан ташқари, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Ўзбекистон Республикасида мулк шакллари –

А. \* Хусусий ва оммавий.

В. Хусусий, оммавий ва умумий мулк.

С. Хусусий мулк, ширкат (жамоа) мулки, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкidan (коммунал мулкдан) иборат давлат мулки,

<sup>77</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.02.2019 й., 07/19/4160/2578-сон; 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон.

аралаш мулк, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки.

D. Шахсий ва давлат мулки.

**2. Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи – ...**

A. \* Мулкни қўлда ёки бирор жойда сақлаб туриш.

B. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

C. Мулкнинг юридик тақдирини белгилаш.

D. Мулкнинг иқтисодий хусусиятларини юзага чиқариш.

**3. Мулк дахлсизлиги нима?**

A. \* Мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашлари.

B. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мулкдорнинг ички ишларига аралашмаслиги.

C. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мулкдор ҳуқуқларини таъминлашдаги фаолияти билан боғлиқ мезон.

D. Тўғри жавоб йўқ.

**4. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи...**

A. \* Мулкнинг иқтисодий хусусиятларини мақсадга мувофиқ равишда ўзлаштиришдир.

B. Мулкни сотиб юбориш.

C. Мулкни исталган шакл ва усулда амалга ошириш.

D. Мулкни ўзга шахслар орқали реализация қилиш деган.

**5. Хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари?**

A. \* Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

B. Ҳар қандай ашё хусусий мулк бўлиши мумкин.

C. Ердан ташқари ҳар қандай ашёлар хусусий мулк бўлиши мумкин.

D. Ҳаво бўшлиғидан ташқари ҳар қандай ашёлар хусусий мулк бўлиши мумкин.

**6. Мулк ҳуқуқи тамойиллари бу –**

A. \* Қонун ҳужжатлари мазмунига сингдирилган бошланғич, асосий қоидалар.

B. Қонун ҳужжатлари.

C. Қонуности актлари.

D. Тўғри жавоб йўқ.

**7. Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганда ким қандай асосларда жавобгар бўлади?**

A. \* Давлат, субсидиар асосда.

B. Давлат, солидар асосда.

C. Давлат, тўла асосда.

D. Корхонанинг ўзи тўла асосда.

**8. Мол-мулкни сақлаш вазифаси –**

A. \* Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаса, мулкдор зиммасида.

B. Давлат зиммасидадир.

C. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасида.

D. Барча жамият аъзоларининг зиммасидадир.

**9. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суниистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмаслиги – ...**

A. \* Мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартларидан бири.

B. Муомала лаёқати.

C. Мулк ҳуқуқини амалга оширишни чекловчи шартлардан бири.

D. Ашёвий ҳуқуқ реализацияси.

**10. Фуқаролик ҳуқуқи объектларининг муомалада бўлиш хусусиятлари қандай?**

A. \* Эркин муомаладаги, эркин муомаладан чиқарилганлиги, муомалада бўлиши чекланганлиги билан характерланади.

B. Барча объектларнинг муомалада бўлиши эркиндир.

C. Фуқаролик ҳуқуқи объектларининг муомалада бўлиши субъектларнинг субъектив эрк-иродасига боғлиқ.

D. Тўғри жавоб йўқ.

## ГЛОССАРИЙ

**Мулк ҳуқуқи** – мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

**Хусусий мулк** – хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи.

**Мулкчилик муносабатлари** – мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар.

**Мулкдан фойдаланиш** – мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истеъмол қилиниши.

**Мулкни тасарруф этиш** – мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

**Мулкка эғалик қилиш** – мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

**Давлат тасарруфидан чиқариш** – давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтирилиши.

## **АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ишларни дебочаси сифатида 2016 йилда ташкил қилинган [pm.gov.uz](http://pm.gov.uz) - Ш.М.Мирзиёевнинг виртуал қабулхонаси фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилишга бўлган конституцион ҳуқуқини сўзсиз амалга оширилишига кўмаклашиб келмоқда. Ҳар бир фуқаро ушбу ахборот тизими ёрдамида ўз ариза, таклиф ёки шикоятини Ўзбекистон Республикаси Президентига юбориши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига асосан ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

2019 йил 20 декабрь кунгача келиб тушган 3470489 та мурожаатларнинг 3409168 таси (98%) кўриб чиқилган<sup>78</sup>.

Келиб тушаётган мурожаатлардан фуқароларимизнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кўникмалари мавжудлигини кўриш мумкин. АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари) соҳасини ривожлантириш борасида Президентимиз томонидан кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди.

**Давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.**

Давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ахборотнинг очиқлиги, шаффофлиги, ошкоралик ва сифат даражаси халқро талабларга мос бўлишини тақозо этади. Шунга кўра, мамлакатимизда давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлашда ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, *электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш* бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Аммо давлат органлари фаолиятига доир ахборотнинг фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказишдаги амалдаги механизмлари халқро талабларга тўла жавоб бермайди.

Шунинг учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

<sup>78</sup> [pm.gov.uz](http://pm.gov.uz) - Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси.

стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ахборот очиқлиги ва шаффофлигини ошириш бўйича янги вазифалар белгиланди.

Жумладан, очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузиш, устувор халқаро маълумотлар базаларини ўрганиб чиқишга масъул вазирлик ва идоралар рўйхати, маълумотларнинг очиқлик ҳолатини ўрганиш, “Очиқ маълумотлар индекси” ва “Очиқ маълумотлар барометри” талабларига мувофиқлиги, тегишли индикаторларни жойлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши белгиланган.

Шулардан бири 2019 йил 10 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги Қонунни келтириш мумкин. Бу, айниқса, Ўзбекистон АКТ бозорида дастурий таъминот ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамиятлар ва хусусий корхоналарнинг фаолиятлари сезиларли даражада ошишига хизмат қилмоқда. Оддий сўз билан айтганда, дастурчилар томонидан қилинган дастурий маҳсулотлар маблағларини ўз вақтида олиш, нафақат республика миқёсида, балки турли давлатларнинг буюртмаларини бажариш бўйича ҳам имкониятларга эга бўлди. Бундай ишларни амалга оширишга давлатнинг ўзи кафил бўлгани ҳолда буюртмаларни қабул қилмоқда. Бу, албатта, уларга катта енгиллик беради ҳамда ўртадаги хавф ўз-ўзидан бартараф бўлади. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шarti бўлди.

Албатта, бу ишларни амалга оширишда юқори малакали кадрлар муҳим роль ўйнайди. Зеро, “кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражали эътибор қаратиш лозим”.

Юқорида таъкидланганидек, кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини баҳолаб боришда ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш лозим. Яъни ўз ичига давлат хизматчилари маълумотларини олган алоҳида платформа орқали раҳбар кадрлар фаолиятини компетенция асосида баҳолаб боришни йўлга қўйиш лозим.

Демак, бу платформа орқали қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:


- раҳбар кадрларни компетенция бўйича баҳолаш платформи;
- баҳолаш натижалари асосида зарур кўрсатмалар бериш;
- давлат хизматчиларининг электрон портфолиоси;
- электрон контентлар базаси;

- масофадан давлат хизматчилари фаолияти мониторингини юритиш ва баҳолаш механизми.

Шу асосида ҳозирда трендга чиқиб бораётган “машинали ўқитиш”га раҳбар ходимларни жалб қилиш лозим, яъни тизим ёки портални ўзи унга кўрсатмалар берсин. Албатта, портал маълум бир талаблар асосида ўз ишининг билимдони бўлган ходимлар (профессорлар, тьюторлар, ўқитувчилар ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқирилиши лозим. Буни амалга ошириш орқали очиқлик ва шаффофлик таъминланади. Шу натижалар асосида ҳар бир раҳбар ходим фаолиятига керакли баҳо берилади. Керак бўлса, кўшимча устамалар, мукофотлар, ҳаттоки, лавозимлари оширилиши мумкин бўлади. Буларнинг барчасини очиқ ва шаффоф, шунингдек, аниқ ва содда қоидаларни олдиндан барчага эълон қилган ҳолда амалга оширилиши катта самара беради. Ҳар бир раҳбар ходим ўз устида ишлайди. Бунинг натижасида олинган билимлар нафақат фуқаролар, балки инвесторлар билан бўладиган мулоқотларни самарали ўтишига олиб келади. Бу билан эса уларнинг раҳбарларга бўлган ишончи ошиши ҳамда фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Давлат хизматлари марказлари “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” тамойил асосида хизмат кўрсатмоқда.

2019 йилнинг 21 декабрь ҳолатига кўра, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат хизматлари марказлари томонидан фаол хизмат кўрсатиб келинмоқда <sup>79</sup>.



<sup>79</sup> <https://my.gov.uz/uz/site/statistic-page>

Ўзбекистонда ўз паспортига эга бўлган жисмоний шахслар сони 20 млн. киши ҳисобида оладиган бўлсак, улардан атиги 140.2 минг киши, яъни 0,7% фуқаро [my.gov.uz](http://my.gov.uz) - Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан рўйхатдан ўтган. Бу жуда ҳам кам. Бу портал орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 180 тани ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги автоматик равишда ишлайди, яъни кўп вақт талаб қилмасдан онлайн равишда жавоб беради. Агарда фуқаролар мана шу порталдан фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлса, кўплаб муаммоларни (коммунал тўловларни тўлашдаги навбатлар, жамоат транспортидаги тирбандлик, вақтни тежаш, банк ходими иш жараёнининг осонлашиши ва бошқалар) бартараф этишга ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг атиги 2 % АКТга тўғри келади. Ривожланган давлатларда бу соҳа ЯИМнинг 7-8%ни эгаллайди. Жанубий Корея, Япония каби давлатларда эса бу кўрсаткич 11-12%ни ташкил этади. Ўзбекистон бу соҳани ривожлантириш бўйича кенг имкониятларга эга. Дастурлашни ривожлантириш бўйича юртимиз кўплаб истеъдодларга эга.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йилнинг 9 ойлик ҳисоботларига кўра, АКТ соҳасида кўрсатилган хизматлар 7.9 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари экспорти 102.5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган<sup>80</sup>.

#### Ахборот технологиялари соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари



<sup>80</sup> [mitc.uz](http://mitc.uz) - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги расмий веб-сайти.

Бундан ташқари, компьютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми 646.6 млрд. сўмни, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар экспорти 10 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Uz доменида фаолият олиб боровчи сайтлар сони 70,5 мингдан ошиб кетган. Демак, ҳар ойда миллий веб-ресурсларга ўртача ташрифлар сони 58-59 млн.ни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич ойдан-ойга ўсиб бормоқда. Ўз навбатида, миллий банк карталаридаги онлайн транзакциялар, электрон тизимлар орқали тўловлар миқдори, онлайн банкинг хизматлардан фойдаланувчилар ва электрон тижорат сайтларига ташриф буюрувчилар сони ошиб бормоқда.

Миллий домен ва контентдаги маълумотлар базаси қанчалик кўп ва фойдали бўлиши Ўзбекистондаги Интернет тезлиги янада ошишига хизмат қилади.

2019 йил 20 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига (IT PARK) ташриф буюрди, унинг янги биносини қуришга тамал тошини қўйди.

Соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш мақсадида бу ерда яна етти лотда қурилиш ишлари олиб борилиб, ИТ-офислар, бизнес маркази, меҳмонхона ва бошқа бинолар барпо этиш режалаштирилган. Технопаркда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2020 йилда 10 миллион доллардан ортиши, 2025 йилда эса 100 миллион долларга етиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 150 миллион доллар.

“Иқтисодийтимиз барқарорлиги, ҳар бир соҳанинг сифати ва самарадорлиги, аҳолига қулайлик яратиш ахборот технологиялари билан боғлиқ. Шунинг учун бу соҳага янада кенг имконият, зарур инфратузилма яратиш, мутахассисларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қобилиятли ёшларни тарбиялаш керак”, – деди Шавкат Мирзиёев.

IT PARKда мутахассислар учун барча қулайликлар яратилган, истиқболли стартап-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. Ахборот технологиялари, молия технологиялари, логистика, электрон тижорат, электрон таълим, биотехнология ва бошқа йўналишлардаги илк лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мазкур технопарк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтган 300 дан ортиқ корхоналар 2028 йилнинг 1 январига қадар солиқ ва божхона тўловларидан озод этилган.

Масалан, ҳозирда АҚШдаги транспорт корхоналарига логистика ҳамда кафеларга аутсорсинг бўйича технологик хизмат кўрсатиш йўлга

қўйилган. Технопаркнинг бу каби хизматлари арзонлиги, сифатлилиги билан хорижликларга маъқул бўлмоқда<sup>81</sup>.

Президентимиз АКТларидан самарали фойдаланишнинг нақадар зарур эканлигини яна бир бор таъкидлаб шундай деди: “Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда ўзини намоён этмоқда. Ўз вақтида ахборот технологияларига эътибор қаратганимиз яхши натижалар бермоқда. Битта дастурий маҳсулот давлатимизга қанча наф келтиради, коррупция, бюрократияни бартараф этади, одамларга қулайлик яратади. Ҳар доим ёдда тутингларки, сизларнинг ишингиз жудаям муҳим”<sup>82</sup>.

Шуни назарда тутиш керакки, жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳам АКТ муҳим роль ўйнайди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда”.

Маълумки, ҳозирги вақтда аҳоли томонидан бериладиган ҳар қандай саволга ўз вақтида жавоб берилмаса аҳоли ўртасида салбий маълумотлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт” – деб яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Президент таъкидлаганидек, “Яширишнинг ҳожати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда “қонунни четлаб ўтиш” бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди. Бундай иллатнинг илдизларини қирқишга қаратилган ишларни, қандай қийин бўлмасин, аста-секин амалга оширмоқдамиз”. Албатта, бу ишларни амалга оширишда АКТдан самарали фойдаланилмоқда ва кўрсатилаётган хизматлар такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4546-сонли Қарорига кўра 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан талаб қилиниши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилишига йўл қўйилмайдиган 28 та ҳужжатлар бекор қилинди.

<sup>81</sup> mitc.uz - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги расмий веб-сайти.

<sup>82</sup> pm.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси.

Шунингдек, 2020 йил 1 январдан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларига ўн битта функциялари ва ваколатлари ўтказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатлари билан тузилган, 2020 йил 1 январдан бошлаб идоралараро коллегиал органлар тугатилди. Бу ҳам давлат томонидан очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Барчамизга маълумки, [avtoraqam.uzex.uz](http://avtoraqam.uzex.uz) –авторақамлар онлайн аукциони орқали рақамларни остиш бўйича очиқ ва ошқора тизим йўлга қўйилган. Президентимиз шундай тизимни “Соҳада очиқлик ва ошқораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш керак”, деган фикрни таъкидлаб ўтди.

Буни АКТ орқали амалга ошириш очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Адлия вазир Р.Давлетов Сенатнинг 25-ялпи мажлисида берган ахборотида “Аукционда ютган шахс учун ҳокимнинг қарори ҳам керак эмас”, деб айтиб ўтди. Ҳозирда аукционда ютиб туриб яна сарсон бўлиб юрган тадбиркорларни кўришимиз мумкин. АКТ тизимлари эса, албатта, шу каби кўплаб сарсонгарчиликларнинг олдини олади.

Шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатишда инсоннинг ҳаётий циклига ўтган ҳолда амалга оширилиши катта фойда келтиради.

Статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони ойдан-ойга ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич ошса ошадики, асло тўхтамайди. Шунинг учун аҳоли билан ишлашда АКТлардан самарали фойдаланиш давр талаб ҳисобланади.

### Ўзбекистонда мобил интернет фойдаланувчилари



Бундан кўриш мумкинки, ахборот технологиялари очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим воситалардан биридир. Албатта, буни амалга оширишда ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

### ТЕСТЛАР

**1. Ягона интерактив давлат хизматлари порталини кўрсатинг.**

- A. my.gov.uz
- B. my.gow.uz
- C. mygow.uz
- D. mygov.uz

**2. Ягона идентификациялаш тизими сайтини кўрсатинг.**

- A. pm.gov.uz
- B. id.gov.uz
- C. id.uz
- D. mygov.uz

**3. Президентга мурожаат порталини кўрсатинг.**

- A. pm.gov.uz
- B. id.gov.uz
- C. id.uz
- D. mygov.uz

**4. Очиқ маълумотлар – бу ...**

A. Кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машинада ўқиладиган форматда Интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот.

B. Кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот.

C. Кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиладиган ахборот.

D. Интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб адреси.

**5. Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар порталини юритиш бўйича ваколат қайси ташкилотга берилди?**

A. Давлат статистика қўмитаси.  
B. Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги.  
C. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги.

D. Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор.

**6. Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали кўрсатинг.**

- A. date.gov.uz
- B. data.gov.uz
- C. date.gow.uz
- D. data.gow.uz

**7. "Ҳукумат - бу ҳакам, у ҳеч қачон ўйинчи бўлишга ҳаракат қилиши керак эмас", деган иборани ким айтган?**

- A. Дейл Карнеги.
- B. Роналд Рейган.
- C. Натан Майер фон Ротшильд.
- D. Герхард Шредер.

**8. "Жисмоний ва юридик шахслар маълумотлар базаси" қайси домен остида хизмат кўрсатмоқда?**

- A. ilds.gov.uz
- B. my.gov.uz
- C. id.gov.uz
- D. my2.gov.uz

**9. "Идоралараро интеграцион платформа" қайси домен остида хизмат кўрсатмоқда?**

- A. ilds.gov.uz
- B. classifiers.gov.uz
- C. id.gov.uz
- D. ijro.gov.uz

**10. "Коммунал" ахборот тизимлари комплекси қайси домен остида фаолият олиб бормоқда?**

- A. ek.uz
- B. kommunal.uz
- C. e-kommun.uz
- D. e-kommunal.uz

**11. Электрон рақамли имзо нима?**

- A. Флешка.
- B. Файл.
- C. Папка.
- D. СТИР.

**12. Давлат хизматлари агентлиги сайтини кўрсатинг.**

- A. davxizmat.uz
- B. davlatxizmat.uz
- C. davxizmatagent.uz
- D. davlatxizmatagent.uz

**13. Миллий қидирув тизимини кўрсатинг.**

- A. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- B. [my.gov.uz](http://my.gov.uz)
- C. [www.gow.uz](http://www.gow.uz)
- D. [www.uz](http://www.uz)

**ГЛОССАРИЙ**

**Очиқлик** - ҳокимият органи режалари, натижалари ва жорий фаолиятига доир тезкор маълумотларни олиш имконияти, меъёрий-ҳуқуқий базанинг очиқлиги.

**Электрон ҳукумат** — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.

**Давлат хизматлари** – ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин.

**Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш** – давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш.

**Электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари** – ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар.

**Электрон давлат хизматининг регламенти** – электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартиб ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

**Электрон давлат хизмати** – ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.

## ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш. халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт қафолатидир // “Халқ сўзи”, 2016 йил 2-ноябрь, 02/11/201
2. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/3119>
